

Нурiddин Йилдиз

ӘРКАК ВА АЁЛ

МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА

# Махрам жавоблар

- Ота-она хоҳишига кўра ажрашиш тўгрими?
- Аёлларнинг шахсий даромади ва харажатлари ҳақида
  - Нега китоб ўқишимиз керак?
  - Аёллар машина ҳайдаси хусусида

НУРИДДИН ЙИЛДИЗ

# МАҲРАМ ЖАВОБЛАР

4

Nizomiy nomli

Т Д Р У

kutubxonasi

Y-8913/3



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

**УЎК: 28:173.5**

**КБК: 86.38**

**Й – 28**

**Йилдиз Нуриддин**

Маҳрам жавоблар / Н. Йилдиз. – Тошкент: Янги аср авло-ди, 2021. – 160 б.

ISBN 978-9943-20-841-4

Туркиялик забардаст ёзувчилардан бири Нуриддин Йилдизнинг мазкур китоби орқали нафақат турк жамоатчилиги, балки бизнинг миллатимиз учун ҳам долзарб бўлган саволларга жавоб топишингиз мумкин. «Маҳрам жавоблар» деган ном остида нозик мавзулардаги сўроқлар, шунингдек, кундалик ҳаётимизда тез-тез рўбару бўладиган масалаларга алоқадор саволларга батафсил жавоб қайтарилади. Ўқувчилар мазкур китобни мутолаа қилиб ўзларининг диний-маърифий билим ва қўникмаларини янада оширадилар, аниқ бир ечимга келишга иккиланаётган баъзи муаммолар юзасидан муайян маълумотга эга бўладилар.

**УЎК: 28:173.5**

**КБК: 86.38**

ISBN 978-9943-20-841-4

© Нуриддин Йилдиз, «Маҳрам жавоблар». «Янги аср авло-ди», 2021 йил.

## ҲАМД ВА САЛОВОТ



Роббим!

Сенга муносиб бўлган барча гўзал сўзлар билан ҳамд айтамиз.

Бизни Ўзингнинг имтиҳонингда чорасиз ва қуруқ қўл билан қолдирмаганинг учун.

Чоралар тўла шариатни бизга юборганинг учун.

Сўнгра бизнинг мусибатларимизни, қийинчиликларимизни ажрга айлантирганинг учун.

Сенга ожизлигимиз, нуқсонларимиз эътирофи сифатида бошимизни эгиб ҳамд айтамиз.

Орамиздан танлаб олиб бизга юборган пайғамбаринг Муҳаммад (с.а.в.)га, унинг аҳли байтига, асҳобига салот ва салом йўллаймиз.

Бизга унинг мероси билан шарафланишни, шариати билан уйғонишни мұяссар қил.



## МУНДАРИЖА

### ҲАМД ВА САЛОВОТ

Маҳрам жавоблар .....	9
Сўралиши керак бўлган бир савол .....	12
Никоҳдан олдин танишиш ва гаплашиш .....	15
Нима учун оила қурамиз? .....	16
Тасаттур ўлчови.....	19
Макияж ва мусулмон аёл.....	21
Тўй ҳақида .....	22
Кино ва муслима аёл .....	24
Байрам кечаси жимо қилса бўладими? .....	24
Никоҳсиз учрашувлар – олов билан уйнашиш, демак .....	25
Жимо вақтида гаплашиш.....	26
Эр-хотин бир-бирининг авратига қараши .....	26
Ҳомиладорликда яқинлик қилиш ҳақида .....	27
Спирал қўидириш .....	28
Аёллар ўртасида аврат.....	28
Нафсни жиловлаш учун.....	28
Никоҳнинг бекор бўлиш сабаблари.....	30
Солиҳа бир жуфт излаш .....	31
Бойлик гаштини суриш.....	32
Ҳомиладорликдан яширинча сақланиш.....	32
Аёлнинг турмуш ўртоғининг оиласидагиларга хизмати.....	33
Никоҳ уй истайди .....	34
Касалликни никоҳдан олдин айтиш керак .....	35
Қош териш .....	35
Бола эмизиш ва ғул .....	35
Узрли кунларда безаниш .....	36
Тирикчилик ва оила қуриш .....	37
Золим отага мўмин фарзанд .....	37
Ёмон жуфтга нисбатан яхши жуфт муносабати .....	39
Аёлнинг маҳрамсиз йўлга чиқиши .....	40
Мусофириликда ғул .....	40
Аёлнинг ишлаши .....	41

Танишув.....	41
Аёлнинг соч бўяши .....	42
Турмуш ўртоғидан шубҳаланиш .....	42
Бола туғиш ҳақида .....	43
Фарзандлик имтиҳони .....	44
Иккинчи турмуш .....	46
Фарзандлик .....	47
Депиляция .....	47
Ярим тасаттур .....	48
Ҳайз ҳолатида Қуръон үқиши .....	49
Она ва фарзанд муносабати .....	49
Никоҳда ваколат .....	50
Бола олдириш .....	51
Қадар ва никоҳ .....	51
Аёлнинг ишлаши .....	52
Онага хизмат .....	53
Аёлнинг сафари .....	53
Ота-онанинг буйруғи билан ажрашиш .....	54
Ногирон болани аборт қилиш .....	55
Унаштирув даврида қунғироқлашиш .....	56
Аёл билан кўл беришиш .....	56
Аёлнинг шим кийиши .....	57
Эрта келган ишқ таҳликали .....	58
Сут она булиш .....	58
Аёл ибодатининг фарқи .....	59
Туклар ва ғусл .....	59
Жуфт танлаш .....	59
Лак нима учун мумкин эмас? .....	61
Унаштирув билан никоҳнинг фарқи .....	61
Ҳиссиётларни жиловлай олиш .....	62
Унашилган жуфт билан муносабатлар .....	63
Ажрашиш .....	63
Ҳар ким тенги билан оила қурсин .....	64
Мазҳаб фарқи ва оила қуриш .....	65
Бола олдириш .....	65

Пластик жарроҳлик .....	66
Жуфт танлашда үлчов .....	66
Хилват ҳаромдир .....	67
Ҳамхоналиқ, салом-алиқ .....	67
Аёлларнинг машина ҳайдаши .....	70
Аёлнинг силаи раҳими .....	70
Қизнинг қочиши .....	71
Оила қуришга ҳаракат .....	72
Нафсни жиловлаш .....	72
Зино қилган эркак билан зино қилган аёл .....	73
Талоқ таҳди迪 .....	74
Шаҳват билан имтиҳон бўлмоқ .....	74
Келинойи билан муносабат .....	75
Қўзни тийиш учун тадбир .....	76
Уйланиш сўзининг қиймати .....	76
Ахлоқ ва гўзаллик .....	77
Аёлнинг зулм қўриши .....	78
Ҳайз ҳолатидаги рўза .....	79
Аёл билан ишхонада ишлаш .....	79
Тукларни олдириш .....	81
Отанинг ҳадди .....	81
Бир талоқ билан ажрашиш .....	82
Эҳтиёткорлик .. Эҳтиёткорлик .....	83
Узрли ҳолда рўза .....	84
Аёлнинг золим эрдан ажрим талаби .....	84
Дори билан ҳайзни кечикитириш .....	85
Нега аёл ибодат учун эридан рухсат олиши керак? .....	87
Аёлларнинг расмларини интернетга қўйишлари .....	88
Болаларимизнинг либослари .....	89
Зинокор билан никоҳ .....	89
Никоҳ пайтида бериладиган ваъдалар .....	90
Қайнонанинг қўлини ўпиш .....	91
Намози йўқ инсон билан никоҳланиш .....	92
Аёлларнинг кремдан фойдаланиши .....	92
Аёлларнинг етакчилиги .....	93

Никоҳ ва тақдирга бўлган ишончимиз.....	93
Қизларнинг ҳижоби .....	96
Энг яхшисини қидириш сабабидан никоҳнинг кечикиши .....	98
Оилали аёлнинг хатоси .....	99
Эр-хотин ўртасидаги ёлғон.....	101
Турмуш қилишга аҳдлашганларнинг зино қилиши .....	101
Гувоҳлари мажбурлатилган бир никоҳ.....	102
Хотинини уриш ҳақида .....	102
Аёлнинг эрига итоати чегаралангандир .....	103
Турмуш қуришдан аввал узрли ҳолатларни билдириш керак.....	104
Бўйдоқлик шайтонликми? .....	104
Қофоздаги никоҳ .....	105
Талоқ ўйинлари ботилдир .....	105
Унаштириш ва никоҳнинг фарқи .....	106
Аёлларга қўйиладиган тақиқлар .....	106
Аёллар ҳунармандчилиги ва зарли ўйин ҳақида.....	112
Ажрашгандан кейинги никоҳ .....	113
Эрнинг зулмига сабр қилиш .....	113
Қиз боланинг мактабда ўқиши .....	114
Яширин никоҳ мумкин эмас.....	115
Фарзандларга мерос тақсимлаш .....	115
Уйланиш мақсадида гаплашиш .....	116
Китоб тавсияси.....	117
Расмий никоҳ ва имом никоҳи .....	118
Никоҳдаги махфий мақсадлар .....	118
Маҳр учун закот .....	119
Никоҳ ёши, турмуш қурадиган қиз ҳақида .....	119
Никоҳни кечикириш тӯғри эмас .....	121
Рўмол билан бошланган ташвишли давр.....	122
Иқтисодий сабаблар / университетдаги жуфтликка номзод аёл ва ота-онанинг кўнгли .....	127
Ажрашиш можаролари.....	130
Ажрашишдан аввал янги никоҳ.....	130
Шим ва юбка .....	131

Ҳаддан ошиш муаммо келтириб чиқаради.....	132
Ражъий талоқ.....	134
Шифокор аёлга уйланиш.....	135
Бир уйда икки оила ва ота-она ризоси.....	136
Телевизор билан курашиш .....	137
Унаштирув ва никоҳни бирлаштириш .....	142
Ота-она розилиги билан турмуш қуриш .....	142
Талоқ натижалари .....	144
Турмуш қуриш ва истиҳора.....	147
Қиз бола ва ибодат .....	148
Бола асраб олиш муаммолари.....	148
Бола ўлимининг оқибати.....	149
Қандай йўл тутай? .....	149
Атирлардан фойдаланиш.....	151
Чиройли муюмала .....	152
Оғиз орқали шаҳватни қондириш .....	152
Эркак ҳам, аёл ҳам билиши учун нубувват чашмасидан .....	155

## МАҲРАМ ЖАВОБЛАР

Оила, никоҳ ва жуфт бўлишда эркак ҳамда аёлга шариат кўзгуси билан қараганимизда улар дуч келадиган қуйидаги асосий жиҳатларни тилга олиш мумкин:

◆ Инсон ҳамма нарсадан аввал, барча маҳлуклар ичидан азиз ва мукаррам қилиб яратилган. У, ҳатто, иймон келтирмаганлар тоифасидан бўлса ҳам инсон сифатида яратилганлиги учун азиз дейилади. Иймон келтириб, мўминлар сафига киргач, бу сифат ўз ўрни ва қийматига эга бўлади.

◆ Динимизнинг никоҳ, оила, аёл ва жуфти ҳалолларга берган мартабаси ҳамда ўрнатган тартиб-қоидлари уларни оқибатда жаннатга элтувчи ташвиқот ва тарғиб саналади. Оила қуриш, фарзанд қўриш, уларни вояга етказишни дунёвий бир шаҳват қўринишидаги жимо саҳнасидан ибодат, садақа ва эҳсон каби охират учун фойдали амалларга ўзгартирумокда. Эркакнинг аёлига берган луқмаси учун, аёлнинг жуфти ҳалолига қилган табассуми учун ажр ваъда қилмоқда. Эркакнинг оиласидагиларга ҳалол ризқ

топиш учун қылған ҳаракатлари бир ибодат сифатида қабул қилинмоқда. Жуда күп ҳадиси шарифларда Расуллуюқ (с.а.в.) оиласы муносабатларда марҳаматли ва гүзал ахлоқли бўлиш лозимлигини ўз ҳаётлари мисолида кўрсатиб берганлар.

♦ Буларнинг барчаси мусулмоннинг никоҳи, оиласи ва уйи бир жомеъ каби, ибодат сингари бўлишини англатади. Оила дунёвий бир тушунча сифатида қаралмайди. Албатта, никоҳ ва унинг билан юзага келадиган муносабатлар гарчи масжид билан боғлиқдек кўринмаса-да, лекин масжидга борувчилар, Аллоҳга сажда қиладиган инсонларнинг бош мезони никоҳ ва оиладир.

Никоҳга бундай қарашнинг яна бир сабаби шайтон қутқуси ва фитналари кўп ҳолатда ана шу томондан келади. Оила масаласини шайтон ҳам унутмаслиги табиий. Аллоҳ таолонинг динида никоҳ борасида маълум тартиб ва қоидалар мавжуд экан, шайтон бу борада ҳам турли фитна-фасодлар ҳозирлаши аниқ бўлиб қолади. Мусулмон киши бир тарафдан Аллоҳнинг розилигини истаб қўним топадиган жойини тафтиш қиларкан, бошқа томондан шайтондан келадиган фитналарни ҳам ҳисобга олиши керак бўлади. Аллоҳнинг розилиги фақат зарур бўлган бинони қуриб, деворлар билан ўраб олиб, оила бўлиб бир жойда яшаш билан қозонилмайди. Аллоҳ розилигини излаган киши ўзини шайтон фитналаридан ҳам асрash учун чора-тадбирлар қилиши лозим.

♦ Никоҳни ибодат мақомида тутадиган сабаблардан бири – ибодатлардаги асосий хусусият давомийликка таяниб, оқибатда гүзал бир ибодатга эга бўлишдан иборат. Мавсумий, вақтинча, бир хас ёниб

битгунича бўладиган ибодатдан Аллоҳ қулидан истаган ва ундан рози бўладиган ибодат даражасигача юксалиш лозим бўлади. Ибодатнинг илк кунларидағи ҳаяжон кейин ҳам давом этиши исталади. Бунга эришиш учун эса давомли ҳаракат қилиш, хавф ва таҳликалардан огоҳ бўлиш зарур. Бу ерда бир мўминнинг ибодатга дастлаб киришганидаги ҳолат билан ўн йил кейинги ҳолат ўртасидаги тафовут борасида гап кетмоқда.

◆ Мусулмон намоз хусусидаги камчилик ва хатоларини тузатиш учун муфтийга қандай мурожаат қилса, оила ва никоҳ борасида ҳам Роббининг ризоси учун худди шундай йўл тутиши керак бўлади. Мўминнинг иймони ҳёти давомида ҳамиша кескин равишда дин билан боғлиқ кечади. Бу ҳар бир мусулмон ҳаётининг асоси бўлмоғи керак.

◆ Никоҳ билан бошланган турмушда фарз, вожиб, суннат, макруҳ, ҳаром ва одобдан сўз боради. Мусулмон ибодатдан нима кутса, оила, никоҳдан ҳам худди шуни кутиши керак.

◆ Бу фикрнинг ўзгармас ҳақиқат эканлиги никоҳнинг Аллоҳ номи билан қурилишида кўринади. Суюкли пайғамбаримиз (с.а.в.) эркакларни назарда тутиб буни «Аллоҳнинг номи билан омонатга олиш» деб эътироф қиласидар. Эркак аёлни Аллоҳнинг номи билан омонатга олади. Аёл ҳам Аллоҳнинг кафиллиги билан иффатини эркакка топширади. Шайтон эса ўзининг фасодли мақсадларини адо этаркан, Аллоҳнинг қурганини бузиш учун қўлидан келган нарсани қиласиди.

## СУРАЛИШИ КЕРАК БҮЛГАН БИР САВОЛ

**Никоҳ әркак ва аёлга нима беради? Бунда қайси йўлдан бориш лозим? Ташқи ва ички муҳитда ҳамма нарсанинг рисоладагидек бўлиши, эркакнинг иқтисодий ҳолати, аёлнинг ҳам оиласаги ҳолатни соғлом тутиши етарлими? Бир томоннинг зарур эҳтиёжларни таъминлаши бошқасининг эса уни сарф қилиши нимани ҳал қиласди?**

Аллоҳ таоло Рум сурасининг 21-оятида шундай буюради: «Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани(ҳам) Унинг оят белгиларидандир. Албатта, динда тафаккур қиласидан қавмлар учун оят-белгилар бордир».

Тушунадиган жамоат учун «далиллардан бири»га диққат қилинса:

– Роббимиз никоҳни бизга ўз қудратини исбот қиласидан далиллардан бири ўлароқ таъкидламоқда. Оятнинг араб тилидаги аслида далил дейилганда Аллоҳнинг қудрати ва азамати мўъжиза эканлиги англашилади.

Қуёш, тоғлар Қуръон оятларида мўъжизалардандир. Бу оятнинг аввали ва охирида Аллоҳ таоло бешта алоҳида мавзу (белги) ни келтиради. Жуфтлар яратилгани, улар билан орамизга севги ва марҳамат солинганини инсоннинг тупроқдан яратилиши, кўклар ва ернинг яратилиши, тиллар ва рангларнинг фарқлилиги, кечанинг уйқуси каби буюк мўъжизалар орасида баён қилмоқда. «Рум» сурасининг 17-27 оятларида бунинг исботи янада аниқ кўринади.

— Керакли никоҳ қонунини қўйиши ва керакли севги ва марҳаматни яратиши Аллоҳ таолонинг назидидан йироқ бўлмаган жиҳатлардир. Бизнинг оиласий масалаларга қарашларимиз, оиласий муносабатларнинг қандай бўлиши ҳақидаги тушунчамиз шутамал асосида қурилиши керак.

— Аллоҳ розилигини мақсад қилган аёл ва эркак бу борада самимий бўлса, улар никоҳининг асоси моддият, гўзаллик, мол-дунё ва шунга ўхшаш нарсалар эмас, балки илоҳий тушунчалар – севги ва марҳамат бўлиши лозим.

Аёл ва эркакнинг бизнинг назаримиздаги вазифалари – тозалик, рўзғор тутиш, меҳмон кутиш каби масалалар мана шу икки буюк мақсад ёнидаги кичик қўшимча вазифалардир.

**Никоҳнинг динимиз билан боғлиқлиги, унинг тақво ўлчови, халқ тушунчаси.**

**Турмушда фатвога эҳтиёж бўладиган манба қаердан пайдо бўлмоқда? Инсонларнинг никоҳ билан боғлиқ саволларига дин билан танишиб, фатво олишлари қай тарзда олиб борилмоқда?**

Аллоҳ таоло «Раъд» сурасининг 38 оятида Пайғамбар (с.а.в.)га хитоб қилиб буюрадики: «Биз сендан олдин ҳам пайғамбарлар юбордик ва уларга жуфтлар, фарзандлар бердик».

Оила, яъни турмуш ўртоқ ва фарзандлар соҳиби бўлиш пайғамбарларга ҳам берилган неъматлардандир. Оила – инсон ҳаёти, турмуш тарзи. Аллоҳ таоло инсон ваҳийга мувофиқ яшасин, деб динни,

пайғамбарларни юборди. Шу боис никоҳ диннинг энг биринчи ва муҳим масалаларидан бири саналади. Демак у инсонга ҳам жазо, ҳам савоб етказади. Итоат қилганга, бўйсунганга савоб, исён қилганга, инкор этганга эса жазо ваъда қиласди. Диннинг юборилиш мақсади ҳам аслида шудир. Никоҳни Ислом ўлчовлари асосида қуриш Аллоҳ ато этадиган яна бир мукофот билан яшамоқ демакдир. Бу, ўз навбатида, инсон маънавий дунёси қувватини кўрсатади. Никоҳнинг моддий эҳтиёж ёки инсоний ўлчовларни бирламчи қилиши мана шу нуқтада фарқланади. Коинот ва ундаги ҳамма нарса инсонга хизмат қиласдиган бўлса, инсон бутун коинотга эга чиқади. *Инсоннинг бор бўлиши ва яши учун Аллоҳ таоло ўрнатган ва воз кечилмайдиган қонуни – бир эркак ва бир аёлнинг машру бир шаклда бирга яшайдир.* Бу бирлик асосида юзага келадиган тушунчанинг номи эса оила, деб аталади. Оила зиммасига юклатиладиган барча мажбуриятларнинг асоси ҳам унинг устига қурилади. Аллоҳ таолонинг инсон зиммасига юклагани, аввало, қуллик, бандалик. Қуръони каримда зикр қилинган икки калиманинг жуфтлар ва фарзандлар эканлиги бу масаланинг моҳиятини англашади. Турмуш ўртоқ ва фарзанд ўтмиш ва келажакни бирлаштирувчи ӯлароқ эркак билан аёлни оилада бир-бирига боғловчи мезон бўлиб хизмат қиласди.

## НИКОҲДАН ОЛДИН ТАНИШИШ ВА ГАПЛАШИШ

**Савол:** – Биз танимаган, фақат оила қурмоқчи бўлган инсонимиз билан гаплашишимиз жоизми?

**Жавоб:** – Оила қурмоқчи бўлган мусулмон эркак ёки аёлнинг никоҳдан олдин кўришиши жоиздир. Бу – суннат. Бу учрашувда фақат:

– Икки киши бир жойда ёлғиз ҳолатда қолмаслиги талаб этилади. Зоро, никоҳдан аввалги хилват ҳаромдир. Муҳаққақ, ёнларида учинчи киши бўлиши керак.

– Иккиси ҳам уйланиш ниятида бўлиши лозим. Бошқа ният билан кўришиш, оила қуришни баҳона қилиш ҳийла ҳисобланади. Динга қарши ҳийла қўллаган киши, энг аввало, ўзини алдайди. Шайтон тузоғига тушади.

– Учрашиб, гаплашиб олиш учун вақт етарли бўлиши лозим.

– Учрашувда сўзлашув никоҳланган эр-хотин суҳбати кўринишида бўлмаслиги керак.

## НИМА УЧУН ОИЛА ҚУРАМИЗ?

**Савол:** – Оила қурмоқчи бұлған әркак ва аёл нималарга аҳамият берши лозим?

### Жаңоб:

1. Үйланиш ва оила бўлиб яшашга жанг майдонида қатнашиш, деб қарашиб керак. Аллоҳ таоло намозни амр қилганидек, никоҳланиб яшаш, ифратни қўриш ва умматни кўпайтиришни буюрганига ҳам иймон келтириш шарт. Оила қуриш фақат жинсий эҳтиёж ёки ишдан қайтганда таом ҳозирлашдан иборат, деган мантиқдан узоқ бўлиши керак.

2. Ҳар ким ўз тенги билан оила қуриши керак. Тенглик, энг аввало, дунёқарашиб, кейинги ўринда эса моддий ва манавий жиҳатдан бўлиши зарур. Оддий тафовутларга эътибор қаратилмай тузилган никоҳ муваффақиятли бўлмаслиги мумкин.

3. Эркак томоннинг моддий ҳолатига аҳамият бериш керак эмас, чунки Аллоҳдан қўрқадиган эркак аёлини Аллоҳнинг омонати сифатида кўриб, уни эҳтиёт қиласи. Агар Аллоҳдан қўрқмайдиган бўлса, уни қайси бойлик тузата олади. Ёки қайси бойлик унинг қўлида абадий қолади? Бу ўринда ақлни ишлатишга мажбурмиз. Эркакда Аллоҳдан қўрқув борми, Исломга даъвогарми – ана шу хусусиятларни излаш керак бўлади.

4. Аёл томоннинг эса балоғатга етганлик, тозалик ва покликка эътибор бершига диққат қилиш керак. Жуфти учун ўзини асрайдиган, туғишини аф-

зал биладиган, Аллоҳнинг берганича туғишига тай-ёр бўлган аёл бўлиши лозим. У ҳар қанча маҳрга лойик. Аёлдан талаб этиладиган илк нарса хожасини бутун дунё аёлларидан холи тута олишидир, лекин бу фақат рашк қилиш билан бўладиган иш эмас, балки Ҳавво онамизнинг қизларига эҳтиёж қолдирмайдиган аёл назарда тутилмоқда. Аёл фақат аёллик ролини бажарувчи эмас, балки ҳақиқий аёл бўлиши керак.

5. Уйда телефон «дўкони» эмас, кутубхона ташкил қилиш лозим. Уй ашёлари икки хилда: биринчи навбатда китоблар ва китоб ўқишига тўсқинлик қиласидиган ТВ ҳамда шунга ўхшаш нарсалардан холи бўлсин. Иккинчиси, болалар учун мўлжалланган уй ҳам болалар парки, ҳам тарбия маркази вазифасини бажарсинг.

6. Оиланинг файз-баракот манбай – икки тараф ҳам ота-она дуоси ва розилигини олишлари керак.

7. Ҳеч ким мукаммал эмас, айниқса, янги турмуш қурганлар ҳис-туйғуларга кўп берилади. Уйда бирор келишмовчилик рўй берадиган бўлса, уни катталар аралашуви билан ҳал қилиш лозим.

8. Оила қуриш учун энг маъқул пайт унинг зарур вақтидир. Турмуш қуришни ўқиш ва иш каби сабаблар билан кечиктирмаслик керак. Аввал оила қуриб, сўнг ҳажга бориш лозим.

9. Оила қуриш пайти ва ундан кейин ҳам шайтон ва унга хизмат қилувчиларнинг таъсирига қарши

тадбирлар олиб бориш, ҳушёр бўлиш талаб этилади. Суннатга мувофиқ турмуш қуриш, ботил аҳлларга тақлид қилмаслик, дунёвий зийнатларга берилмаслик, ётоқхонани мўътабар хона сифатида қуриш, ота-онани унтиб қўймаслик, ейиш-ичишда исроф қилмаслик, «Бақара» ва «Оли имрон» сураларини ўқиб юриш, фикҳий билим мавжуд бўлган бир уй чинакам оиласидир.

10. Муаммосиз оила йўқ. Ҳатто энг муборак оиласарда ҳам муаммо бўлган. Яхши бир турмуш барпо қилиш учун Қуръони карим кўрсатган чизик бўйлаб юриш, саволларимизга жавоб топишга уринишимиз зарур.

11. Қуръони карим кўрсатган йўллардан бири ва, ҳатто, энг муҳими, Аллоҳдан ёлвориб гўзал бир оила, яхши жуфт сўрамоқдир. Солиҳ фарзандлар учун ҳам Аллоҳга дуо қилиш лозим. Яхши бир никоҳ, солиҳ-солиҳа жуфт учун йиллар давомида қўзёш тўкиб дуо қилса арзийди. Муборак бир оила жаннатга ҳозирлиkdir.

Икки тараф ҳам учрашув вақтида ўзлари ишонган кишилар билан бирга боришлари керак, чунки сухбат чоғида ноқулайлик ва ҳаяжон сабаб янглиш қарорга бориб қолмаслик зарур.

## ТАСАТТУР ҮЛЧОВИ

**Савол:** – Домла, мен үранишга қарор қилдим. Лекин қандай үраниш борасида бир қарорға келолмаяпман. Видеоларингизни күрдим, лекин менда яна саволлар туғилмоқда. Кенг лиbos кийишим керакми? Ёз ойлари ёки байрамларда ёрқин рангли лиbosлар кийсам бұладими? Аллоҳ рози бұладиган ҳолат қандай бұлади? Оятларда rўмоллар билан кўксини ёпиш лозимлиги айтилған. Ҳазрати Ҳадича онамиздан бир ривоятда эса асҳоблари, аёллар rўмоллари устидан яна бир rўмол ёпиб, худди йиртқич қушлардан ҳимояланғандек үранғанлари айтилған. Қайси бири түғри? Менга намуна бұладиган сурат кўрсатинг.

**Жавоб:** – Аввало, сизни табриклайман. Аллоҳ рози бұладиган қарорға келибсиз. Бу қарордан қайтмаслик учун сабот ва сабр зарур. Бунда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак бұлади:

1. Лиbos кийилғанда бадан билинадиган даражада дикқатни тортмаслиги керак.
2. Устингиздаги лиbos бегоналар дикқатини ўзига бир санъат асари каби жалб қилмаслиги лозим.
3. Аллоҳнинг розилиги учун кийиниш ва үраниш.
4. Либосингизни қуйидаги уч үлчовга кўра танланг:

а) Тұрмуш үртоғингиз нимани хоҳласа, нима чи-  
ройли күринса шундай кийининг. Табиийки, бу фақат  
хұжайинингиз учун бўлиши лозим: ундан бошқа ҳеч  
ким сизни бу күринишда кўрмаслиги керак.

б) Либос танлаш ва кийишда үлчовни ота-она,  
фарзанд, невара, қариндошлар, қайнота, тоға ва  
амаки сингари биринчи даражали яқинларингиз-  
га нисбатан олинг. Бу үлчов сизга кўзлар қадали-  
шига сабаб бўлмаслиги лозим. Бироқ эътибор бе-  
ринг, бу саналганлар ичидаги қайноға, дўст ва бошқа  
қариндошлар йўқ.

с) Юқоридаги икки гурӯҳга кирмайдиган жами  
эркак аёллар учун баданингиз билинмаслиги, либо-  
сингиз завқ уйғотиб, диққатни тортмаслиги шарт.

Шуни яхши билингки, тасаттур орқали фақат диний шартни бажарган бўлмайсиз. Сиз тўғри ва энг зарур йўлдан кетмоқдасиз. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Уларни қарши олишга тайёр бўлинг. Жаннатнинг бир бадали бор, албатта. Аллоҳ таоло бу асрда аёлликларини Аллоҳ розилиги учун қўришни бир имтиҳон қилган. Ҳар бир аёл бунинг моҳиятини билсин. Аллоҳ тасаттур дедими, демак, у бир жанг майдонида туриб курашмоқликдир.

## МАКИЯЖ ВА МУСУЛМОН АЁЛ

**Савол:** – Домла, мен 31 ёшдаман. Июль ойида уйланяпман, иништеп келишмийтим. Аммо унаштирилган қизим билан бир масалада келишолмаяпмиз. Мен мусулмон аёлнинг пардоз қилишига қаттиқ қаршиман: гарчи бунинг ҳукмини билмасам-да, бу нарсаны ёмон күраман. Уйланмоқчи бўлганим қиз эса тўй куни мақияж қилишни истаяпти. Мен бунга қаршилигим учун орамизда тортишиув бўляпти. Мен унга ўзим ишонган бир домладан сўрайман, қарорни уларнинг фикрини билгач, қабул қиласман, дедим. Менга ёрдам бера оласизми?

**Жавоб:** – Аёлларнинг яратилиш тарзини ўзгартирмаслик шарти билан гўзал кўринишга ҳаракат қилишлари фитратларига муносиб ҳолат ва бу турмуш ўртоқлари учун ҳам керак. Қолаверса, динимиз ҳам уларнинг бу хатти-ҳаракатларини мақбул, деб ҳисоблайди. Бироқ бунда икки нарсага аҳамият берилади:

1. Аёлларнинг барча хатти-ҳаракатлари турмуш ўртоқларига янада гўзал кўриниш учун бўлиши керак. Ундан ташқари, хусусан, номаҳрам эркак ёки фосиқа аёллар учун гўзал бўлиб кўринишлари жоиз эмас.
2. Яратилишларини ўзгартирмаслиги, масалан, қош термасликлари лозим.

Ёш қизнинг тўйи куни гўзал кўриниш учун ҳаракат қилиши унинг ҳаққидир. Аслида, шундай бўлиши

ҳам керак. Лекин бу фақат турмуш ўртоғи учун бўлиши лозим. Уни бегона эркакларнинг ҳам кўриши яхшиликдан дарак бермайди. Сиз ҳали йўл бошидаёқ бундай тортишув келиб чиқаётганига диққатлироқ бўлинг. Олдинда бошқа тушунмовчиликлар бўлса қандай тадбир қўллайсиз? Жуфтингиз сизнинг бу истагингизга қарши бормаслиги, сиз ҳам бундай тортишув юзага келишига йўл қўймаслигингиз керак эди. Оила қуриш катта имтиҳон. Уни ўзига муносиб тарзда кутиб олиш керак. Аллоҳдан сабр сўранг, оиласвий ҳаётни ўзингизча бошламанг. Сиз биринчи марта уйланяпсиз. Шайтон эса оиласларни бузиш учун тиним билмай ҳаракат қилмоқда. Эътиборли бўлинг.

## ТЎЙ ҲАҚИДА

**Савол:** – Устоз, ёпиқ ёки ошкора тўйнинг исломга уйғун ҳолати қандай бўлади? Мисоллар билан тушунтириб берсангиз.

**Жавоб:** – Тўйдан мақсад бўлажак никоҳни эълон қилишдир. Яъни бир аёл ва бир эркақдан дунёга келган фарзандлар шу икки инсон никоҳидан дунёга келган болалар бўлади. Тўй ана шуни билдириб қўйиш учун қилинади. Буни билдирадиган нима бўлса, у исломдан. Бироқ қош қўяман, деб кўз чиқармаслик учун қуидаги жиҳатларга эътибор қаратиш керак:

1. Тўйга одамларни бой ва камбағалга ажратмасдан таклиф қилиш зарур.

2. Тўйда эркаклар билан аёллар аралаш бўлмаслиги керак. Ҳатто парда билан ажратилган битта хонада ҳам эмас, балки алоҳида-алоҳида жойда бўлишлари керак.
3. Маст қилувчи ичимлик ва мусиқа бўлмаслиги керак.
4. Кимларгадир кўр-кўронга тақлид қилиб, исрофга йўл қўймаслик шарт.
5. Таом бериш – суннат, лекин бунда ҳамма ўз ҳолати ва имкониятидан келиб чиқиши керак. Гўштли таом бўлса янада яхши.
6. Эркак аёллар орасига, аёл эркаклар орасига суратга олиш ёки тушиш каби сабаб ва баҳоналар билан кирмаслиги керак.
7. Келинлик гул отиш ёки шунга ўхшаш ғарб одатларига тақлид қилинган ҳолатда бўлмаслиги лозим.
8. Тўйларда маъруза ўқилиши керак эмас. Муҳими, қутлаш ва эълон қилишдир. Келин билан куёвнинг қариндошлари иштирокида никоҳни эълон қилишнинг ўзи етарли бўлади.

## КИНО ВА МУСЛИМА АЁЛ

**Савол:** – Бир аёлнинг турмуш ўртоғи билан бирга (оила қурган) кинога тушишида бирор хатолик борми?

**Жавоб:** – Кино кўриш ёки кинога тушиш аслида тақиқланган эмас. Бироқ унга куфр ўрнатмоқчи бўлганлар фитна чиқариш учун «Кинога тушиш» фатво сўраладиган ишдек кўрсатилмоқда. Кино режиссёри мусулмон бўлса ҳам, ўша фильм кўришга лойиқ бўлиши ва шунга лойиқ муҳит бўлсагина муносибdir. Шу ўринда муҳит тушунчасига алоҳида изоҳ берай: фильм томоша қилишда бирор аёлни худди фильм кўргандек томоша қиласидиганлар борлиги учун бу муҳит таҳликалидир.

## БАЙРАМ КЕЧАСИ ЖИМО ҚИЛСА БЎЛАДИМИ?

**Савол:** – Байрам ва шунга ўхшаш муборак кечаларда жуфтлари билан яқинлик қилиш нотўғри ҳисобланмайдими? Агар бундай хатога ўйл қўйилса, қандай тавба қилинади?

**Жавоб:** – Биз шариатга мувофиқ яшашга ҳаракат қиласиз. Шариатимиз:

- Рамазон кундузида;
- Ҳаж ва Умра учун эҳромда эканлигига;
- Аёл ҳайз-нифос ҳолатида эканида жимо таъкиқланган.

Бундан ташқари ҳолатларда мумкин.

## НИКОҲСИЗ УЧРАШУВЛАР – ОЛОВ БИЛАН ҮЙНАШИШ, ДЕМАК

**Савол:** – Беш йилдан бери бир қиз билан оила қуриш учун ният қилиб, гаплашиб юрамиз. Бир-биirimизни қаттиқ севамиз. Гаплашмасдан, кўришмасдан туролмаймиз. Лекин кўришиб, гаплашганда виждонимиз қийналади. Оиласаримиз бу ҳолатни билади. Лекин иккимиз ҳам университет талабаси бўлганимиз учун оила қуришга имконимиз йўқ. Үқишимиз тугагач, уйлантиришмоқчи. Оиласадагилар телефонда гаплашишингиз диний никоҳ бўлсагина мумкин, мабодо фикрларингиз кейинчалик ўзгариб қолса, қизнинг шаънига яхши бўлмайди, дейишяпти. Шу сабабли никоҳ ҳақида бошқаларга айтмасдан фақат оиласаримиз билишини истаяпмиз. Шундай вазиятда никоҳ ўқитсак бўладими? Бунинг шаърий хукми қандай?

**Жавоб:** – Зудлик билан никоҳ ўқитиб, оила қуришингиз керак. Бошқаларга билдиришмасдан никоҳ ўқитиш қандай никоҳ бўлади? Никоҳнинг асл маъноси эълон қилиш-ку. Оиласарингиздагилар хато ўйляяпти. Олов билан ўйнаманглар. Беш йилдан бери олов билан ўйнашяпсизлар экан. Шайтон сизни гўё гуноҳдан қўрққандек шаклда аврамоқда. Үқиш ё шунга ўхшаш баҳоналарни йўқ, деб ҳисобланг. Үқиш, иш, одамларнинг гапи нима, агадий охират азоби ёки жаҳаннам нима эканини биласизми?!

## ЖИМО ВАҚТИДА ГАПЛАШИШ

**Савол:** – Эркак аёли билан яқинлик қилиш вақтида гаплашса бўладими?

**Жавоб:** – Мусулмон – ифратли инсон. Бу унинг қўли, тили, қулоғи билан қилган ҳар бир ишида намоён бўлади. Одобсиз саналадиган нарсаларни гаплашиш, албатта, хунук. Никоҳли эр-хотин жоиз бўлган нарсаларни гапириши, бир-бирига муҳаббат изҳор қилиш учун ҳаракат қилиши мубоҳдир. Айни шу тарзда гаплашилса, муносиб бўлади. Мехр уйғотадиган ёки орттирадиган сўзлар бўлса, бунга ташвиқ ҳам қилиш мумкин. Ўрталарида ёлғон, туҳмат, сўкиниш, ғийбат бўлмаслиги керак. Баъзи олимлар бунақа муҳаббатли бўлишни кариҳ ҳисобласалар-да, лекин бу кароҳият инжа бир ахлоққа асосланади. Бундай ҳолат ҳаром ҳисобланмайди. Жуфтларнинг совуққон ҳолатидан кўра хушкайфиятда бўлишга ҳаракат қилишлари жоиз саналади.

## ЭР-ХОТИН БИР-БИРИНИНГ АВРАТИГА ҚАРАШИ

**Савол:** – Эркак аёлнинг, аёл эрининг авратига (жинсий аъзосига) қараши мумкинми?

**Жавоб:** – Эр-хотин бир-бирининг жинсий аъзосига қарашини тақиқлайдиган сахих ҳадис йўқ. Билъакс, бир Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Авратингизни аёлингиз ва чўриларингиздан бошқадан қўрингиз» дея буюрганлар. Бундан авратларини беркитиш аёлига таал-

луқли эмаслиги айтиляпти. Баъзи ахлоқ китобларида жуфтларнинг авратларига қараши жоиз эмаслиги ҳақида фикрлар бўлса-да, Фиқҳий жиҳатдан бунинг бир айби йўқлиги кўринади. Фиқҳ бундай масалаларда мўттадил йўлни танлайди. Бу масалада аниқ бир далил зарур, лекин бундай далил йўқ.

## ҲОМИЛАДОРЛИКДА ЯҚИНЛИК ҚИЛИШ ҲАҚИДА

**Савол:** – Устоз, аёлим тўрт ойлик ҳомиладор. Ҳомиладорлик пайтида жинсий яқинлик қилишнинг Исломий тарафдан зарари йўқми? Шифокорлардан сўрасак, охирги бир ойгача ҳеч қандай зиёни йўқ, дейишди. Ҳомиладорликда исломга мувофиқ яқинлик қилиш қандай бўлади?

**Жавоб:** – Жинсий яқинлик фақат ҳайз ва нифос (аёлнинг туғруқдан кейин поклангунича бўлган ҳолати) вақтида мумкин эмас. Бундан бошқа ҳолатда тиббий хulosага таянилади: шифокорлар рухсат берган вақтгача бирор зиёни йўқ. Эр-хотин бу вазиятда бир-бирларини тушунишга ҳаракат қилишлари лозим. Аёл эркакнинг яқинлик талабини рад қилиб, эътиroz билдириш ўрнига, зиён етмайдиган ҳолатда яқинлик қилишига изн бериб, гўзал хулқларини на-моён қилиши оилани янада мустаҳкамлайди. Албатта, аёл бу вазиятда қийналиши мумкин. Бироқ биз никоҳни ибодат даражасида кўрамиз: у ҳам намоз ва ҳаж сингари ибодат саналади. Солиҳа аёл рафиқалик вазифаси билан ўзини жаннатга ҳозирлайди. Аёл аслида бу билан эрини ўзига янада мустаҳкам боғлаб олган бўлади.

## СПИРАЛ ҚҰЙДИРИШ

**Савол:** – Түғиши назорат қиласынан восита-лардан бири бұлған спирални құллаш жоизми?

**Жавоб:** – Бундай тадбирларга ҳеч қандай монелик йўқ. Фақат тиббий жиҳатдан узрсиз ҳолатда аёлнинг аврати эркак ёки аёл шифокор ҳузурида очилиши мумкин эмас. Бу жиҳатта эътиборли бўлиш лозим. Агар одам бу ишни ўзи амалга оширишга имкони бўлмаганда, шифокор ё ҳамшира ёрдами керак бўлса, бунда фатво ўзгаради. Бу хусусда фатво ахлидан маслаҳат сўраб кейин иш тутиш зарур бўлади.

## АЁЛЛАР ЎРТАСИДА АВРАТ

**Савол:** – Аёлларнинг бир-бири учун ҳаром ҳисобланган аврат жойлар опа-сингилларга ҳам ҳаромми?

**Жавоб:** – Аёлнинг қорнидан тиззасигача бўлган авратини фақат унинг турмуш ўртоғи қўриши мумкин. Зарурат туғилганда шифокор кўрса бўлади. Опа-сингил учун мумкин эмас.

## НАФСНИ ЖИЛОВЛАШ УЧУН

**Савол:** – Домла, мен 24 ёшдаман. Нафсимнинг орзу ва истакларига қарши бўлишга ҳаракат қиляпман. Лекин шайтон мени тўхтоворсиз вассаса қиласди. Баъзан қилмаслигим керак бўлган ишларни қиляпман. Бундан жуда қийналаман. Биз нима учун яратилдик ва мен нималар қил-

япман, деб баъзан ўзимдан ўзим уялиб кетаман. Унаштирилган қизимга иншааллоҳ тўрт ойдан кейин уйланаман. Нафсимни жиловлаш учун бу муддат ичида нималар қилсан бўлади? Дуоларингизга муҳтожман.

**Жавоб:** – Шунга ўхшаш саволни Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдан сўрасангиз, уларнинг жавоби шундай бўларди: нима учун мусулмон бўлгансиз? Мусулмонлик – бу кураш, дегани. Ҳар бир мусулмон зиддият ичида яшайди. Сўнгги дамгача мағлуб бўлмаганлар ғалаба қозонади. Бир жойда тўхтаб қолганлар эса ҳалок бўлади. Буни сиз шундай тасаввур қилишингиз мумкин: бир майдонда қизғин кураш кетяпти. Унда сиз ҳам иштирок этяпсиз. Албатта, йиқилишингиз мумкин. Йиқилганингизда йиғлай бошласангиз рақибингиз устингизга миниб олади ва сиз мағлуб бўласиз. Асл вазифамиз йиқилмаслик, лекин бу жуда мушкул. Биз пайғамбар эмасмиз. Йиқиламиз, фақат йиқилган жойимизда тўхтаб қолмай ўрнимиздан туришимиз шарт. Шунда ютамиз, биизниллаҳ. Сизга тавсиям, насиҳат дарсларини тингланг, Аллоҳдан қўрқадиган дўстларингиз бўлсин. Илм олишда давомли бўлинг. Кофирлар кўп бўлган жойлардан узоқ юринг. Жамоат намозини қолдирманг. Оз миқдорда бўлса-да давомли равишда Қуръон ўқинг. Ҳозирдан оила қуриш борасидаги илмингизни юксалтиринг. Тақвосига ишонган бир-икки яқин кишиларингиз билан никоҳ ҳақида суҳбат қуринг. Кўрасиз, сиз ютиб чиқасиз, иншааллоҳ. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин.

Оила қуриб, умматнинг юқори даражаларига эга бўласиз. Сабр ва сабот билан Аллоҳ учун иффатин-

гизни асрашга, муборак бир насл етиштиришга қатъий қарор қилинг. Зинхор құрқманг. Сиз У билан яқын бўлишни истаганингизда, Аллоҳ таоло ҳам сиз билан бўлади. Минг йиллардан бўён жуфтлар орасида фитна уруғи экишда давом этаётган шайтон сиз учун бир нарсалар тайёрлайди. Диққатли бўлинг. Бу ҳақдаги билимларингизни жуфтингиз билан ҳам ўртоқлашинг. Аллоҳ таоло ёр ва ёрдам-чингиз бўлсин.

### НИКОҲНИНГ БЕКОР БЎЛИШ САБАБЛАРИ

**Савол:** – Никоҳни талоқдан ташқари яна нима бекор қилиши мумкин?

**Жавоб:** – Никоҳни бир маҳкама бекор қилиши мумкин. У фасиҳ деб аталади. Маҳкама эр-хотин ўртасида тўхтовсиз жанжал, номувофиқлик юзага келганда, эркакнинг бошқара олмаслиги, уларнинг бирида эр-хотин бўлишга моне бўлувчи узрли сабаб юз берган ҳолатларда бекор қила олади. Аёл эркакка молиявий бадал тўлаб талоқ беришини таклиф қилиши ҳам мумкин. Бунга ҳулъ дейилади. Эркак аёлидан воз кечиб, никоҳини бекор қилса, талоқ дейилади. Талоқ билан бошқа ҳолатлар ўртасидаги энг асосий фарқ шундан иборатки, талоқда эркак аёлнинг иддаси тугагунгача бўлган вақт ичиди жуфтини яна ўзига қайтариш имкони бор. Бошқа ҳолатларда эса бундай имкон йўқ.

## СОЛИХА БИР ЖУФТ ИЗЛАШ

**Савол:** – Домла, сиздан Аллоҳ рози бўлсин. Умрингизга барака берсин. Оила қуриш учун ўз насибимни ён-атрофдан изляяпман. Лекин Аллоҳ розилиги учун оила қуришни истайдиган, солиҳа қиз тополмаяпман. Ҳамма сиз айтгандек никоҳни моддият устунлиги асосида бўлишини истайди. Мен иймоннинг ярми бўлганлиги учун тезроқ оила курсам дейман. Бу вазиятда нима қилишим керак? Мен қаерда хато қилаётганимни билишини истайдман. Қаерда янглишајман?

**Жавоб:** – Бир нарсанинг энг яхшисини истаяпсиз ва унга эришишга ҳаракат қиляпсиз. Мўмин бўлганлигимиз учун бу бизга жуда зарур. Аммо энг яхшиисига етишишимиз мумкин бўлмаса, таҳликага тушмаслик учун энг яхшидан яхшига, яхшидан бироз яхшига, дея тўғри қарор қабул қилиб, мақсад томон юришга ҳаракат қилаверишимиз керак. Масалан, солиҳа аёл излаб, зинокор билан юзма-юз бўлгандан кўра, солиҳа бўлмаган аёлга уйланишга рози бўламиз. Оила қуриш учун қўйидагиларга эришишга ҳаракат қилиш ва эътибор қаратиш зарур бўлади:

Яхшилик ва фазилатларни фақат қарши тарафдан излаш ўрнига, ўзимиз ҳам яхшилар аҳлидан бўлишга ғайрат қилайлик, Аллоҳнинг кўмагига муносиб бўлайлик. Солиҳа аёл изланганидек, солиҳ эркак ҳам изланади. Қанча солиҳа қизлар солиҳ йигитлар ахтаряптилар. Албатта, изланганни дарҳол топиш мушкул. Биз излаймиз, бу – бир. Аллоҳ таоло ниятимизда бир самимият кўради. Бу – икки. Сабр қилиб, муваффақ бўламиз, бу – уч.

## БОЙЛИК ГАШТИНИ СУРИШ

**Савол:** – Бир бой мусулмон закотларини адo қилиб, садақа ва фитрни берса, ўзи истагандек тўкин-сочинликда яшаши, уй, машинага эгалик қилиши жоизми? Аёлим билан бойлик гаштини сурсак жоиз бўладими?

**Жавоб:** – Молидаги Аллоҳнинг ҳаққи бўлган за-  
котни ва яқин қариндошлар нафақасини бергач,  
мусулмоннинг бойлигига ҳеч қандай қаршилик йўқ.  
Зиёnsиз бойлик мубоҳ саналади. Тўкин-сочинлик-  
нинг ҳам зарари йўқ. Бойликдан етадиган мубоҳлар-  
га кўмилиш таҳликаси алоҳида масала. Бойми, кам-  
бағалми, албатта, имтиҳон қилинади. Ҳамма ана шу  
синовдан ўтишга ҳаракат қиласади. Аёлингиз билан  
баҳтили бўлиш учун барча имкониятдан фойдаланинг.  
Лекин нима қилсангиз ҳам Аллоҳ буюрган ҳалоллик  
чегарасии бузиб ўтманг.

## ҲОМИЛАДОРЛИКДАН ЯШИРИНЧА САҚЛАНИШ

**Савол:** – Ҳомиладорликдан сақланувчи воси-  
талардан турмуш ўртоғимдан сўрамасдан фой-  
далансам бўладими?

**Жавоб:** – Мусулмон одамга ёлғон ва ҳийла ёт  
нарса. Устига устак ҳомиладорликда эркакнинг ҳам  
ҳаққи бор. Яъни ҳомила пайдо бўлганидан кейин  
юзага келадиган ҳақлар фақат аёлнинг ҳаққи ҳисоб-  
ланмайди. Ҳомиладорликдан яширинча сақланган-  
да эркакнинг ҳаққига путур етади. Шу сабабли бун-  
га эркакнинг изн бериши зарур бўлади.

## АЁЛНИНГ ТУРМУШ ЎРТОФИ ОИЛАСИДАГИЛАРГА ХИЗМАТИ

**Савол:** – Аёл турмуш ўртоғига, унинг оиласидагиларга хизмат қилишга мажбурми?

**Жавоб:** – Аёлнинг биринчи ўриндаги вазифаси турмуш ўртоғи билан баҳтли яшашдир. Бу эркакнинг тўлик ҳаққи ҳисобланади. Бу шундай ҳаққи, у ўлчовсиз эмас: маъқул ва қабул қилинадиган вақтлари бор. Қолаверса, бу Исломнинг никоҳдаги бош ғоя сифатида белгилаган қонунидир. Аёлнинг эрининг оиласидагиларга хизматини белгилашдан олдин шуни аниқлаш лозим. Эр аёлидан қандай хизматлар хоҳлайди? Исломнинг бу хусусдаги кўрсатмаларига мурожаат қиласидиган бўлсан, икки мавзу юзасидан баҳс юритиш мумкин. Биринчиси, фуқаҳоларнинг аксарияти аёл эрнинг хизматини бажаришга мажбур эмас. Унинг асл вазифаси борлиғи ва латофати билан эрининг кўнглини олишдан иборат, деб ҳисоблайди. Иккинчи қарашга кўра, аёл эркакнинг хизматларига ҳам масъулдир. Аммо бу масъулият тақво асосида бўлиб, ҳуқуқий жавобгарликни талаб қиласидиган вазифа эмас. Буни қуидагича изоҳлаш мумкин: аёл эркаги хизматини бажаришда бирор камчилик ёки хатога йўл қўйса, суд йўли билан ҳақ талаб қиласидиган. Рафиқалик фақат Аллоҳга итоат қилиб маълум бир жавобгарликни зиммасига олиш ҳисобланади. Аёл эрининг отонасига, қариндош-уруғига ёки бошқаларга хизмат қилишга мажбур эмас. Қуръон ва суннатда бундай амр йўқ. Лекин Қуръон ва суннатда барча инсон ва яқин қариндошларга инсонийлик юзасидан мурув-

ватли бўлишга амр қиласиган оят ва ҳадислар жуда кўп. Эркак билан аёл хизмат қилиш ёки қилмаслик борасида баҳслашганида динимизда эр аёlinи бу борада мажбурлаши белгиланмаган. Эрлик ва рафиқалик бу масалани ихтиёрий, кўнгил амри билан қилиш, қилдира олишдир.

### НИКОҲ УЙ ИСТАЙДИ

**Савол:** – Домла, иншааллоҳ Роббим изни билан май ойида тўйим бўлади. Сизга шундай саволим бор эди: тўйдан кейин оиласидагиларнинг ёнида яшасак яхими ёки ўзимиз алоҳида бўлганимиз маъқулми? Бу борада сизнинг ҳам фикрингизни билишини истайман.

**Жавоб:** – Оиласигиз ёнида турмуш кечиришингиз ота-онага хизмат қилиш жиҳатидан гўзал кўринса-да, лекин ҳаёт ҳақиқатлари билан юзлашганда ижобий ҳолатларни юзага келтирмайди. Агар сиздан бошқа ака-укаларингиз ҳам ўша уйда яшасалар алоҳида уйда яшаганингиз маъқул. Ёшларнинг мустақил яшашларини афзал деб биламан. Қандай бўлмасин, ота-она кўнглига йўл топиб, бунга эришиш зарур. Ота-оналарнинг бузилган кўнгиллари эвазига қурилган уйда баҳт қўним топмайди.

## КАСАЛЛИКНИ НИКОҲДАН ОЛДИН АЙТИШ КЕРАК

**Савол:** – Менинг қанд қасаллигим бор, буни унаштирилган йигитимга айтишим керакми?

**Жавоб:** – Қанд қасаллиги инсон ҳаётига жиддий таъсир қилувчи хасталик саналади. Буни унаштирилган томонга, албатта, айтишингиз керак. Агар сизни шу ҳолатда ҳам қабул қиласа, келгусидаги ҳаёtingиз учун яхши иш қилган бўласиз. Айтмай сир тутсангиз, эртага у ҳам, сиз ҳам қийин ҳолатга тушиб қолишингиз эҳтимоли бор.

## ҚОШ ТЕРИШ

**Савол:** – Қош теришнинг ҳукми қандай?

**Жавоб:** – Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Маъсур (р.а.) ривоят қилган бир ҳадисда ва кўпчилик уламолар фикрича, қош териш ҳаром, дейилган.

## БОЛА ЭМИЗИШ ВА ҒУСЛ

**Савол:** – Болани ғулсл қилмасдан эмизса бўладими? Жунуб ҳолда эмизса гуноҳ бўлмайдими, бунинг каффорати борми?

**Жавоб:** – Аллоҳдан қўрққан мўминнинг жунублик ҳолатини атайин ортга сурмагани афзал. Бундан фақат аёллар мустасно. Чунки уларнинг ҳолати жунублик билан тенгланмайди. Жунублик ҳолида намоз ўқиш, Қуръонни ушлаш ва ўқиш, Каъбани тавоғ қилиш ҳаром саналади. Бола эмизиш эса гуноҳ эмас.

## УЗРЛИ КУНЛАРДА БЕЗАНИШ

**Савол:** – Бир дугонамдан лак суришнинг ҳаром эканини эшишиб қолдим. У сизнинг бу хусусда изланиш олиб борганингиз ҳамда лак таркибида чўчқа ёғи борлигини айтганингиз ҳақида гапирди. Одатда, мен лак сурмайман, лекин яхши кўраман. Ҳайзли кунларимда турмуш ўртоғимга чиройли кўриниш учун сургум келади. Сиз бу борада қандай маслаҳат берасиз?

**Жавоб:** – Гапларингизнинг бир қисмига қўшиламан, аёл авратини турмуш ўртоғидан бошқа киши кўрмаслиги керак. Ҳайз вақтида турмуш ўртоғига чиройли кўриниш учун ҳаракат қиласидиган аёллар борлигини билиб, мамнун бўлдим. Бу ишингиз муборак бир ишдир. Фақат ишлатадиган нарсаларимиз ҳам ҳалол бўлиши лозим. Аёллар узрли кунларига бефарқ бўлмаслиги, жуфти ҳалолига чиройли ва жозибали кўринишига ҳаракат қилишлари мумкин. Айниқса, ҳайз кунлари кўпроқ давом этадиган аёллар бунга эътиборли бўлишлари, ўзларининг муҳим вазифалари, деб билмоқликлари керак. Оила саодати учун бу муҳим ва шарт. Дейлик, бир рўмол ўғирласангиз-у, уни авратни ёпиш ўрнида ўрасангиз нима бўлади? Шунинг учун спирт ёки чўчқа ёғи қўшилган воситалардан фойдаланмасликка аҳамият беришимиз керак. Лакнинг яна бир жиҳати тагига сув ўтказмаслигидир. Тақвони ният қилган аёл сифатида сиз ер юзига инган раҳматларнинг сабабчисиз. Умид қиласманки, «Аёллар» савиясидан «Солиҳалар» мавқеига чиқасиз. Аллоҳ таоло амалингизни муборак қилсин.

## ТИРИКЧИЛИК ВА ОИЛА ҚУРИШ

**Савол:** – Сизнинг ёрдамингизга муҳтожман, чунки мен нима қилишимни билмаяпман. Оила қуришни истайман, лекин уйдагилар: «Рўзғор қилсанг қийналасан» деб рухсат беришмаяпти. Уйланмоқчи бўлган қизим ҳам жуда яхши: ёмон жиҳатини кўрмадим. Бир-биримизни севамиз. Гуноҳга ботмаслик учун оила қуришни хоҳлаяпмиз. Сизнингча, тирикчилик сабаб оила қуришдан воз кечишим керакми?

**Жавоб:** – Вақти келган никоҳни фақат моддий етишмовчилик сабабли кечиктириш жоиз эмас. Агар сабаб фақат шу бўладиган бўлса, оилангиздагиларга ҳолатни ҳам нозик, ҳам янада кескинроқ ифодалар билан англатинг. Уларни қарорларингизга ишонтиришга ҳаракат қилинг. Оила қуришдан ҳам воз кечманг. Оилаларингизни баҳона қилиб, ҳаромга яқин юрманг.

## ЗОЛИМ ОТАГА МЎМИН ФАРЗАНД

**Савол:** – Домла, дадам жуда жоҳил одам. Ҳаёлига нима келса, қайтмайди. Ичкилик дейсизми, қимор дейсизми... ҳамма шайтоний ишни қиласди. Ҳатто онамни калтаклашгача боради. Пулсиз қолса, болаларини қарғайди. Фаҳси ишлардан ҳам қайтмайди. Куръони каримда, ҳадисларда ота-онага итоат қилинг, дейилган. Ҳозир гаплашмаяпман, юзига тик боқиб, ҳурматсизлик ҳам қилмадим. Лекин Аллоҳдан кўрқаман. Гаплашмаслигим гуноҳми? Чидаб бўлмаяпти, эътиrozимни гап-

лашмаслик билан билдирияпман. Лекин айтинг, булар қанчалик таъсир күрсатиши мумкин?

**Жавоб:** – Сиз бундай отани күрган биринчи фарзанд эмассиз. Бу бир имтихондир. Сизни Аллоҳ таоло ана шундай йүл билан синашни истаган. Бу синовдан ғайрат қилиб ўтишингиз лозим.

1. Отангизнинг ширк ва ҳаром буйруғига асло итоат қилманг. Ҳаром ишларни қилишига ёрдам берманг. Агар сиздан ҳаром нарсани сұраса, юмшоқлик билан қарши туring. Лекин кескин бўлманг.

2. Фарзанд ўлароқ отангизнинг оталигини инкор қилолмайсиз. Инкор этолмаганингиздан кейин фарзанд сифатида истамай, ёқтирмай бўлса ҳам адо этишингиз керак бўлган вазифаларни бажарасиз. Масалан, қасалланса ғамхўрлик қиласиз. Лекин у сиздан нимадир кутмаса, бирор нима қилишга мажбур эмассиз.

3. Ҳидоятга келиши учун дуода бардавом бўлинг. Унинг ёмонлиги ҳақида бошқалар билан гаплашманг. Зеро, сиз унинг ёмонлиги ҳақида гапириб, шайтоннинг ишини осонлаштирган бўласиз.

4. Онангизга ғамхўр бўлинг. Унинг ёнида юринг, дуосини олинг. Лекин иккиси ўртасида ҳакамлик қилманг. Онангизни калтаклаётганида қутқаришга ҳаракат қилинг, аммо бу отангизга қўл кўтариш эвазига бўлмасин.

Сабрли бўлинг, сабрингиз билан бу қийинчиликлар эвазига ажр оласиз. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин.

## ЁМОН ЖУФТГА НИСБАТАН ЯХШИ ЖУФТ МУНОСАБАТИ

**Савол:** – Домла, ожизона ибодатимни қўлимдан келганча адo этишга ҳаракат қиласман, Аллоҳ таоло ва Унинг расулига ошиқман. Лекин турмуш ўртоғум ўзи ибодат қилмагани етмаганидек мен билан ҳам тортишади. Ўзининг ишини тўғри, меникини эса нотўғри, деб билади. Фарзандимиз бор, уни ҳам тинимсиз баддуо қиласди, куфр келтиради. Мен жуда қийнляпман, биз гуноҳкор қуллармиз. Бизни охирада маҳзунлик кутаётгандай. Бу ғафлатдан уйғонишга ундинасам ҳам у мени тингламайди. Борган сари ундан кўнглим қоляпти, бу ҳолатда нима қилишим керак?

**Жавоб:** – Жуфтлар нима бўлганда ҳам ўрталаридаги меҳрни, севгини йўқотмасликка уринишлари керак. Пайғамбарлар ҳам жуфтлари орқали синалдилар, лекин ажрашишни ўйламадилар. Мусулмоннинг ўз уйига сиғмаслиги оғир имтиҳон. Имтиҳонлар бизнинг истагимиз ва хоҳишимизга кўра бўлмайди, албатта. Сабрли ва мулоим бўлинг. Сизнинг тортишувингизда вазмин, босиқ бўлган тараф ютади. Ҳар ишда сабрли бўлганлар мақсадига етади. Аллоҳ таоло сизни бундай синов билан мукофотлагани учун ҳам ютишга мажбурсиз. Зоро, ибодат қилиш учун кўрсатган ғайрат ва шижоатингиздан савоб олганингиздек, турмуш ўртоғингизга қилган мулоимлигингиздан ҳам ажрга эга бўласиз. Қийин, лекин уддалашингиз керак. Сабрли бўлинг, тортишса, ўртадаги ипни уза-

диган сиз эмас, қарши тараф бўлсин. Фарзандларингизга сиз ўрнак бўлишингиз лозим. Аллоҳ ва Унинг пайғамбарини севишнинг шарти шу.

## АЁЛНИНГ МАҲРАМСИЗ ЙЎЛГА ЧИҚИШИ

**Савол:** – Биз авлиёуллоҳлардан бирини зиёрат қилиш учун машинада йўлга чиқсан, мен, турмуш ўртоғим ва учта аёл дугонам 90 км дан ортиқ йўлга чиқа оламиزمи? Дугоналаримнинг эрлари уларга рухсат берган бўлишса ҳам менинг кўнглим хотиржам бўлмади. Биз Ҳанафий мазҳабидамиз, дугоналаримнинг маҳрамсиз биз билан йўлга чиқишлари тұғрими?

**Жавоб:** – Бир аёлнинг узоқ йўлга сафарга чиқиши маҳрами бўлмаса жоиз эмас. Сизнинг турмуш ўртоғингизнинг борлиги улар учун рухсат бўлолмайди. Сиз уларни сафарга чиқишга ташвиқ қилиш билан ўзингизни гуноҳкор қилиб қўйманг.

## МУСОФИРЛИКДА ҒУСЛ

**Савол:** – Бир неча ҳафтадан кейин оиласиз билан денгизга чиқамиз. У ерда икки кун қоламиз ва доимгидек тушимда ғуслга эҳтиёж туғилса нима қиласман? Яъни у ерда қандай поклансан бўлади? Вақтим бўлмаслиги ёки хижолатли ҳолат бўлиши мумкин. Шундай ҳолатда қандай йўл тутсам бўлади?

**Жавоб:** – Мадомики кетишингиз аввалдан аниқ экан, бир ҳафта олдиндан протеинли озиқ-овқатлар

тановул қилишдан воз кечинг. Кислотали ичимликлар ичманг. Қўп еманг. У ерга етиб боргач, тез-тез енгил ҳожатга чиқинг. Қаттиқ уйқунгиз келмагунча ухламанг. Шунга қарамай, яна ғуслга эҳтиёж сезсангиз оиласиздагиларни орага қўйиб бўлса ҳам покланиб олинг.

## АЁЛНИНГ ИШЛАШИ

**Савол:** – Домла, аёл киши ишлашининг ҳукми қандай? У қандай ҳолларда ишлаши мумкин?

**Жавоб:** – Аёл оналик ва рафиқалик вазифасини тўқис бажаришига моне бўлмаган, ҳаромдан (эркаклардан) узоқ турган ҳолатда ишлаши мумкин. Бунинг айби йўқ.

## ТАНИШУВ

**Савол:** – Бир аёлга уйланиши ниятидаман. Лекин бир-икки нарса уйланишимга тўсқинлик қиляпти. Мен ҳарбий хизматдаман. Биз фақат телефонда смс хабар орқали гаплашамиз. Яъни бир-бirimизни кўрмаймиз, овозимизни эшишмаймиз. Бизнинг бундай гаплашишимиз маъқулми? Тўйгача ўзимизни қандай тутишимиз керак?

**Жавоб:** – Ҳозирги қилаётган ишингиз асал тўла идишни ташқарисидан ялашга ўхшайди. На у сизни, на сиз уни таниёлмайсиз. Йўлини қилиб, учинчи киши гувоҳлигига бир марта учрашинглар. Шунда никоҳингиз муваффақиятли бўлишига замин ҳозирланади. Бир-бирингизни ёқтирангиз биргаликда

йўлда давом этасизлар. Ҳозирги ҳолатда ўзларингизни алдаяпсизлар.

## АЁЛНИНГ СОЧ БЎЯШИ

**Савол:** – Тасамтурдаги аёл турмуш ўртоғи учун сочини бўяса бўладими?

**Жавоб:** – Аёл эрига гўзал кўриниши учун у агар бирорта ҳаромга сабаб бўлмаса, турмуш ўртоғи истаган нарсани қилиши мустаҳаб амал саналади. Ҳаромга сабаб бўлиш дейилганда спиртли ичимлик ичиш ёки бирор эркакка сочини кўрсатиш каби ҳаром ишлар назарда тутилади.

## ТУРМУШ ЎРТОҒИДАН ШУБҲАЛАНИШ

**Савол:** – Домла, сизга жуда муҳум масала бўйича саволим бор. Динимизда зинони исботлаш учун аниқ гувоҳларга эҳтиёж сезилади. Турмуш ўртоғидан шубҳаланган мусулмон буни исботлай олмаса ҳоли қандай кечади? Нима қилиши керак? Намоз ўқиёлмайди, рўза тутолмайди, номусим оёқости бўлди, деб ибодатларга киришолмайди?

**Жавоб:** – Бундай кишининг тутган йўли хато. Жуфти йиққан бинони нега ибодатлари билан тиклашга уринмайди? Ибодатга аввалгидан ҳам кўпроқ берилиш ўрнига узоқлашадими? Аввало, бу одам қуруқ бир шубҳа ичидами ё аниқ нарсами, бу ҳақда бир

қарорга келиши керак. Керак бўлса, ўзи ишонадиган бир одамга бу ҳақда гапирсин. Агар шубҳа эмас, жиддий ҳолат бўлса, унда ягона чора ажрашишdir. Бундай турмуш қуриб бўлмайди. Ажрашсин, қутулсин. Қутқарсин.

### БОЛА ТУФИШ ҲАҚИДА

**Савол:** – Домла, синглим бефарзанд. Мен билан унинг турмуш ўртоғидан тухумдан олиниб, синглимнинг раҳмига жойлаштирилса, ҳомила улғайиб, уни дунёга келтириш орқали фарзандли бўлишлари мумкинми? Чунки қонимиз бир, мен унинг эрига номаҳрам эмасман. Бир хил хромосомаларга эгамиз. Фақат тухумдонимни бераман. Шундай йўл тутсак тўғрими?

**Жавоб:** – Бир болада учта кишининг уруғи бирлашмайди. Болани уруғлантириш орқали дунёга келтиришда эр-хотиндан ташқари бошқа бировнинг аралashiши мумкин эмас. Бундан қатъий узоқ тулинг. Аллоҳ таоло ҳаммамизни кечирсин. Бундай ўйлаганингиз учун истиғфор айтинг.

## ФАРЗАНДЛИК ИМТИХОНИ

**Савол:** – Сұхбатларингизни мунтазам күзатиб бораман. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Менга, ака-укаларимга ҳеч оталик қилмаган, қийинчиликда бизни ташлаб кетиб, кўчага қолдирган, ўзи эса бошқа аёлга уйланган отага, унинг бу қабиҳликларига қарамасдан ёрдамини аямайдиган бувам, амма ва амакиларимга қандай муносабат қилсам бўлади?. Бошимиздан ўтган воқеалар жудаям аянчили. Бизни динимиздан узоқлаштириш учун қўлидан нима келса қиларди. Менга укаларимга динни англатишими тақиқларди. Бундан ташқари, 12 йил қамоқда ётди. Роббимнинг ёрдами билан онам ундан ажралди. Биз тўрт укам билан ҳаммамиз онам тарафда эдик ва отам билан кўришишини истамадик. Отамнинг қариндошлиари ҳам онам отамни кечирмаслигини билиб, биз билан алоқани узди. Бироқ мен Аллоҳ ҳузурида қариндошлиар ҳаққи билан сўраламизми, деб қўрқаман. Бошимиздан ўтган воқеалар сабаб мен отам билан кўришмасам гуноҳкор бўламанми? Бизнига руҳиятимизга шундай зарар етказганки, агар 100 километр узоқда бўлса ҳам, унинг борлигини билсан қўрқувдан титрайман. Аммо Аллоҳдан қўрқаман. Нима қилишни билмаяпман. Менга шу масалада ёрдам берсангиз мамнун бўлардим.

**Жавоб:** – Ҳолатингизни тушуниб турибман. Зеро, сизга ўхшаган инсонларга кўп бор дуч келганман. Дардлари қувончидан кўп бўлган синовли дунёда яшаяпмиз. Роббимиз ҳаммамизни бир синов билан

имтиҳон қилмоқда. Нима қила оламиз? Таслим бўлиш ва қуллигимизни изҳор қилишдан бошқа нима келади қўлимииздан?

Аввало шуни билингки, айтаётган қийинчиликларингиз сиз учун бир савоб манбаидир. Қолаверса, севиш билан ҳаққа риоя қилиш битта нарса эмас. Сиз отангизни мажбуран яхши кўролмайсиз. Севги на қонун, на мажбурлаш билан эришиладиган нарса эмас. Лекин сиз қуидаги нарсаларга аҳамият беринг:

- 1) Ота-онангиз ўртасидаги масалаларга мутлақо аралашманг. Уларнинг ишини Аллоҳга ҳавола қилинг, сиз ўз ишингизни билинг. Ораларида гап ташиб ёки уларни бир-бирига қарши қўйиб, ўзингизни гуноҳга ботирманг.
- 2) Отангизни яхши кўришга мажбур эмассиз. Лекин уни йўқ, деб ҳисоблашга ҳам ҳақли эмассиз. Ёмонми яхшими у сизнинг отангиз. Касал бўлса, тўшакка михланса унга қаранг. Ҳақорат қилманг, қўпол гапирманг. Сиздан ҳаром бўлмаган бирор нима истаса, унга кучингиз етганича ёрдам беринг. Ҳаром нарса истаса, қилолмаслигингизни айтинг. Шунда ҳам мулојим бўлинг.
- 3) Отангизнинг яқинлари, қариндошларидан бирортаси шундай муносабатда бўлса, сиз ҳам уларга худди шундай муомалада бўлинг. Зулми давом этса, узоқлашинг, лекин асло зулмга зулм билан жавоб берманг.

4) Онангиз ва укаларингиз билан бир жойда яшашга, бир-бирингизни ранжитмасликка ҳаракат қилинглар. Шайтон сизга бошқа тарафдан уруш очмасин.

5) Мұхаққақ, жуда күп дуо қилинг. Аллоҳ сизни үз ҳолингизга ташлаб қўймасин. Бахтли, тақвога асосланган ҳаёт кечиришингизни дуо қиласман. Зинҳор сиз үзингизни ёлғиз ҳис қиласманг. Сиз бир он бўлса-да, муросадан узоқлашмаган Аллоҳнинг қулисиз. Қиёматда бошдан кечирган изтиробларингизга ҳасанотлар ёзилганини кўрганингизда, бу ҳаётнинг бошдан охирига қадар курашлардан иборатлигига қарамай, бирор-бир оғирлиги йўқлигини кўрасиз.

Сиздан яхши хабарлар кутаман.

## ИККИНЧИ ТУРМУШ

**Савол:** – Эркак иккинчи аёлга уйланишини истаса, биринчи аёли розилигини олиши керакми? Биринчи аёли билан ҳеч қандай муаммо бўлмаса, ҳамма вазифаларини бажараётган бўлса, розилиги керакми?

**Жавоб:** – Никоҳ саҳиҳ бўлишининг энг асосий шарти унинг икки гувоҳ ҳузурида ўқилишидир. Эркакнинг никоҳидаги аёлдан рухсат олиши керак, деган шарт йўқ. Бу унинг ахлоқи, қандай инсонлигига боғлиқ ҳолат.

## ФАРЗАНДЛИК

**Савол:** – Фарзандсиз бир оила ота-онаси ўйқу гўдакни олиб, вояга етказиши, унга ота-оналик қилиши мумкинми? Одамлардан эшигдим, бир гормон бор экан, у аёлга укол орқали етказилса, сут пайдо бўларкан. Аёл агар ўша асраб олган болани эмисса, унинг онаси ўрнида она, эркак билан аёл эса гўдакнинг ота-онаси ҳисобланар экан. Бу динимизга қанчалик тўғри келади, шундай бўлиши мумкинми?

**Жавоб:** – Ихтилофдан холи бўлиш учун 24 ойликдан ўтмаган бир чақалоқни олиб эмисса, ўша аёл она мақомида бўлиши ва бола ўша уйда яшashi мумкин. Энг муҳими, сутни кўкракдан эмиши, нима сабабдан, қандай сут келиши эса муҳим эмас. Бундан бошқа ҳолатда фарзанд бўла олмайди.

## ДЕПИЛЯЦИЯ

**Савол:** – Депиляция қилдириш – аёлларнинг кўлтиқ ости ёки авратларини бирорга тозалатиши жоизми?

**Жавоб:** – Бирорта аёлнинг агар тиббий мажбурият бўлмаса қорни ва тиззаси орасини бошқа аёлга кўрсатиши ҳаромдир. Фақат тиббий эҳтиёж, даволаниш учун жоиз бўлади. Лекин авратдан ташқари жойлар бошқа аёл тарафидан тозаланиши мумкин. Бу жараён соғлиққа таъсир қилиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки бундай иш қиласидан аёллар бошида хотиржам бўлганлари билан бир

нече йилдан кейин ҳар хил касалликларга йүлиққан-ликлари тукларни олдириш билан боғлиқлиги айтилмоқда.

## ЯРИМ ТАСАТТУР

**Савол:** – Оиласи аёлман. 10 йил аввал сунний мазҳабдаги бир кишига турмушга чиқдим. Оила қуришдан олдин намоз ва Қуръон ўқишини билардим. Лекин исломий оиласида улғаймаганим боис, либос кийишда жуда эркин эдим. Оила қургач, турмуш ўртоғум ва оиласидагилар мажбурлагани учун тасаттурга кирдим. Бироқ улар учун эмас, Аллоҳнинг розилиги учун ўрандим. Бошқаларга чиройли кўриниш учун эмас, ўзим учун, ўзимни яхши ҳис қилиш учун бирор пардозланаман. Гап шундаки, мен тўлиқ ўранмаганман, танишларим, дўстларим ўрансанг, тўлиқ ўран, бундай чала ярим иш қилма, очиқ кийинганлардан фарқинг йўқ, деб танбех беришади. Демак, мен ўранмаган ҳисобланаманми? Нима қилишим зарур? Мен эркакларга ёқиш учун эмас, ўзимни яхши ҳис қилишим учун кийинаман-ку.

**Жавоб:** – Аллоҳнинг ҳар бир амрини энг гўзал тарзда адо этишга ҳаракат қиласиз. Бажармаганимиз ёки камчилик билан адо этганимиз учун ичимизда бир ғашлик пайдо бўлса, Аллоҳнинг изни билан яна бошқа амри келади. Муҳими инкор қилмаслик, ишонишдир. Сиз муҳим босқичга қадам кўйгансиз. Иншааллоҳ кейинги босқичга ҳам ўтасиз. Намозни асло унутманг, у сизни бало-қазолардан

қутқаради. Беҳуда тортишувлардан ўзингизни йироқ тутинг. Кошки эди ҳаммасини мукаммал тарзда адо қила олсангиз. Ҳеч ким сизга ярим қиляпсан, бутунлай воз кеч деёлмайди. Янада яхвисига интилаётган экансиз, демак, сиз тұғри йўлдасиз. Сабр билан давом этинг. Шунда узоқ йўлга чиққанингизни кўрасиз.

## ҲАЙЗ ҲОЛАТИДА ҚУРЪОН ЎҚИШ

**Савол:** – Билишимча, моликий мазҳабида аёллар Қуръонни ўрганаётганларида узрли бўлсалар ҳам ўқишлари мумкин экан. Шу тұғрими?

**Жавоб:** – Аёлларнинг узрли ёки нифос (туғруқдан кейин) ҳолатларида Қуръон оятлари ёзилган Мусҳафга қўл теккизишлари борасида иттифоқ бор. Фақат Қуръонни ёдлашга киришган аёллар қўлларига қўлқоп кийиб ўқишлари мумкинлиги ҳақида моликий уламоларнинг бир гуруҳи иттифоқ қилишган.

## ОНА ҲАМДА ФАРЗАНД МУНОСАБАТИ

**Савол:** – Домла, онам рўмол ўрамайдилар. Аввал тасаттурда эдилар, ҳозир бундай қилмаяптилар. Тұғри, ибодатларини адо этяптилар, лекин рўмол ўрамаётганлари мени ташвишга соляпти. Тушунтирмоқчи бўлсам, биламан, ўрагатма, дейдилар. Нима қилсам бўлади? Муносабатимни билдиришга ҳаққим борми, нима бўл-

ганды ҳам онам, бундай вазиятда қандай мумомала қилиш им керак?

**Жавоб:** – Онанғизнинг дин билан боғлиқ ҳеч қайси ишига аралашманг. Сиз уни фарзандисиз. Сиздан насиҳат тинглаши ёқмаслиги мүмкін. Энг тұғриси, сиз үз фарзандлик бурчингизни бажаришингиз, гүзәл муносабатингиз уни ҳушёр торттириб, холоса қилишга ундаши лозим. Сабр қилинг, чоңға янаям чуқурроқ тушиб қолишига сабабчи бўлиб қолманг. Унинг ҳидояти камол топиши учун кўп дуо қилинг. Онанғиз учун солиҳ кишилар дуосини олишга эришинг. Қалбини юмшатинг, шу юмшоқлик унга ёрдам бераб, үз ҳолат ва вазиятини англасин. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин.

### НИКОҲДА ВАКОЛАТ

**Савол:** – Диний никоҳда ваколат бериш қандай бўлади? Яъни, аёл ваколатни қандай беради?

**Жавоб:** – Келинг, «Диний никоҳ», деган иборани умуман ишлатмайлик. Бундай десак, худди диндан ташқари яна бошқа никоҳ ҳам бордек тасаввур уйғотади. Аёл ёки әркак никоҳ ақдини ижро этиш пайтида үзи ишонган бирорта одамга ваколат берishi мүмкін. Нималар исташини унга айтиб, бу ваколатни тўлиқ ҳолда етказа оладиган кишига топширади. Кейинчалик, бунга зарурат йўқ, деб ҳисобласа, никоҳ ўқилмасидан олдин ваколатни қайтариб олиши ҳам мүмкін.

## БОЛА ОЛДИРИШ

**Савол:** – Уч фарзандимиз бор, аёлим тўртинчи болага ҳомиладор бўлиб қолди. Мен уни 40 кун бўлмасидан олдиришини истаятман. Болани ҳеч қандай сабабсиз олдирса жоизми ёки гуноҳ?

**Жавоб:** – Тиббий ёки бошқа бирор жиддий сабаб бўлмасдан болани олдириш катта гуноҳ саналади. Уч фарзанд тугул тўртта бўлса ҳам кўп эмас. Зинҳор бундай қила кўрманг. Яхшилаб ўйлаб, кейин қарор қилинг.

## ҚАДАР ВА НИКОХ

**Савол:** – Домла, никоҳ қадарми? Биз дунёга келганимиздек, Қудратли Аллоҳ оила қурадиган инсонимизни ҳам белгилаб берадими? Ёки бу борада Аллоҳ ихтиёрни ўзимизга берганми? Йўли-миздан талабгорларни чиқаради-ю, танловни биз қиласизми? Бунда иродা қанчалик бизнинг қўлимизда? Мен оила қурмоқчи бўлган инсонни Аллоҳ белгилайди ва бизнинг кўнглимиз уни танийди, оила шундай тартибда қурилади, деб ўйлардим. Лекин ўқиганларимда бунинг акси бўлиб чиқди, яъни оила қуришда танлов буткул ўзимизда эканини англашим. Аллоҳ таоло фақат кимнидир рўпара қиласиди, қолгани эса ўзимизга боғлиқ экан. Шу сабабли хаёлларим чалкашди, ана шу масалада аниқлик киритиб берсангиз хурсанд бўлардим.

**Жавоб:** – Қаршингиздан нима чиқса, у фақат Аллоҳнинг иродаси билан рўй беради. Табиийки, ни-коҳ ҳам бундан мустасно эмас. Бизга дуч келиши-нинг сабаби Аллоҳдан бўлса-да, лекин ҳамма нар-са ўз қўлимиздагидек башарий танловларимизни юксалтиришимиз лозим. Бу ҳаёт бир имтиҳондир. Ана шу имтиҳон борлиги учун ҳам оила қурилади. Бошқа ишларда ҳам иродамизни синаймиз. Оила қуришда танловга дуч келасиз. Бир тўхтамга келиш-дан олдин унинг ҳалол ва ҳаром жиҳатларига аҳами-ят қаратасиз. Ана шу ҳам ҳар бир бандада учун ўзига хос имтиҳондир. Иймонимиз ҳаёт давомида бундай имтиҳонларга кўп бор дуч келади. Аллоҳ ёрдамчи-миз бўлсин.

### АЁЛНИНГ ИШЛАШИ

**Савол:** – Оилали аёлларнинг ишлаши ва топ-ган пулларини турмуш ўртоқларининг рухсати-сиз сарфлашига қандай қаралади?

**Жавоб:** – Оилали аёллар:

- Турмуш ўртоғи рухсат берганида;
- Ишлаши рафиқалик ва оналик бурчига халал бермаса;
- Иши ҳаромга сабаб бўлмаса, ишлаши мумкин. Топган пулинини эрига бериши, сарф қилишда ҳам ун-дан рухсат олиши шарт эмас.

## ОНАГА ХИЗМАТ

**Савол:** – Отам вафот этган, онам мендан 50 км. узоқда яшайдилар. Уйда ёлғиз қолган. Соғликлари яхши, ёрдамга муҳтож эмаслар. Мен ёнимга келинг, бирга яшаймиз, деб чақирсан келмаяптилар. Ана шундай шароитда ёлғиз қолишилари жоизми, агар мумкин бўлмаса менинг уларга насиҳат қилишдан бошқа бирор йўлим борми?

**Жавоб:** – Аллоҳ отангизни раҳмат қилсин. Онангизнинг уйда ёлғиз яшашининг айби йўқ. Муҳими, онангизга хизмат қилишингиз ва дуосини олишингиздир.

## АЁЛНИНГ САФАРИ

**Савол:** – Оилали аёл эридан рухсат олиб, бир соатлик йўлда самолётда ёлғиз кетиши мумкинми?

**Жавоб:** – Уламоларимиз хulosасига кўра, аёл ёлғиз ҳолда 90 км. дан узоқ йўлга чиқа олмайди. Агар чиқса, ҳаром саналади. Бу хulosса саҳих ҳадисга таянилган ҳолда айтилмоқда. Замондош баъзи олимлар ҳадисдаги вазият ва ҳолатлар бугунги кунда йўқ эканини, аёлнинг сафарга ёлғиз ҳолда чиқиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Бу хусусда икки нарсани айта оламиз:

– Оилали аёл эрининг рухсатисиз ҳеч қандай шаклда сафарга чиқа олмайди.

– Жуда зарур ҳолатларда рухсат берилади. Лекин бу тантиқлик, бүйсунмаслик сабаблари билан боғланмаслиги лозим. Тез тиббий ёрдам, жаноза каби заруратлар билан аёл йўлга чиқиши мумкин.

### ОТА-ОНАНИНГ БҮЙРУФИ БИЛАН АЖРАШИШ

**Савол:** – Оила қургандан кейин отамиз ёки онамиз аёлимиз билан келиша олмаса, кичик ёки катта муаммолар сабабли ота-онанинг хоҳиши билан ажрашиш мумкинми? Бу банданинг ҳаққи ҳисобланадими?

**Жавоб:** – Ота ёки онанинг болаларига ажрашишни буюриши уларга нисбатан зулmdir. Уларнинг бунга ҳаққи йўқ. Болаларига тавсия ёки ўгит беришлари мумкин. Бундай ҳолат юзага келганда эса фарзанди юкини ўзига олиб, келинга зулм қилишдан эҳтиёт бўлиш лозим. Ажримга сабаб бўлувчи вазият бўлса, айби йўқ. Чунки ажрашиш муқаррар ҳолатга келган бўлади. Акс ҳолда шошилмасдан, мулоҳаза қилиб, муроса билан қарор қабул қилиш керак. Ота-онанинг ғазабини келтирадиган сўз ёки ҳаракат қилманг, бу бир имтиҳон. Ҳаётнинг энг оғир имтиҳонларидан биридир балки бу. Унда ютишга мажбурсиз.

## НОГИРОН БОЛАНИ АБОРТ ҚИЛИШ

**Савол:** – Аёлим 80 кунлик Даун синдромли, сүяклари нотўғри ривожланган, ётоқقا маҳкум бўладиган болага ҳомиладор. Уни дунёга келтирмай abort қилдирсак бўладими? Бу борада диннинг ҳукми қандай?

**Жавоб:** – Бу борада 120 кундан кейин ҳеч қандай амалиёт қилишингиз мумкин эмас. Бу ишни фақат 120 кундан аввал амалга ошириш, онанинг ҳаётига хавф солиш-солмаслиги, ўлим таҳликаси бор-йўклигини билиш зарур. Агар чақалоқнинг туғилиши онанинг ҳаётига хавф туғдирмаса, болангизнинг яшашига монелик қилманг. Бола туғиб, улғайтириш ажри билан бирга яна бир ажр эшигини ёпган бўласиз. У гўдакка ғамхўрлик қилиб, улкан савобга эга бўласиз. У сизнинг савоб манбаингиз. Қўйинг, яшасин. Қиёмат куни шафоатчингиз бўлсин. Қанча яшаши аниқ эмасдир. Ҳатто бир кун яшаса ҳам сиз ютасиз. Кейин пушаймон бўлиш эҳтимолингиз катта, буни унуманг. Аллоҳдан сабр сўранг. Унинг бир нафас олиши, сизнинг бир савоб олишингиз демак. Албатта, бундай болага қараш осон эмас, лекин жаннатга кириш ҳам осон эмас-да. Маҳшарда у мурғакнинг «Отамни истайман, онамни истайман» дейиши сизга қандай фойда келтиришини билсангиз эди. Шунда нима бўлса бўлсин, бу бола туғилсин, деб шошилардингиз. Зинҳор хато қилиб қўйманг, агар онага бир таҳлика бўлса, у бошқа гап. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин, сизга сабр берсин.

## УНАШТИРУВ ДАВРИДА ҚҰНҒИРОҚЛАШИШ

**Савол:** – Унаштирилган даврда оила қурадиган ёшларнинг бир-бирларини янада яхшироқ билишлари учун құнғироқлашиб туришлари мүмкінми?

**Жавоб:** – Унаштирилганлар телефонда гаплашиши мүмкін. Фақат одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаган ҳолда, тұхтовсиз (жуда күп) суҳбатлашмаслик шарти билан. Юзма-юз күришишлари учун эса учинчи бир яқын кишининг бўлиши зарур.

## АЁЛ БИЛАН ҚҮЛ БЕРИШИШ

**Савол:** – Номаҳрам аёл билан әркакнинг қўл бериб саломлашиши түғрими? Бу билан боғлиқ ҳадис келтира оласизми?

**Жавоб:** – Бегона бир аёлнинг begona әркак билан қўл бериб кўришиши мүмкін эмаслиги хусусида ҳукм қатъийдир. Бунда тортишадиган нарса йўқ!

## АЁЛНИНГ ШИМ КИЙИШИ

**Савол:** – Мен 40 ёшдаги аёлман. Эрим иш юзасидан Эронга боришига тўғри келди. Мен ҳам бирга кетдим. Эронда аёллар кўйлак кийишмайди. Мен ҳам шим кийишга мажбур бўлдим. Албатта, уни абая билан кийдим. Бизга мусулмон аёлнинг шим кийиши жоиз эмас, деб ўргатишган. Мен пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллатининг шафоатларига мушарраф бўлмайманми, деб қўрқаман. Менга аниқлик киритиб берсангиз? Мен яна у ерга боришим керак. Бу ердан шим олишини ўйлаяпман. Сиздан илтимос ойдинлик киритиб беринг?.

**Жавоб:** – Аёлларнинг шим кийишида қўйидаги ўлчовларга диққат қилинади:

- 1) Ғайридинларнинг орамизга тиқиширадиган нарсалари ва уларни акс эттирувчи лиbosлар, егуликлар, ҳамма нарса биз учун таҳликалидир.
- 2) Аёлларнинг кийиниши – кўйлак кийиш, дегани эмас. Кийиниши бу – тасаттур, бегона кўзлардан баданин яширишдир.

Энди ана шу икки шартга қараб, шим кийиш ё киймасликка қарор қилишингиз мумкин. Масалан, шим кийган аёл шаҳват уйғотиши мумкинлигини биласиз. Қалбингизда ғашлик ҳисси бор экан, шафоатдан маҳрум бўлмайсиз, биизниллаҳ. Фақат бу самимиятингиз давомли бўлсин.

## ЭРТА КЕЛГАН ИШҚ ТАҲЛИКАЛИ

**Савол:** – Мен 16 ёшдаман, ўзим билан тенгдош бир ўранган қизни севаман. У ҳам мени севади. Мен ундан рўмолли суратини сўрасам, унинг буни юборишида айб ёки гуноҳ йўқми?

**Жавоб:** – Ҳозирги ёшингизда ҳаётни тушуниш, идрок этишда ҳиссиёт устунлик қиласди. Биринчидан, сурат олишдан бошланган бу муносабат фақат шу билан тугамайди. Иккинчидан, бундай ҳолатда ёлғиз қарор қабул қилишга шошилманг, ота-онангиз билан маслаҳатлашинг. Эҳтиёт бўлинг, шайтоннинг тузоғига илинманг, кейин ундан қайтиб чиқолмайсиз.

## СУТ ОНА БЎЛИШ

**Савол:** – Бир бола бирор аёлнинг сутини эмса, у аёл болага сут она бўладими?

**Жавоб:** – Бола қонига бир аёлнинг сути қўшилганда унинг онаси ҳукмига ўтади. Қонга қўшилиши учун бир неча литр сут шарт эмас, уч-беш луқма ҳам етарли бўлади.

## АЁЛ ИБОДАТИНИНГ ФАРҚИ

**Савол:** – Аёл билан эркакнинг намозида фарқ борми? Аёлнинг рукуси, саждаси ва ўтириши қандай бўлади?

**Жавоб:** – Аёл билан эркакнинг намози бир хил, деярли фарқи йўқ. Фақат аёлларнинг яратилишида фитратан фарқ бўлгани учун эътиборни тортадиган жиҳатлари ҳақида гапириш мумкин. Рукуда аёлнинг эркакка нисбатан камроқ эгилиши, атаҳийётда ўтирганида қулайроқ, bemalolroq ўтиришида фарқ бор.

## ТУКЛАР ВА ҒУСЛ

**Савол:** – Бадандаги туклар тозалангач, ғул қилинадими? Бу фарз амал саналадими?

**Жавоб:** – Ғулни фарз қиласидиган нарсалар ичида тукларни тозалаш каби амал йўқ.

## ЖУФТ ТАНЛАШ

**Савол:** – Мен 21 ёшли қизман. Оила қуришини ўйлаяпман. Талабгорлар кўп, лекин ўзимга муносаби чиқмаяпти. Йигит яхши бўлса, оиласидагилар носоз, оиласи яхши бўлса, йигитда бир камчилик чиқяпти. Бирин менга ёқмаса, бирини оиласиз хоҳламаяпти. Нима бўлаётганига ҳайронман. Ёки биз жуда кўп нарса талаб қиляпмизми? Ҳозирги пайтда номусни асрараш мушкул, ҳаромга

жуда тез аралашиб қоламиз. Шунинг учун хайрли бир оила қуришни истайман. Ёки бу борада таваккал қилиш керакми?

**Жавоб:**

1. Сиз турмуш қуришга кеч қолган ёшда эмассиз. Кеч қолиш ёки бирор айбли бўлишингиз учун яна икки-уч йил бор.

2. Келган таклифларда, аввало, Расууллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам тавсиясига кўра, дин ва ахлоқ шартларини изланг. Факат дин демаяпман, дин ва ахлоқ. Иkkисини ҳам қидиринг.

3. Дин ва хулқдан кейин кўриниши сизга ёқиш-ёқ-маслигига эътибор қаратинг. Қўзингизга яхши қури-надиган инсон билан оила қуришингиз лозим.

4. Иқтисодий томонларини изламанг. Иш, диплом ва шунга ўхшаш талаблар қўйманг.

5. Оилавий муносабатларни асосий нарса, деб билинг. Ота-онаси билан муносабати қандайлиги-ни билишга урининг. Аллоҳдан кейин ота-онасига муҳаббат қўймаган инсон оила қуришга арзирли одам ҳсобланмайди.

6. Бирор жамоатга боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигини суриштиринг. Кўр-кўrona эргашувчи ёки тақлидчи одам билан оила қуриш тўғри эмас.

7. Ҳа ёки йўқ, дейиш учун ҳам вақт керак. Уч кунгача ўйлаб кўрмасдан жавоб берманг.

8. Сўнгги қарорингизни истиҳора қилгандан кейин чиқаринг.

9. Ишонадиган одамингиз билан маслаҳатлашинг. Ёлғиз ўзингиз чиқарган қарор хато бўлиши мумкин.

10. Аллоҳ ишингизни осон қилсин.

ЛАК НИМА УЧУН МУМКИН ЭМАС?

**Савол:** – Лакнинг мумкин эмаслигининг сабаби нимада?

**Жавоб:** – Мусулмончилик таҳоратли бўлишни талаб этади. Мусулмон одам имкони борича бетаҳорат юрмайди. Лак эса таҳорат етиши керак бўлган аъзолардан бирига тўсқинлик қиласи. Бу мусулмон учун лакнинг мумкин эмаслигига биринчи сабаб бўлса, иккинчиси, албатта, сиз айтгандай унинг бизнинг маданиятимизга оид бўлмагани – бизга бегона ва ёт бўлган маданият маҳсули эканидир.

УНАШТИРУВ БИЛАН НИКОҲНИНГ ФАРҚИ

**Савол:** – Унаштирилгандан кейин эр-хотин ҳисобланамизми?

**Жавоб:** – Унаштирув – жуфтларнинг бир-бирини танлагани, никоҳ эса ўша танловнинг рӯёбга чиқиши, амалга ошиши номи саналади. Унаштирувдан кейин томонларнинг фикридан қайтишининг зарари йўқ. Шу боис ҳам у никоҳ эмас, унаштирув деб аталади.

## ҲИССИЁТЛАРНИ ЖИЛОВЛАЙ ОЛИШ

**Савол:** – Сизни тинглагач, кўп нарсаларни хато тушунишим ва янглиш ибодат қилаётганимни англадим. Мени бир савол ўйлантиради. 27 ёшдаман, шу пайтгача оила қуришга имконим бўлмади. Ҳамма инсонда бир хил эҳтиёж бор, мен ҳам қўлимдан келганича зинодан қочаман. Шу пайтгача, шукрки бунинг уддасидан чиқдим. Лекин шундай пайлар бўладики, ўзимни бошқармайман. Бу хусусда менга насиҳат қилинг. Нима қилишим керак? Ҳар хил хаёллардан узоқ бўлишга уринаман, ТВ кўрмайман, ақлимга шайтоний хаёллар келган заҳоти саловот айтаман. Бироқ бу етарли бўлмаяпти. Бунинг гуноҳи қандай? Ўзимни қандай асрасам бўлади?

**Жавоб:** – Ўзингни Фаластинда яхудийлар билан имтиҳон қилинган бир мўмин каби бил. Сенинг имтиҳонинг уники билан бир хил. Бу ҳаммага хос ҳолат, лекин ўткинчи. Синов учун яратилган бу дунёда ҳаммамизга қандай имтиҳон насиб қилган бўлса, ундан ўтишга мажбурмиз. Нафс ва шайтон ҳамласини яхудийнинг ўрдаларига қиёс қил. Ўқ емасдан, яраланмасдан яшашга урин. Ўтган-қайтган ўқлардан йиқилма, нима бўлсаем охирида сен ютиб чиқ. Йиқилган жойингда тўхтаб қолма, дарҳол ўрнингдан тур. Кечаси йиқилсанг, тонггача ўрнингдан тур. Жамоат билан намозга ва Қуръонга боғлан. Китоблар ўқи. Спорт билан шуғуллан. Охирида ютиб чиқасан, биизниллаҳ.

## УНАШИЛГАН ЖУФТ БИЛАН МУНОСАБАТЛАР

**Савол:** – Сизга фиқҳий масалалардан излаб тополмаган бир мавзуда саволим бор эди. Қўлимдан келганича тасаттур ўлчовларига тўғри келадиган либослар кийишга ҳаракат қиласман. Аллоҳ насиб қилса, бироз ўтиб унаштириламан ва у билан қўришганда бегона эркаклар қўрмайдиган либосда чиқсан бўладими? Яқин дўстларим буни мумкин дейишяпти. Фиқҳ бу масалада нима дейди?

**Жавоб :** – Унаштирилган, лекин ҳали никоҳ ўқилмаган эркак сизга бегона ҳисобланади. Мадомики шундай экан, сизнинг унинг ҳузурида қандай либосда бўлишингизни қандай аҳамияти бор? Бу борада сизга ўлчовни қалбингиздан бошқаси белгилаб беролмайди. Бу ерда ўзингиз қозисиз. Аллоҳ ёрдам-чингиз бўлсин.

## АЖРАШИШ

**Савол:** – Домла, бир дўстим аёлига уч марта «Сени қўйдим», дебди. Аёли «Мен ҳам сени қўйдим», деган. Лекин улар ҳозирда бир уйда яшяпти. Улар оиласини сақлаб қолиши учун нима қилиши керак? (Биринчи никоҳи ҳанафий мазҳаби асосида ўқилган)

**Жавоб:** – Аввало, шуни яхши билиб олайлик: аёлнинг эрига «Сени қўйдим» дейишининг ҳеч қандай

қиймати йўқ. Бундай ҳолатда эркакнинг нима дегани асосий масала ҳисобланади. Иккинчидан, ажрашиш билан боғлиқ ҳар бир сўз, савол ва жавоб муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, бундай муҳим ва масъулияти оғир масалани юзма-юз сўроқ қилиш восита-сида ҳал қилишни тавсия қиласиз.

Агар эркак шу ой ичида аёлига қайтса, бир талоқ ҳақидан фойдаланган бўлади. Бу ҳанафий мазҳабига кўра кенг ёйилган фатво эмас, лекин муфтийлар ҳозирда уни қўллаяпти. Ҳар қандай ҳолатда уларга фатво учун муфтий билан юзма-юз учрашиб, сўраб-суриштиришларини тавсия қиласан.

### ҲАР КИМ ТЕНГИ БИЛАН ОИЛА ҚУРСИН

**Савол:** – Мен 23 ёшдаман, ўрта мактаб битиувчисиман. Мусулмонлик шартларини имкони борича бажаришга ҳаракат қиласман. 27 ёшли, насли тоза, яхши хулқли, ибодатли бир йигит билан танишдим. Фақат мен жуда киришувчан, гапга чечанман. Йигит эса жуда сокин ва камгап. Оила қуришда тўғри қарор қабул қилишни хоҳлайман. Агар оила қурсак орамизда номувиғиқлиқ бўлармикан, деб чўчияпман.

**Жавоб:** – Ҳар қандай ҳолатда киришимлилик ва сўзга чечанлигинги сизларнинг оила қуришингизга монелик қилмайди, деб ўйлайман. Агар бу хислатларингиз айтганингиз айтгандай бўлиши кераклигига қаратилган бўлса, эркаклар бироз вақт яшагач, бундай феълли аёллардан нафратланишини

ҳам унутмаслигингиз лозим. Ҳамма ўз тенги билан оила қуриши керак, лекин бу никоҳнинг шартларидан эмас. Учинчи киши гувоҳлигига учрашинглар, бир-бирингизни яхши таниб олинг ва шунга қараб қарор қабул қилинглар. Аллоҳ хайрли ва баракотли қилсин.

### МАЗҲАБ ФАРҚИ ВА ОИЛА ҚУРИШ

**Савол:** – Ҳанафий қиз билан шиа мазҳабидаги йигит оила қурса бўладими? Ёки шиа мазҳабидаги эркак ҳанафийга ўтиши керакми? Исломга тўғри амал қилиб яшашга ҳаракат қилаётган инсон сифатида Аллоҳга хуш келмайдиган оила қуришдан қўрқаман.

**Жавоб:** – Мусулмон мусулмон билан оила қура олади. Мусулмонликнинг асосий шартлари аниқ. Иймонга зид бўлмаган ёки унга зид бўлган бирор ҳолатни ҳаётига татбиқ қилмаган ҳар қандай киши билан оила қуриш мумкин. У мазҳаб бу мазҳаб дейишнинг ҳеч қандай кераги йўқ.

### БОЛА ОЛДИРИШ

**Савол:** – Бир яқинимиз 8 ой аввал қизалоғини операция йўли билан дунёга келтирди. Шифокор туғруқдан кейин унга бошқа фарзанд кўриш ҳаёти учун хавфли эканини айтди. Ундан кейин аёл касаллик сабаб яна уч марта амалиёт ўтказди. Ҳозирда эса 5 ҳафталик ҳомиласи бор. У яна қийналишидан қўрқиб, болани олдирмоқчи. Бу ҳолатда унга қандай тавсия берасиз?

**Жавоб:** – Масаланинг тиббий жиҳатларини ўрганиш жоиз. Шунинг учун аввал бир ҳайъат иштирокида текшириш керак. Она бундан хабардор бўлиши ва яхшилаб ўйлаб қарор чиқаришини тавсия қиламан. Аллоҳ ёрдамчи бўлсин.

## ПЛАСТИК ЖАРРОҲЛИК

**Савол:** – Пластик жарроҳлик ҳақида қатъий бир ҳукм борми? Аллоҳ таоло ато этган барча нарсага беадад ҳамду сано бўлсин, лекин мен бир нарсадан жуда қийналаман. Жуда меъёрдан ошмаган ҳолатда бурнимдаги нуқсонни тузатишмада гуноҳ борми?

**Жавоб:** – Мусулмон аёл ёки эркак ўзининг фитратига тўғри келмайдиган бирор камчилик ёки нуқсонини тўғирлаши мумкин. Фақат у янада гўзал кўриниш мақсадида бўлмаслиги керак.

## ЖУФТ ТАНЛАШДА ЎЛЧОВ

**Савол:** – Ибодатли ва Аллоҳнинг амрларини тўқис адo қилишга ҳаракат қилувчи мусулмон йигит бенамоз ва тасаттурсиз қизга уйланиши жоизми? Бу борада нималарга диққат қилиш лозим?

**Жавоб:** – Аёлнинг тасаттурда бўлиши никоҳнинг шартларига кирмайди. Яъни мусулмон эркак очик аёлга уйланиши мумкин. Одатда фиқҳан жоиз бўлган нарсани қай даражада татбиқ қилишни мусул-

моннинг ўзи белгилайди. Айримлар тўлиқ тасаттурдаги аёлга уйланади, лекин у эркак истаган аёл бўлиб чиқмайди. Олдиндан иккиланиш ёки ғашлик келтирган никоҳ узоқ давом этмаслиги мумкин? Шу боис бунга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак.

### ХИЛВАТ ҲАРОМДИР

**Савол:** – Европада яшайман. Электрон жиҳозларни таъмиrlаш учун борган пайтимда кўп ҳолларда уйда аёллар ёлғиз бўлади. Бундай ҳолатларда қандай тадбир қилсам бўлади?

**Жавоб:** – Эркакнинг бегона аёл билан бир хонада, эшиги ёпиқ уйда ёлғиз қолишига хилват дейилади. Хилват ҳаромдир. Бироқ Европа муҳитида буни қандай амалга оширишингизни билмайман. Масалан, сиз иш билан хонада эканингизда уй бекасини ошхона ёки бошқа хонага чиқариб юбориш ёки ёнингизга шогирдга ўхшаш яна бир одам олиб юриш билан бу хилватнинг олдини олишингиз мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам диққатли бўлиб, аёллар билан кўп ёлғиз қолмаслик йўлини қилиш керак. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин.

### ҲАМХОНАЛИК, САЛОМ-АЛИК

**Савол:** – Оила қурганимизга 2 йил бўляпти. Турмуш ўртоғим билан 2 йилдан буён қариндошлар билан бир хонада ўтириш, салом-алик қилишни ўйлаймиз. Менинг 2 синглим, эримнинг

укаси ва унинг аёли бор. Гоҳида ҳаммамиз ўтириши малини билан борсан, эримнинг уйига борсак, тасаттурли ҳолда бир жойда ўтириши малини айни борми? Ёки алоҳида ўтириши малини керакми? Ёки эрим билан бизнинг уйимизга боргани малини турмуш ўртоғим, мен, онам, дадам ва сингилларим бир хонада ўтириши малини мумкинми? Гоҳида уйимизга эримнинг дўстлари ва уларнинг аёллари мөхмон бўлиб келади. Шунда аёллар алоҳида, эркаклар алоҳида хонада ўтирамиз, аммо қариндошлар билан бундай қилолмаймиз. Қариндош аёллар тасаттурли бўлса, бир хонада ўтираса бўладими? Ёки қариндошлар билан ҳам, дўстлар билан ҳам аёл ва эркак алоҳида ўтириши керакми? Жамоат жойида аёл бозор-ўчар қилганида эркак билан гаплашса бўладими? Савдолашиши мумкинми? Бозорга бориши жоизми? Хусусан, 2 савол:

1) Ҳамхоналик, салом-алик қариндошлар ва дўстлар ўртасида қандай бўлади?

2) Дўкон, бозор-ўчар ёки жамоат жойида аёл-эркак муносабати қандай бўлиши лозим?

**Жавоб:** – Бир хонада ўтириш, салом-аликнинг асосий шарти аёл билан эркакнинг (оила қуриши керак бўлган) кўзини тия олишидир. Бу ерда ёмон бир ҳолат содир бўлади, деб ўйлаш жоиз эмас. Лекин шариатимиз одамлар табиатига хос ёхуд улар рўбарў бўлиши мумкин бўлган З таҳликани эътиборга олган. Бир хонада ўтириб, салом-алик қилиш доим ҳам рўй бермаслиги мумкин. Шунда қўйидаги баъзи жиҳатларга аҳамият бериш лозим.

Эркаклар билан аёллар бир хонада ўтирганда аёлларнинг либослари ва ўтириб-туришлари учун қулай шароит бўлиши, бу у ердаги эркакларнинг дикқатини тортмаслиги лозим. Бунда, айниқса, аёллар либосига алоҳида аҳамият қаратилади. Маълумки, уйда ва кўчада кийиладиган либос бўлади. Эркаклар билан бир жойда ўтирганда аёллар уй ичида кийиладиган кийимда ўтириши мумкин эмас. Агар уйда кийиладиган либос эркаклар олдида ўтиришга муносиб бўлса, ҳеч қандай муаммо йўқ. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, келган меҳмонлар аввалги келган аёлнинг ҳомиласи ҳозирги келган-никидан катталигини фарқлай олса ёки аёлнинг аввалгисидан кўра бир-икки кило озганини сезадиган бўлса, демак, кўз илғайдиган ҳолатда бўлади. Сиз ана шундан келиб чиқиб хулоса қилишингиз лозим. Динимиз энг аввал ёмонликнинг хаёlda пайдо бўлмаслиги тадбирини кўради. Буни тушунмаганлар ҳамхона бўлиш, салом-алик қилиш каби ҳолатларни англай олмайди.

Аёлнинг бозор-ўчар ёки магазинда харид қилишига динимизда ҳеч қандай тақиқ йўқ. Лекин аёл ўзини кўз-кўз қилиш хавфидан йироқ бўлиши лозим. Бу, албатта, энг аввало аёлнинг иймони билан боғлиқ масаладир.

## АЁЛЛАРНИНГ МАШИНА ҲАЙДАШИ

**Савол:** – Динимизда аёлларнинг машина ҳайдаши мумкинми? Ён-атрофимиздаги кўп тақволи аёллар машина ҳайдайди, лекин хўжайним менга рухсат бермайди. Мен машина ҳайдашни истасам хото қилган бўламанми, бу гуноҳми?

**Жавоб:** – Аёлнинг машина ҳайдашида айб йўқ. Шахсан мен уларнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси олишларини ташвиқ қиласман. Лекин ўлкамизда эркакларнинг йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ тарзда машина бошқариши қанчалик яхши, шундай эмасми. Шу боис турмуш ўртоғингиз ҳолатини тўғри қабул қиласиз, деб ўйлайман. Зарурат бўлганда бошқариш учун гувоҳномангиз бўлсин, бироқ эркаклар аёлларининг машина ҳайдашини хуш кўрмайди. Шунга ҳам эътибор беринг.

## АЁЛНИНГ СИЛАИ РАҲМИ

**Савол:** – Бир дўстимга ота ёки онаси ўлим тўшагида бўлса ҳам агар эри рухсат бермаса, аёл уларни кўришга бориши гуноҳ экани, бунга динимиз ижозат бермаслигини айтишишибди. Агар бу тўғри бўлса, бирор ҳадис ёки ривоят билан изоҳлаб берсангиз. Чунки мен буни ҳеч қабул қиломаяпман.

**Жавоб:** – Аёлларнинг ота-онасига силаи раҳмда бўлишида иккита мажбурият бор. Биринчиси, бир йилда бир марта бўлса ҳам бориш, ўлим тўшагида-

лигиди ёнида бўлиши фарз бўлган мажбуриятдир. Эркакнинг фарзга қарши чиқиши мумкин эмас. Иккинчиси, ихтиёрий ҳолатда бўладиган силаи раҳм. Бу эса фақат эрнинг рухсатига боғлиқ бўлади.

## ҚИЗНИНГ ҚОЧИШИ

**Савол:** – Домла, опам бир йигитни севди. Йигит бир неча марта совчи юборди. Лекин отам турли сабаблар билан икки марта «йўқ» деди. Шундан сўнг опам йигит билан яширинча қочиб кетди. Никоҳ ўқитишиди. Ҳозир отам опам билан гаплашмайди, мен уларнинг орасини ислоҳ қилиш учун отамга маслаҳат берсам бўладими?

**Жавоб:** – Отангиз суннатга қарши иш қилган. Ди-ний тарафдан ҳеч қандай монелик бўлмаган никоҳга қарши бўлмаслиги керак эди. Опангиз эса отаси ҳаққига риоя қилмай, отангиздан ҳам каттароқ хатога йўл қўйган. Опангиз отангизнинг кўнглини олишга ҳаракат қилиши зарур. Сиз эса отангиз уни баддую қилмаслиги учун ҳаракат қилинг. Аввал уларни яраштиринг, бунга, албатта, дарров эришолмайсиз: кўп вақт керак бўлади. Сўнгра қизини кечиришини сўраб ялининг. Уддалай олсангиз улкан ажрга эга бўласиз. Отангиз агар кечирмаса, опангиз охиратига зарап беради. Опангиз ғайрат қилиб, бу хатосини тириклигига тузатиши керак.

## ОИЛА ҚУРИШГА ҲАРАКАТ

**Савол:** – Оила қуриш учун бошлаган ҳеч бир муносабатда охирiga еттолмадим. Жиддий үйлайман, фикрлайман, гоҳида исён қилгим келади. Қандай үйлашини билмайман. Афсуски, демак, бу мен учун хайрли эмас экан, деган хаёл ҳам таскин бермайди. Охир-оқибат үзимга нисбатан ишончим үүкми, деб үйлай бошладим.

**Жавоб:** – Ҳар бир тутган нарсангни қўлга кириласан, деган қоида йўқ. Балки Аллоҳ таоло сизга янада хайрли никоҳни насиб этмоқчиидир. Нимадан беҳаловат бўляпсиз? Ҳар сафар илк марта уринаётгандек ҳаракат қилинг. Умидсиз бўлманг. Бу ҳолат сизни ҳаромга кириб қолишга бошламасин. Аллоҳдан қўрқув ва сабр шундай вақтда шарт бўлмаса қачон керак бўлади? Шуни ҳам билингки, олдингизда янада маъсулиятли, янада мураккаб вазиятлар бор, үзингизни ҳозирдан йўқотманг. Иймонимиз бизни бундай пайтларда тўғри йўлга бошлиши лозим. Аллоҳга омонат бўлинг, ишингиз осон бўлсин.

## НАФСНИ ЖИЛОВЛАШ

**Савол:** – Ёшликда нафс орзулари ортиши, сизни ҳар томонга бошлиши кундек равшан. Менда ҳам ҳамма эркаклар сингари жинсий нафс орзуси бор. Мен нафсимга ҳоким бўлиш, уни жиловлаш учун нима қилсам бўлади?

**Жавоб:** – Бу ҳолат фақат сизга тааллуқли эмас. Ҳар бир ёш йигит дуч келадиган имтиҳонга сиз

ҳам йўлиққансиз. Бу ҳолатни йўқотолмайсиз. Фақат сабабларини камайтириб, унга қарши тадбирлар қилишингиз мумкин. Шаҳватингизни қўзғайдиган нарсалардан узоқ бўлинг. ТВ, интернетда нималар билан машғул бўлишингизга эътибор қаратинг. Кўп Қуръон ўқиб, зикр қилинг. Тез-тез рўза туting. Самимий ва мўмин дўстларингиз билан кўпроқ бирга бўлинг. Кўп ухламанг, ёлғиз қолмасликка ҳаракат қилинг. Лекин буларнинг ҳеч бири сизни 100 фоиз ҳимоя қила олмайди. Бу бир имтиҳон: унда ютиш ёки ютқазиш бор. Сабр қилинг, Аллоҳнинг кўмагига ишонинг. Ва ўша ёрдамга муносиб бўлишга ҳаракат қилинг. Аллоҳ таоло сизни ҳам, бизни ҳам нафсимиз шарридан асрасин.

### ЗИНО ҚИЛГАН ЭРКАК БИЛАН ЗИНО ҚИЛГАН АЁЛ

**Савол:** – Яқинда зино қилган эркак зинокор ёки мушрика бир аёлга уйланиши кераклиги билан боғлиқ оят ўқидим. Унинг ҳукми қандай, тафсир қилиб берсангиз.

**Жавоб:** – Бу ояти карима зино қилган эркак фақат ўзи сингари аёл ёки мушрика билан оила қуришини баён қилмоқда. Бироқ зино қилган эркак ёки аёл тавба қилганидан кейин ифратли аёл ёки эркак билан оила қуришининг фиқҳий томондан айби йўқ.

## ТАЛОҚ ТАХДИДИ

**Савол:** – Аёлимга агар яна бир марта мана шу ишни қилсанг, талоқ қилишимга сабаб бўлади, дедим. Аёлим менга билдириласдан яна ўша ишни қилди. Энди нима қилишимиз керак?

**Жавоб:** – Эр-хотин ўртасида бундай гап гапириш тўғри эмас. Аёлингизга энг охирги гапни айтгансиз. Аёлингизнинг қилган иши ҳам эр-хотин муносабатига лойиқ иш эмас. Сизнинг гапингизга келсак, гапи-раётганингизда ниятингиз нима эди, шунга эътибор бериш лозим. Энг тўғриси, аёлингиз билан бирга фатво бера оладиган киши ёнига бориб, ҳолатингизга ойдинлик киритишингизdir.

## ШАҲВАТ БИЛАН ИМТИҲОН БЎЛМОҚ

**Савол:** – Бир университетда сабоқ бераман. Аёллар билан кўп суҳбатдош бўламан. Бу менинг зиёнимга хизмат қилмайдими деган хавотирим бор. Эркак билан аёл ўртасида ён-атрофда бошқалар бўлган ҳолатда диний суҳбат бўлса ёки бошқача айтганда, нотўғри хаёлга борадиган фурсат туғдириласдан олиб борилган суҳбатларнинг айби борми?

**Жавоб:** – Шуни қатъий шаклда билайлик: шаҳват имтиҳонида ўзига тўлиқ ишонадиган одам йўқ. Эркак ва аёлнинг бир жойда бўлиши аниқ имтиҳондир. Лекин имтиҳон ундан қочиш билан қозониладиган нарса эмас. Албатта, имтиҳон ичида имтиҳонни юк-

салтирмасликка, ундан қочиб эмас, тадбирли бўлган ҳолда қутуламиз. Бу борада кичик бир эслатмани айтиб ўтиш фойдали бўлади: хаёл қилинганидек, эркак ва аёл муносабатларида оила қурмаганларнинг оиласиларга нисбатан янгиш йўлга киришлари осон эмас. Оиласи эркак ўрни келганда уйланмаган йигитга нисбатан хавфлироқ бўлиши мумкин. Эркак эркак, аёл аёлдир, оиласи ёки оиласиз экани шайтон учун аҳамиятсизdir.

Аввало, зарурат бўлганда кўришиш лозим. Сўнгра учрашув меҳр-муҳаббат билан эмас, зарурат юзасидан шарт бўлган вазифа асосида бўлади. Қорда юриб гаплашиш билан қорада юриб гаплашиш бир нарса эмас. Аллоҳга сиғинишни ҳам унутмаслик зарур. Хилватнинг ҳам ҳаром эканини унутмайлик.

## КЕЛИНОЙИ БИЛАН МУНОСАБАТ

**Савол:** – Онам билан мен акамнинг ёнида яшаймиз. Келинойим уй ишларини қилаётганда енгини шимариб юради, улардан алоҳида яшашим керакми?

**Жавоб:** – Ўзингизга яхши бир жой топгунча онангизнинг ёнида бўлинг. Онангизни ҳам олиб кетишга имкон ва жой топганингиздан кейин алоҳида яшсангиз бўлади. Келинойингизнинг ҳолатига яна ҳам тадбирли бўлишга ҳаракат қилинг, маҳрамият борасида диққатли бўлинг. Келинойи маҳрам эмас.

## КҮЗНИ ТИЙИШ УЧУН ТАДБИР

**Савол:** – Мен, асосан, трамвай ёки автобусда юраман. Агар очиқ-сочиқ бир аёл ёнимга ёки рұпаратынға үтириб қолса, мен у ердан туриб кетишім керакми? Агар аёлнинг аврати менга күрінмаса ёки тегмаса, у ерда үтирсам бўладими?

**Жавоб:** – Үлчовингизни автобус ёки трамвай билан эмас, нафсингизнинг ҳаромдан қай даражада узоқ бўлиши кераклигига қараб олинг. Ўша пайтда сиз учун ҳаромга қарши энг қулай ёки энг кам зарарли ҳолат қайси бўлса, шунга ҳаракат қилинг. Тик туриб кетиш чора бўладиган бўлса, тик туриб, агар үтириб кетиш чора бўлса, үтириб кетинг. Шуни унумангки, қандай тактика қўллаш сизнинг қарашингиз ва нуқтаи назарингизга боғлиқ. Аллоҳга омонат бўлинг. Аллоҳ сизни ва оиласингизни барча ҳаром нарсалардан муҳофаза қилсин.

## УЙЛАНИШ СЎЗИНИНГ ҚИЙМАТИ

**Савол:** – Бир қизга уйланмоқчи эдим. Орамиздаги муносабат жиiddий эди, шу сабабдан сўз бергандим. Ўртамиизда ҳеч қандай ҳаром иш ёки муносабат бўлмаган. Фақат бир сабаб туфайли ваъдамни бажаролмайман. Бунинг ҳисоби қандай бўлади? Динимизга кўра, мусулмоннинг сўзи ишончли бўлади. Ваъдамни бузишманинг гуноҳи борми? Бунинг учун каффорат үташим керак бўладими?

**Жавоб:** – Эркак ва аёл ўртасида никоҳ ўқилмалынча бирга бўлиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ичингизда иккиланиш бор экан, никоҳ ўқитманг. Никоҳ ўқитмасдан аввал ундан айрилишингиз тўғри иш бўлади. Қаршингиздаги аёлни оғринтирмасдан узоқлашинг. Бу сўзидан тониш, ваъдада турмаслик деб тушунилмаслиги лозим.

### АХЛОҚ ВА ГЎЗАЛЛИК

**Савол:** – Оила қуришни истайман, гўзал хулқли ва гўзал юзли қиз изляяпман. Яқинларим «Гўзалик муҳим эмас, ички дунёси ва хулқи гўзал бўлсин» дейди. Бу борада қандай холоса қилсан бўлади?

**Жавоб:** – Ташқи чирой муҳим эмас дегани нимаси? Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам аёlda уйланиш учун керак бўлган сифатлардан бири гўзалик деганлар. Чирой ҳам керак, албатта. Фақат бу биринчи даражали бўлмаслиги лозим. Сизга бу борада иккита тавсия бераман: биринчиси, сиз чиройлисини изласангиз, ўзингизда ҳам шунга лойик чирой бўлиши керак. Яъни изларкансиз, изланганлардан бўлинг. Акс ҳолда, на топасиз, на топганингизга эриша оласиз. Иккинчиси, ҳеч бир нарсанинг «энг яхшиси» йўқ. Бу дунё яхшиликларнинг нуқсонли бўлган бир маконидир. Ўртачасини танлаган ҳаловат топади. Озгина гўзалик, озгина бойлик, озгина сарват ва, ниҳоят, диндорлик деб ният қилган ҳолда йўлга чиқсангиз, инشاалоҳ ҳаловатга етишасиз. Аллоҳга таваккал қилинг, кўп дуо қилинг.

Оила қуриш бу замонда энг оғир масалалардан биридир. Түй қилиш билан оила қурган ҳисобланмайди. Дуо қилинг, дуо олинг. Ота-онангизни унутиб қўйманг.

## АЁЛНИНГ ЗУЛМ ҚУРИШИ

**Савол:** – Бир аёлга эри зулм қиласди. Гоҳида калтаклайди, гоҳида азоблайди. Кетай деса қизлик уйига боласи билан сиғмайди. Мажбур яшаетти. Эркак аёлнинг туғруқча қарши ҳимояланишини истамай жанжал қиласди. Аёл эса ундан бошқа фарзанд қуришни истамайди. Аёл ҳимоя воситаларидан фойдаланмайман деб қасам ичса, гуноҳ бўладими? Нима қилиши керак?

**Жавоб:** – Золимнинг зулмига сукут сақлаш мумкин эмас. Бу ҳолатдаги аёлнинг зулмдан ўзини қутқариши унинг ҳаққидир. Янги туғилган бола ва у билан баравар келадиган оиласдаги зулмларнинг ортишини билган аёл бу фикрда қанчалик ҳиссиётга берилиб гапирганини аниқлаш керак. Чунки одам вазиятни кўп ҳолда ўзининг туйғуларига мослаб тасвирлайди. Албатта, оиласдаги ҳолатни яхши биладиган ҳам у. Агар айтганидек оғир зулм остида бўлса, зулмни тўхтатишга уриниши жоиз. Аллоҳ ёрдамчиси ва ёрдамчимиз бўлсин.

## ҲАЙЗ ҲОЛАТИДАГИ РЎЗА

**Савол:** – Аёл узрли ҳолатда ният қилиб тутган Рамазон рўзасини ифтор бўлмасидан очиб юборса, 61 кун каффорат рўза тутиши керакми?

**Жавоб:** – Агар аёл Рамазонда кун ўртасида узрли бўлган ҳолда оғзини очса, каффорат рўзасини тутишга зарурат йўқ. Қолган кунларнинг рўзасини тутади.

## АЁЛ БИЛАН ИШХОНАДА ИШЛАШ

**Савол:** – Эрим ишхонасида 26 ёшли очиқ (тасаттурсиз) аёл билан ишлайди. Уни ишдан кейин уйига ташлаб ўтишга мажбур бўлади. Иш бўйича баъзан бирга шаҳар ташқарисига ҳам чиқишади. Бир нима десам мен шунга мажбурман, бўлмаса ишимни ташлайми, дейдилар. Унга бу иши жойи сизга тўғри келмайди деяпман. Ҳақсан, лекин нима қиласай, қаерда ишлайман дейдилар (Мен тасаттурдаман, турмуш ўртоғим ҳам нализхон).

Турмуш ўртоғим уч ҳамкасб аёл билан ифторлик учун ресторанга борса бўладими? Мен норози бўлдим, жуда баҳтсизман. Турмуш ўртоғимга ишонаман, лекин ишхоналари биз мусулмонларга мувофиқ келадиган жой эмас. Шу мавзу юзасидан эрим билан тортишияпмиз. Ўртамиизда бошқа муаммо йўқ, алҳамдуиллаҳ. Оила қурганимизга 12 йил бўлди, 3 фарзандимиз бор. Эримга ишдан

бўшанг дейман. Эрим яхши хулқли, кўнгли тоза инсон. Лекин мен асабийлашяпман, дуо қиляпман. Қандай йўл тутай?

**Жавоб:** – Жуда мураккаб вазиятда яшаяпмиз. Афуски, ҳаромга беэътибор бўлиб боряпмиз, Аллоҳга сиғинамиз. Сизга бир нарсани айтишни жоиз деб биламан, агар гапларим ёқмаса, айтилмади деб ҳисобланг. Бундай вазиятда аёллар, одатда, эрининг ҳаромга яқинлашишидан эмас, балки бир кундошга йўлиқишидан қўрқади. Ҳолбуки, мусулмоннинг энг оғир ҳолати унинг ҳаромга аралашиб қолишидир. Бу эса сизнинг кундош кўришингиз билан таққосланадиган нарса эмас. Балки сиз кундошли бўлишдан қўрқиб, дуо қилаётгандирсиз. Агар эргизнинг ҳаромга аралашишидан қўрқиб дуо қилсайдингиз, Аллоҳ унинг қалбини яна ҳам юмшоқ қиласди. Албатта, мен сизнинг қалбингиздагини билиб ё кўриб, гапирмаяпман. Агар шундай ҳолат бўлса, олдини олиш учун айтяпман. Сиз ва қалбингизни ёлғиз Аллоҳ билади. Дарҳақиқат, эргизнинг нафсга эргашиш хавфи бўлмаса ҳам ҳаром бир даврада ишлаши шубҳали ҳолатни юзага келтиради. Яхши бир мусулмон эса шубҳали нарсалардан узоқ туришга имкон топади. Эргизни фатво тинглашга кўндиринг, янада яхшироқ тушунчага эга бўласизлар. Бироқ бу иш сизнинг самимий дуоингиздан ўтади, биласиз. Аллоҳга сиғининг, бошқа эшигингиз йўқ. Болаларингизга ҳолатни билдирмасликка урининг, оловга мой сепган бўласиз.

## ТУКЛАРНИ ОЛДИРИШ

**Савол:** – Юзимнинг яноқ қисмида Аллоҳнинг изни билан қиллар (тук эмас, чунки жуда билинадиган даражада) чиқкан. Соқол қўйганимда бу қиллар кўзга хунук кўриняпти. Энса қисмимда ҳам шундай қиллар бор. Кўкрак қисмидагигиларни эмас, юзимдагиларни операция йўли билан олдирсам бўладими?

**Жавоб:** – Эркак ёки аёл фитратида сезиладиган даражада қиллар бўлса, агар уни олиб ташлаш соғлиқقا жиддий зарар етказмаса ҳеч бир айби йўқ. Аллоҳ ҳузур ва офииятингизни доимий қилсин.

## ОТАНИНГ ҲАДДИ

**Савол:** – Аёлим тасаттурда, отам эса унинг ўранишини истамайди. Мен аёлим доимий тасаттурда бўлишини хоҳлайман, унинг ўзи ҳам ечмайман дейди. Агар аёлим рўмолини ечмаса, отам у билан ажрашишимни талаб қиляпти. Оталик ҳаққи унинг мендан бундай нарсани исташига йўл берадими ва мен унга қулоқ солишим керакми? Аёлим рўмолини ечиши керакми? Ёки отамга қарши чиқайми?

**Жавоб:** – Отангиз аёлингизнинг ўрангани сабаб у билан ажрашишингизни талаб қилаётган бўлса, Аллоҳнинг амрига қарши исён қилмоқда ва унга бўйсунишингиз керак эмас. Сиз тўлиқ аёлингиз тарафида туриңг. Отангиз агар рўмол эмас, бошқа исломий либос кийсин деяётган бўлса, бу ҳолат исён

эмас, ижтиҳоддан келиб чиқяпти. Бундай ҳолатда уни ранжитмасдан күндиришнинг йўлини қилинг. Бироқ аёлингизга либосини ўзгартириши учун босим ўтказишга ҳаққингиз йўқ. Чунки зулм қилган бўласиз. Биринчи ёки иккинчи ҳолатда бўлса-да, отангиз билан қўпол гаплашманг. Инсонийлигингида путур етказмасдан тасаттурга ён босишга мажбурсиз. Шуни билиб қўйингки, на аёлингизга рўмолини ечтира оласиз, на отангизга қарши қўпол ва кескин бўла оласиз Имтиҳондасиз. Синовда ютишга мажбурсиз. Сиз фарзандлигинги қилинг. Аёлингиз ҳам келинлигини мукаммал шаклда адо этсин. Камчилигинги унинг бу амрига итоат қилмаганингиз бўлсин. Шундагина хотиржам бўласиз. Аллоҳ сизга ёрдам берсин.

### БИР ТАЛОҚ БИЛАН АЖРАШИШ

**Савол:** – Оиласиман, аёлим билан орамиздс тушунмовчилик юз берди. Унга бир марта сен билан ажрашаман дедим. Шу сўз билан орамизгс талоқ тушган бўладими ё йўқ? Шуни билмоқчиман. Ҳозир аёлим билан бирга яашни истаяпман. Чунки биз 5 ойдан бери алоҳида яшаемиз.

**Жавоб:** – Аёлингиз билан яна бирга яаш ҳақидаги қарорингизда қанчалик қатъийсиз, аввало, шу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўришингизни тавсия қиласман Дарз кетган ойнани бутун қилиш қийинлигини биласиз. Шунга кўра, барчасини ҳисобга олиб бир қарорга келишингиз мақсадга мувофиқ. Аллоҳ муваффақ қилсин.

## ЭҲТИЁТКОРЛИК... ЭҲТИЁТКОРЛИК

**Савол:** – Ўн йилдан буён оиласиман. Ёшим 30 да. 25 ва 24 ёшли келинойим, она бир, ота бошқа бўлган опамнинг ўғиллари бор. Турмуш ўртоғум байрамлар ёки бошқа борди-келди вақтларимизда улар билан қўл бериб саломлашишим ёки ўпишиб кўришишим, рўмолсиз, калта кийимларда ўтиришиим мумкин эмаслиги, буни қабул қилолмаслигини айтди. Ана шундай қариндошлар билан муносабатларда ўлчов қандай?

**Жавоб:** – Бир эркакнинг аёлига нисбатан бундай ҳассос муносабатда бўлиши, албатта, тушунарли. Никоҳида экан, эр аёлинни рашқ қилиши иймонидан далолат. Турмуш ўртоғингиз ёш қайнукаларингиз билан ўпишиб кўришишингизга қаршилик қилса бу – тўғри. Балки қўл ўпиш ё қучоқлашиш кўринишида бўлиши мумкин. Ўтирган ҳолда кўришса бўлади. Бироқ баданингиз уларга сезиладиган даражада яқинлашиши тўғри эмас. Эрингизнинг хоҳишига мувофиқ келадиган учрашув муҳитини яратинг. Шунда сизнинг ҳам қалбингиз хотиржам бўлади.

## УЗРЛИ ҲОЛДА РЎЗА

**Савол:** – Рамазон рўзасини аёллар ҳайзли ҳолатда тутса бўладими?

**Жавоб:** – Асҳоби киромдан бугунги кунимизгача, уларга эргашган уламолар, мазҳаб имомларининг барчаси ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёлларнинг намоз ўқимаслиги ва рўза тутмаслигини айтган. Рўзанинг қазоси кейин тутиб берилади, намозларнинг қазоси эса ўқилмайди. Бу ҳақда Бухорийдан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадис ҳам бор. Муҳаммад (с.а.в) умматларининг холосаси шундай. Бухорий ҳадиси, уламолар ижмоъсини йўқ ҳисоблаш мумкин эмас. Биз ўтган умматларнинг ижмоъсини ўзимизга дин деб қабул қиласиз.

## АЁЛНИНГ ЗОЛИМ ЭРДАН АЖРИМ ТАЛАБИ

**Савол:** – Расмий никоҳдаги турмуш ўртоғим мени анчагина қарз билан ташлаб кетди. Ҳозир бошқа аёл билан яшяпти, ундан ҳам 2 та боласи бор. Мен 3 йилдан буён руҳий жиҳатдан сиқиляпман, дори ичиб юраман. 2 йилдан бери алоҳида яшяпмиз. 9 ойдан буён ҳеч қандай шаклда эр-хотинлик муносабат қилганимиз йўқ. Мен ажрашишга ариза бердим, ҳозир кўриб чиқиляпти. Менинг у одам билан ҳалиям никоҳим борми? Бошқага турмушга чиқишим мумкинми? Ёки расман ажрашишимизни кутайми? Жуда ғашман, бу ҳақда ҳукм қандай?

**Жавоб:** – Аввало, сизга сабр тилайман. Аллоҳдан қийинчиликларингизнинг тез ўтиб кетишини сўрайман. Сизнинг гапларингизга қараганда, бир зулм остида эзиляпсиз. Бунга эътиroz билдирилмайди. Фақат бир ҳайъат ўртангиздаги никоҳнинг бекор бўлганини эълон қилиши керак. Сиз бундан олдин у одамни топинг. Ундан талоғингизни берганига доир бир сўз олишингиз етарли. Шу сўздан 3 ой кейин оила қуришингиз мумкин. Имкони борича шошилманг. Яна бир дардга йўлиқиб қолманг. Аллоҳ сабр берсин. Кўп дуо қилинг, диний насиҳатларни тингланг. Ўзингизга тасалли топишга ҳаракат қилинг.

### ДОРИ БИЛАН ҲАЙЗНИ КЕЧИКТИРИШ

**Савол:** – Рамазон ойи рўзасидан, суҳбатларидан қолиб кетишини истамаяпман. Аксига олиб ҳар йили Рамазонда узрли ҳолатда бўлиб қоляпман. Бундан кўнглим ғаш бўлади. Ҳайзни дори билан кечиктириш мумкин, деб эшиитдим. Агар ундан фойдаланиб, узрли ҳолатда бўлмасам рўза тутишимда гуноҳ йўқми? Ҳайзимни сунъий йўл билан кечиктирганим учун гуноҳкор бўлиб қолмайманми? Турмуш ўртоғим билан шу ҳақда баҳслашиб қолдик. Улар бу гуноҳ деяптилар. Уйимиздаги китоблардан бу ҳақда жавоб тополмадим.

**Жавоб:** – Бундай йўл ва усуллар энди пайдо бўлгани сабаб эски китобларда бу масала билан боғлиқ

ҳукмни тополмаслигингиз мумкин. Лекин шунга ўхшаш масалалар ҳақида уламоларнинг фатвоси бор Сизга тавсиям шундай:

– Ҳамма нарсанинг, жумладан, ҳаёт тарзининг ҳам табиийси яхши. Яъни бўлиши керак бўлган нарса бўлсин. Узрли бўлсангиз, одатий ҳаётингизда давом этинг. Дори билан ҳайнинг кечиктирилиши сунъий ҳаракатdir. Таңага қилинган ҳар бир таъсирнинг эртами кечми бир асорати чиқиши эҳтимоли бор.

– Ҳайнинг кечиктирадиган дориларнинг қўлланилиши шифокор рухсат берган вақтга қадар мумкин Улар маҳсус дорилар бўлгани сабаб, салбий таъсири ҳам бўлиши мумкин. Шу боис доктор назоратидә қўлланилиши лозим.

– Агар уни қўллашга турмуш ўртоғингиз эътироғ билдирадиган бўлса, унинг ҳам рухсати жоиз.

– Бу дорини қўллагач, ҳайз кечикса, сиз ибодатларнингизда давом этишингиз мумкин, Рамазон рўзасини тутасиз, Каъбани тавоф қилиб, намоз ўқишингиз Қуръонни ушлаб ўқишингиз мумкин.

## НЕГА АЁЛ ИБОДАТ УЧУН ЭРИДАН РУХСАТ ОЛИШИ КЕРАК?

**Савол:** – Бир нарсани яхши тушинмадим. Эркаклар ҳеч кимдан рухсат олмайды, аёллар эса эридан рухсат олмасдан ҳатто ибодат ҳам қиломайды дейилади? Бу эркакларнинг динни қўлида тутишидан келиб чиқадими?

**Жавоб:** – Аввало бир хатони тўғрилайлик: сизнинг айтганингиздек, бу ерда эркакнинг қўлида ҳеч қандай восита ёки қурол йўқ. Аёл нафл ибодат ва нафл рўза учун эридан рухсат олиши керак.

Рўза ибодат ўлароқ жимоъга (яқинликка) тўсиқдир. Эркак яқинлик истаганда аёли унга диний бир тўсиқни рўкач қилиши, яъни рўзадорлиги учун унга яқинлашмаслигини айтганида эркак кишининг вазияти ман қилинган вазият бўлади. Эркак киши, балки бундай ҳолатга бир марта дуч келганида аёлдан совимаслиги мумкин, лекин бундай ҳол тез-тез такрорланса, эркакда норозилик кайфияти уйғонади. Бу эса шайтонга қўл келади. Аёл айтган рўза нафл рўзасидир. Яъни Рамазон ойидан ташқаридағи фарз бўлмаган рўза. Аёлнинг эрига нисбатан яқинлик орзусига жавоб бериши эса фарздир. Бир нафл билан бир фарз қарама-қарши қўйилганда, албатта, фарз биринчи ўринга қўйилади. Бу хусусда бизни ўйлантирадиган жиҳат шундан иборатки, оилада бир-бишимизга мана шундай сабаблар, воситалар ясад, никоҳнинг асл мақсадидан узоқлашамиз. Ал-

лоҳнинг бизга тақдир қилган ва буюрган никоҳи эса уларнинг ҳеч бири эмас. Эркакларнинг ҳам шариат уларга берган бу рухсатни суиистеъмол қилиб, аёлларини нафл рӯздан маҳрум этиши, албатта, иймонга қарши бўлган бир ҳолатdir.

Аллоҳдан қўрқсинлар.

## АЁЛЛАРНИНГ РАСМЛАРИНИ ИНТЕРНЕТГА ҚЎЙИШЛАРИ

**Савол:** – Мусулмонлар, хусусан, аёлларнинг ижтимоий тармоқлар ишлатиши, суратларини жойлаши, у ердаги бегона одамларнинг уларни кўриши тўғрими?

**Жавоб:** – Куфрнинг тузоғи бўлган жойда бўлиш қатъиян жоиз эмас. Агар ҳатто, у ер масжид бўлса ҳам. Фақат у ерда мажбурият юзасидан бўлиш мумкинлигини ҳам эътироф этиш лозим. Бундай ҳолатда фақат ўша мажбурият сабаб бўлган доирадагина фойдаланиш жоиз. Бу «мажбурият» сабабларини эса ҳар кимнинг ўз иймони белгилайди. Буткул рад этиш билан унинг ичига шўнғиб кетиш орасидаги бир ўрталикни ушлаш мажбуриятидамиз. Бу ҳолатнинг аёл ёки эркак учун деган алоҳида жиҳати йўқ: ҳар икки томонга ҳам тааллуқлидир. Аллоҳ ёрдамчимиз бўлсин.

## БОЛАЛАРИМИЗНИНГ ЛИБОСЛАРИ

**Савол:** – 1. Болалар кийимларида жонли нарслар ёки ёзувларнинг бўлиши жоизми?

2. Болалар ўйинчоқлари одам ёки ҳайвонлар маҳсели бўлса, уларни олиб ўйнатиш мумкинми?

**Жавоб:** – Болаларимизнинг кийимларида расм ёки ёзувлар маданиятимиз ёки келиб чиқиш тарихимиз билан боғлиқ бўлса, жоиз. Лекин бунда бегона бир маданият таъсирига эътиборли бўлиш шарт. Бу тапимиз ҳайкал кўринишидаги ўйинчоқлар учун ҳам гааллукли.

ЗИНОКОР БИЛАН НИКОҲ

**Савол:** – Мен никоҳимга олмоқчи бўлган аёл зино қилганини ва бундан пушаймон эканини тан олди. Зиёли оиласда ўсганман. Онам ўқитувчи, отам илоҳиётшунос. Мен бу қизни севиб қолдим ва унинг тузалишига ишонаман. Илгари зино қилган аёлга уйланиш ёки уйланмаслик ҳақида кўп турли фатволар ўқиганман. Аслида бу нима: макруҳми, ҳаромми ёки жоизми? «Нур» сурасидаги оятларни ўқидим, лекин тушунолмадим. Ота-онамдан ҳам сўрай олмайман, чунки хижолат тортаман. Мен бу масалада одамларнинг юзига ҳам қарай олмайман, лекин уни шу ҳолича четга улоқтириш ёки ташлаб кетишини ҳам хоҳламайман, чунки агар қўйиб юборсам, у яна эски ҳаётини давом эттиради. Аллоҳ розилиги учун менга аниқ бир тавсия беринг. Ва мен

шунга кўра ҳаракат қиласман. Агар дуо қилиб,  
Аллоҳга таваккал қиласам, ўринли бўладими?

**Жавоб:** – Агар сиз зино қилган аёлга уйланишнинг фиқҳий ҳукмини сўраётган бўлсангиз, унга уйланиш мумкин. Аммо ҳозир унга ачинаётганингиздан уйлансангиз, кейинчалик ўзингиз ачинарли ҳолга тушиб қолишингиз ҳам мумкин. Эҳтиёт бўлинг, ҳиссиётларга берилманг. Ҳа, тавба қилган бўлиши мумкин ва у шундай қилгандир ҳам. Аммо сиз буни қандай ўлчов билан ўлчадингиз ёки у қанча вақтгача тавбасида қатъий турди? Яхши ўйлаб кўринг, шунга кўра холоса қилинг.

### НИКОҲ ПАЙТИДА БЕРИЛАДИГАН ВАЪДАЛАР

**Савол:** – З йил олдин биринчи турмушимдан ажрашганман. 2 йилдан бери бошқа бир эркакнинг никоҳидаман. Мен унинг иккинчи хотиниман. Ота-онам билан Истанбулда яшайман, хўжайним эса узоқ шаҳарда ишлайди. Йилига икки ёки уч марта келиши мумкин. Унинг нариги аёли эса менинг борлигимдан бехабар. Хўжайним билан турмуш қуришдан олдин бир нечта шартларни белгилаб олгандик. Улардан бири – иложи борича тез-тез келиб-кетиши ва мени 2 йил ичida ўзи билан олиб кетиши учун қўлидан келганича ҳаракат қилиши керак эди. Мана ўшанга ҳам 2 йилдан ошди, лекин у менга берган ваъдаларини бажариш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмади. Берган ваъдаларининг ҳеч бирини ба-

жармади. Мен унинг севгисига ёки ўзимни унга бўлган муҳаббатимга шубҳа қилмайман, лекин у ҳеч нарса қилмайди, менинг эҳтиёжларимни қондирмайди. Ўзим ишлаганим ва ота-онамнинг ёнида бўлганим учун у менга аҳамият бермайди. Менинг эҳтиёжларимни қондириси унинг устидаги фарзлардан бири эмасми? Аллоҳ таоло Маҳшар майдонида ундан мен ҳақимда сўрамайдими? Очиғи, жуда чарчаганман.

**Жавоб:** – Никоҳ шартномасида сизга берилган ҳар қандай ваъда сўзсиз бажарилиши керак. Агар у сўзида турмаса, сиз ўзингизни ундан узоқроқ тутиб, ваъдасини бажаришга мажбур қилишингиз мумкин. Аллоҳ сабр берсин.

### ҚАЙНОНАНИГ ҚҮЛИНИ ЎПИШ

**Савол:** – Эркак киши қайнонасининг, аёл киши эса қайнотасининг қўлини ўпиши жоизми? Келиннинг қайноғалари ёнидаги маҳрамлик ҳолати қай даражада? Буларнинг жоиз эмаслигини биламан: Жавод Акшит Хўжа афандининг баҳтили никоҳ китобидан ўқиганман. Менга унинг ҳаром ёки ҳалол эканини манбалар билан келтириб, маълумот бера оласизми?

**Жавоб:** – Қайнона ёки қайнота ота-она ҳукмидадир. Агар маҳсус бир фитна (бузуқлик) бўлмаса, уларнинг қўлини ўпишнинг ёмон тарафи йўқ. Қайноға эса «бегона» ҳукмидадир. Чунки никоҳ

учун қатъий тўсиқ йўқ. «Нисо» сурасининг йигирма учинчи оятида ким кимга ҳаром экани баён қилинган. Ушбу ҳукмларнинг муҳим қисми ўша ердан чиқади.

### НАМОЗИ ЙЎҚ ИНСОН БИЛАН НИКОҲЛАНИШ

**Савол:** – Устоз, сизни интернет орқали анчадан бери тинглаб, кузатиб бораман. Менга совчи келяпти, лекин бўлажак куёв намоз ўқимас экан. Бошқа масалаларда келишишим мумкин, аммо намоз ўқимаслиги борасида муроса қилишишимга амин эмасман. Намозсиз бир киши билан турмуш қуриш мумкинми?

**Жавоб:** – Биз ибодатни инкор қиласидиган киши билан бирга ҳатто саёҳат ҳам қила олмаймиз. Дангасалик туфайли ибодат қилмайдиган киши текширилиши керак. Биз ибодатини биринчи имкониятдаёқ бошлайдиган киши билан келишишимиз мумкин. Акс ҳолда, ўзингизни муаммога дучор қилманг.

### АЁЛЛАРНИНГ КРЕМДАН ФОЙДАЛАНИШИ

**Савол:** – Аёлларнинг терисини таранглаштирувчи кремдан фойдаланиши жоизми?

**Жавоб:** – Ҳеч қандай ножӯя таъсир кўрсатмайдиган ва операцияни талаб қилмайдиган терини парвариш қилиш услублари аёллар учун жоиз.

Ҳатто турмуш қурган аёллар ҳам хўжайини эътиборини жалб қилиш учун бундай воситалардан фойдаланишлари уларнинг вазифаларидан биридир. Бунинг учун зарур бўлган харажатларни эртаъминлаши керак.

## АЁЛЛАРНИНГ ЕТАКЧИЛИГИ

**Савол:** – Устоз, аёллар эркакларни ўз ичига олган гуруҳга етакчи бўлиши мумкинми? Бундай бўлиши мумкин ёки мумкин эмас деган бир даъво борми?

**Жавоб:** – Сиз айтган гуруҳда малакали аёлнинг бўлишини тақиқловчи бир нима йўқ. Аёлнинг аёллиги ва оналиги билан боғлиқ масала алоҳида кўриб чиқилиши керак.

## НИКОҲ ВА ТАҚДИРГА БЎЛГАН ИШОНЧИМИЗ

**Савол:** – Устоз, мен 29 ёшдаги аёлман, турмуш қуришга қарор қилолмаяпман. Сўраб келаётганлар жуда кўп, лекин ҳар доим бир муаммо келиб чиқади. Намоз ўқийдиган киши бўлиши мумкин, лекин рўмол ўрамаса ҳам бўлаверади деб тушунадиганлар бор. Аксарияти ишлишимни хоҳладайди. Уюшмада имконим етганча бирор нарса қилишга ҳаракат қиласман. Шунинг учун мен эримнинг бу йўналишда фаол бўлишини истайман.

Рости гап фақат ўзини ўйлайдиган нофаол одамни хоҳламайман. Мен турмуш қурадиган инсонимни жисмонан ҳам ёқтиришни хоҳлайман, аммо бунинг иложи йўқ, никоҳда бир мўъжиза бор, сен уни яхши кўриб қоласан... ва ҳоказо дейишади. Мен эса таваккал қила олмайман. Бунинг учун маҳсус бирор дуо борми? Ёки мен фақат ёшимни ўтказиб қўяётганим учун кўнглим чопмаган кишига ҳам «ҳа» деб розилик бераверишим керакми?

**Жавоб:** – а) Энг аввало, биз тақдирга иймон келтирганимизни унутмайлик. Жаннатга, дўзахга ишонганимиз каби тақдирга ҳам ишонамиз. У бизга тегишли бўлган ҳамма нарсани ёзиб қўйган. Унинг ёзганлари амалга ошади. Унинг ёзувини бузадиган ҳеч қандай куч йўқ. Агар Аллоҳ сизга никоҳ ёзган бўлса, албатта, у ёзган пайтда турмушга чиқасиз. Агар у буни ёзмаган бўлса, демак сиз аниқ турмуш қила олмайсиз. Арзимаган баҳоналар билан сиз тутган ҳамма нарса сизнинг қўлингизда қолади, ҳал қилиб бўлмайдиган ҳар хил баҳоналар чиқаверади.

б) Турмуш қуриш – бу нажот эмас, ёлғиз бўлиш ҳам ҳалокат бўлмайди. Ҳамма синовда. Агар биз ҳар қандай ҳолатнинг қадр-қийматини билиб, синовдан яхши ўта олсак, хайрли бўлгани шудир.

в) Биз инсон сифатида ўз мажбуриятимизни тўлиқ бажаришимиз шарт. Агар биз турмуш қуришимиз керак бўлса, турмуш қуриш усувларидан фойдала-

намиз. Агар биз касал бўлиб қолсак, даволанамиз. Шунда биз Роббимиз ҳимояси остида ўзимизни хотиржам ҳолда ҳис қиласиз.

г) Шубҳасиз, никоҳ – бу таналар бирлашмасининг номидир. Жуфтлар, албатта, кўр-кўронада турмуш қилмасликлари керак. Уларнинг мияси ва кўзларини қониқтирадиган никоҳ янада тўғри бўлади. Сиз турмушга чиқадиган номзодда гўзаллик... ва ҳоказо шартларни излашингиз табиий. Агар керак бўлса, сиз излаётган шартлар орасида энг афзали ва воз кечиб бўлмайдиган бир тартиб ўрнатишингиз керак. Масалан, ёшингиз улғайган сари сиз кеча излаган баъзи шартларни енгиллаштиришингиз мумкин.

д) Сиз, албатта, гўзаллик, жозибадорлик ва ҳалоллик чегараларида ўзингизни яхши тутишингиз керак. Сиз қандайдир шартларни излаётганингиз каби эрекклар ҳам қидирадиган шартлар мавжуд ва ушбу шартларнинг муҳим қисми сизнинг қўлингиз билан тақдим этилиши мумкин.

*Аллоҳга таваккал қилинг, ибодатни кўп қилинг, сабр қилинг, сабрнинг таги олтин эканини унутманг.*

## ҚИЗЛАРНИНГ ҲИЖОБИ

**Савол:** – Устоз, ҳижоб кийиши қизларда неча ёшдан бошланади ва аврат жойлар қизларда ёшга қараб ўзгарадими? Қиз болалар енги калта кўйлак кийиши мумкинми?

**Жавоб:** – Қиз болалар мусулмон қизлари каби кийинишлари керак. Бу, албатта, улар катта ҳижоб ва шунга ўхшаш нарсаларни кийинишлари керак дегани эмас, лекин шуни таъкидлаш керакки, «эркин» кийинган қиз кейинчалик «қоидалар билан» кийинишга қийналади. Жуда қаттиқ қоидалар қўлланиладиган кийим ҳам тўғри эмас. Бу нафратга сабаб бўлиши мумкин. Бу бир синовдир. Биз ўрта йўлни танлаб, муваффақиятга эришишга ҳаракат қиласиз.

Қизларимизнинг кийимлари катта ҳижоб ёки абая бўлмасин, лекин уларнинг баданлари очилиб ҳам қолмаслиги керак. Исроф қилманг. Бир ой кийиб кейин ташлаб қўйманг. Унда куфрни англатувчи, эркакларни қўзғатадиган тарздаги аломатлар бўлмаслиги керак. Қизларимиз чиройли кийинишлари, лекин бутун танасини билинтириб турадиган кийим киймасликлари лозим. Ҳали гўдаклиги тугаб улгурмаган етти-саккиз ёшли қизчаларимиз тўйда тўй либосини орзу қилишлари фалокат белгиси эмасми?

Қизларимиз ҳайз кўрадиган ёшга етиб қолишгач, аста-секин оналари каби кийинишлари керак. Бунинг учун турли маросимларни уйимизда ўтказиш,

уларга совғалар олиш ва мақташ керак. Ота-оналар ва бобо-бувилар уларни бу ҳолатдан хурсанд қилишлари керак. Қизларимиз ҳайз күрганидан ёки ҳайз күрмаса-да, ўн беш ёшга тўлганидан сўнг, онасига ёки мўминларнинг оналарига ўхшаб кийиниши керак. Ушбу кийим:

– Қизларимизнинг қоматини билинтирмаслиги, юпқа, тор ёки ўзига жалб қиласидиган жозибали бўлмаслиги керак.

– Агар кийимнинг ўзи безакли бўлса, номаҳрамлар ёнига устидан зийнатсиз кийим кийган ҳолда чиқиши мумкин бўлади.

Фарзандларимизни тарбиялаш жуда масъулиятли ва қийин вазифа. Уларни тарбиялаш асримизнинг энг катта масаласидир. Айниқса, қиз бола... У жаннат башоратидир. Буни ҳар бир ота, ҳар бир она билиши керак. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам уч қизни тарбиялаганларга жаннатни ваъда қилган.

Бироқ қизни тарбиялаш уни мадрасага юбориш ёки шифокор қилиб етиштиришгина дегани эмас. Қизларни пайғамбаримизга ҳақиқий уммат бўладиган мўминларни тарбияловчи ифрат обидаси қилиб камол топтириш асосий вазифамиздир.

*Роббим бу қийин курашда бизга ёрдам берсин.*

## ЭНГ ЯХШИСИНИ ҚИДИРИШ САБАБИДАН НИКОҲНИНГ КЕЧИКИШИ

**Савол:** – Устоз, турмуш қуриш ёшидаман, ҳатто ундан ўтди деб ҳам айтишим мумкин.

Мени сўраганлар бўлмади эмас, бўлди, фақат на-  
мозлисининг шахсияти тўлиқ эмас, шахсияти тў-  
лиғининг намози тўлиқ бўлмас, мен эса намози тўлиқ  
бўлмаган киши билан турмуш қуришни хоҳламай-  
ман! Аммо ёшим ўтган сайнин атрофимдаги одам-  
лар гапира бошлади, намози бўлмаса нима қилибди,  
ўзингиз ўргатиб олишингиз мумкин, қаранг, қандай  
тарбияли инсон... ва ҳоказо гаплар. Аллоҳга шукр,  
шу бугунгача рад этганларимнинг ҳеч биридан аф-  
сусланмадим. Аммо: «Энди сизнинг тақдирингизда  
шундай инсон ёзилгандир, эҳтимол сиз унинг намоз  
ўқишига сабабчи бўларсиз. Аллоҳ сизнинг тақдирингизга  
шундай жуфт ёзган бўлса, сиз уни рад этиб  
гуноҳ қиляпсиз», деб гапира бошлишди. Ҳақиқатан  
ҳам шундай бўлиши мумкинми? Яъни, ибодат қил-  
майдиган турмуш ўртоқ менга синов учун тақди-  
римга ёзилиши мумкин, аммо мен уларни рад қилиб  
гуноҳ қиляпман экан, бу мен учун унчалик мантиқ-  
ли эмасдек туюлди. Бундан ташқари, бир дўстим.  
«Биз жуда ҳам яхшимидик-ки, улар намозларини  
қазо қиласди деб розилик бергимиз келмайди, балки  
уларнинг намозлари бизникудан кўра мақбулроқ ва  
яхшироқдир, келинг, буни ортиқча текширмайлик»,  
деди. Агар ана шундай ҳолатга аниқлик киритиб  
берсангиз, жуда ҳам хурсанд бўлардим. Турмуш ўр-  
тоқларнинг бир-бирига мос бўлиш қай даражада за-  
рур, ё мен адашяпманми?

**Жавоб:** – Бизнинг ўлчовларимиз орасида муросасиз ва мослашувчан нарсалар мавжуд. Лекин имон масаласида муросага келмаймиз. Ибодатдаги бўшлиқ ҳажмига қараб фарқ қиласди. Бундай ўлчовни никоҳдан олдин қўллашнинг зарари йўқ. Агар намоз – бир характер, яъни садоқат ва бўйсуниш ўлчови бўлса, бу ўлчов сиз учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлиши керак, шундай эмасми? Бундан ташқари, турмуш қурадиган одамингизнинг кўришишини ёқтиришингиз ҳам муҳим нарсалардандир. Агар сизнинг никоҳингиз вақти келганида, у албатта, амалга ошган бўлар эди. Биз Аллоҳнинг тақдирини олдинга ёки орқага сура олмаймиз. Сизнинг турмуш қура олмаганингиз сабаби эса ҳали оила қуриш вақтингиз келмаган. Ҳамма нарсанинг табиий равишда бўлгани яхши. Аллоҳ сизни эзib ташламайди, ташвишланманг. Сабр қилинг, оқибати яхши (хайрли) бўлади.

## ОИЛАЛИ АЁЛНИНГ ХАТОСИ

**Савол:** – Менга таниш бир аёл, гарчи турмуш қурган бўлса-да, эридан бошқа эркакни қаттиқ севишини айтди. Лекин севгисини ҳеч қачон ошкор қилмаган: уни севишини ҳеч кимга айтмаган. Шунингдек, у эрини ҳам яхши кўради. У нима қилишни билмаяпти, буни гуноҳ деб билади. Бундай вазиятда унга қандай йўл тавсия этилади?

**Жавоб:** – Сиз жуда хавфли нарса ҳақида гапир-япсиз. Аллоҳдан бутун умматимизни, эркаклар ва аёлларни бундай оғатдан сақлашини сұраймиз.

Бу синглимизга ичидаги түйғуларни зудлик билан үчириб ташлашини айтишдан фойда йўқ. Албатта, у ҳам бу жуда хунук ишлигини билиб турибди. Агар у буни хунук ишлигини билмаса, зарур деб билган ишини қилишга ҳаракат қилган бўлар эди.

Шайтон уни ўзига эргаштириш учун имконият қидирмоқда. У нима қилиши керак бўлади:

У эрини хафа қиласлик учун эҳтиёт бўлади. Бошқача қилиб айтганда, шайтон вазиятни қўлга киритмаслиги, ўзи билан эри ўртасида ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги учун қаттиқ ҳаракат қилади.

У ҳис-түйғуларини ҳеч қачон ҳеч кимга ошкор қилмайди. Аксинча, уни ичига кўмиб ташлайди. Аллоҳга қасамки, ушбу фитна бўронларига қарши сабртоқати уни мукофотга лойик қилади. У кўп ибодат ва дуолар қилиш орқали ўзини Аллоҳнинг ҳимояси остига олиши керак бўлади.

## ЭР-ХОТИН ЎРТАСИДАГИ ЁЛҒОН

**Савол:** – Нима учун ёлғон ҳаром бўлишига қарамай, эрнинг хотинига ёлғон гапириши гуноҳ бўлмайди? Ёлғон гапириш гуноҳ эмасми?

**Жавоб:** – Ёлғон гапириш ҳаром эканлигига ҳеч шубҳа йўқ. Ва ёлғоннинг ҳаромлиги ҳеч қачон бекор қилинмайди. Бироқ оилани сақлаб қолиш учун вақтинчалик ёлғон ишлатиш мумкинлигига ишора бор. Биз бундан оилани сақлаб қолиш нақадар муҳим иш эканлигини билишимиз мумкин.

## ТУРМУШ ҚИЛИШГА АҲДЛАШГАНЛАРНИНГ ЗИНО ҚИЛИШИ

**Савол:** – Келажакда турмуш қуришим аниқ бўлган эркак билан никоҳдан аввал бирга бўлишимиз гуноҳ бўладими?

**Жавоб:** – Бу зино бўлади. Зинодан бошқа нарса эмас. Аллоҳдан ҳаё қилинг. Асло бундай қила кўрманг.

## ГУВОХЛАРИ МАЖБУРЛАТИЛГАН БИР НИКОХ

**Савол:** – Махфий турмуш қурдик. Диний тарафдан бирор гуноҳ бўлмасин дея гувоҳларни ҳам олиб келдик. Гувоҳлардан эса буни ҳеч кимга билдирамасликларини илтимос қилдик. Бу ишимиз гуноҳми? Узоқ вақтдан бери шундай яшаб келяпмиз. Бир-бири миздан мамнунмиз. Аммо хато қилдикми дея ичимизни қурт кемиргандек бўляпти

**Жавоб:** – Никоҳнинг воз кечиб бўлмайдиган шартларидан бири гувоҳлардир. Камида иккита гувоҳнинг никоҳланувчиларнинг бир-бирларини эр-хотин қилиб қабул этганинига гувоҳ бўлишлари шартдир. Бироқ бу икки гувоҳдан гувоҳликларини сир сақлашларини хоҳлаш, энг камида бир кароҳиятни юзага келтиради. Кўрганингиздек, бундай ҳузурсизлик қалбни безовта қиласи. Бундай ишлардан узоқ юриш керак. Энди қолган ҳаётингизни хотоларни тузатиб давом эттиришингиз керак.

## ХОТИНИНИ УРИШ ҲАҚИДА

**Савол:** – Хотинини урадиган эркакларга бирор жазо йўқми?

**Жавоб:** – Биз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва-салламнинг умматларимиз. Бу билан фахрланамиз. Суюкли пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-саллам: «Мен аёлларим билан чиройли муомала-

да бўламан. Менга энг яқинингиз аҳли аёли билан чиройли муомалада бўладиганидир», деганлар. Бу огоҳлантирувдан ўзига бирор ўғит ололмаганга эса гапириладиган бир сўз йўқдир. Мўмин эркак аёлинин Аллоҳнинг номини ўртага қўйиб, омонат олганини яхши билади.

### АЁЛНИНГ ЭРИГА ИТОАТИ ЧЕГАРАЛАНГАНДИР

**Савол:** – Аёлнинг эрини рухсатисиз бирор ишини қилолмаслиги ҳақида ҳамма ваъзларда айтилади. Айтишларича, хотин эрининг бадани йиринглаб ётган бўлса, уни ялашга мажбур эмиш, шу тўғрими?

**Жавоб:** – Шуни асло унутманг: Аллоҳга осий бўлинадиган ишда ҳеч кимга итоат қилинмайди, итоат қилинмайди, итоат қилинмайди. Итоат Аллоҳга осий бўлмайдиган ишлардадир. Зулмга розилик йўқдир. Оиланинг давомли бўлиши учун зарур бўлган итоат бордир. Нима тўғри ўлчамда-ю, нима ахмоқгарчилик эканлиги эса маслаҳат билан белгиланади. Ҳаёти шундай кечаётган одам соғлом, ақлли бирор киши ёки кишиларга аҳволини баён қиласди. Сўнгра йўлида давом этади. Шу холос. Хотин малика ҳам эмас, жория ҳам эмас. Хотин хотиндир, эркак эса эркақдир. Аммо иккаласи ҳам Аллоҳнинг қулларидандир. Қуллигини билган одам ўз ҳаддини ҳам билади.

## ТУРМУШ ҚУРИШДАН АВВАЛ УЗРЛИ ҲОЛАТЛАРНИ БИЛДИРИШ КЕРАК

**Савол:** – *Унаштирилганларнинг бир-бирига шахсий муаммоларини билдириши исломий никоҳ учун шарт бўладими?*

**Жавоб:** – Кундалик ҳаётни оқсатадиган ё унга зарар етказадиган даражадаги шахсий бир муаммо бўлса, никоҳланишдан аввал, албатта, билдириш шарт. Масалан қанд касали бўлса ҳар икки тараф ҳам билдириши керак. Буни сир сақлаш никоҳдан кейин муаммо келтириб чиқаради. Агар шундай ҳолат рўй берса ва бу никоҳдан кейин маълум бўлса, ўша ердаги имомлар тарафидан ҳал этилиши керак бўлган масаладир.

### БЎЙДОҚЛИК ШАЙТОНЛИКМИ?

**Савол:** – *Бўйдоқлик тўғрисида кўп эшиштганимиз. Мен ҳам ҳалигача уйланишини кечиктираман, чунки унга тайёр эмасман деб ўйлайман. Лекин динимизнинг бу борадаги кўрсатмаларидан ҳам қўрқаман.*

**Жавоб:** – Бўйдоқликни қоралайдиган саҳих ҳадис йўқ. Ҳатто баъзи бир заиф ҳадислар бўлса ҳам уларни ҳукм қилиш учун далил сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Ҳеч бир мусулмон никоҳ муҳим суннат амал эканига шубҳа қила олмайди. Аммо суннатга қарши чиқишини мақсад қилмаган, никоҳни муайян сабабларга кўра кечиктирган мусулмонга диний таҳдид соловчи сўз айтилмайди.

## ҚОФОЗДАГИ НИКОХ

**Савол:** – Европа мамлакатларидан бирида яшаяпман. Уернинг фуқаролигини олиш учун бир аёл билан фақат қоғозда расмий никоҳ қилдик. Лекин ҳеч қачон эр-хотин бўлиб яшамаганмиз. Яшаши тугул ният ҳам қилмаганмиз. Фуқаролик ишлари битганидан сўнг бир мунча вақт ўтгач, яна қоғозда ажрашамиз. Кейин хотинимни яна қайтиб оламан. Чунки хотиним билан мен суд орқали ажрашганмиз. Шундай ҳолатда мен гуноҳ қилган бўламанми?

**Жавоб:** – Никоҳ ва талоқ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Шу боис бу борада ҳақиқат бўлмаган нарсанни ҳам қилиш мумкин эмас. Сиз Аллоҳнинг энг қаттиқ ҳукмларидан бири билан ўйнашяпсиз. Катта юк остида турибсиз. Дарҳол тавба қилинг.

## ТАЛОҚ ЎЙИНЛАРИ БОТИЛДИР

**Савол:** – Хотиним билан жуда асабий бўлган пайтимда ажрашганман.

Кейин билсам, отанинг рухсатисиз турмуш қуриш жоиз эмас экан. Биз никоҳни унинг отаси розилигини олмай ўқитган эдик. Мантиқан олганда мен уйланмаслигим керак бўлган аёл билан ажрашдим. Менга тегишли бўлмаган одам билан ажрашганим сабабли, яъни агар бизнинг аслида никоҳимиз йўқ бўлса, у билан яна турмуш қурсам бўладими?

**Жавоб:** – Лойни лой билан тозаламоқчимисиз? Аллоҳдан қўрқинг. Сиз бир хато қилибсиз, ҳеч бўлмаганда иккинчи хатога йўл қўйманг. Бунга дин билан ўйнашиш дейилади.

### УНАШТИРИШ ВА НИКОҲНИНГ ФАРҚИ

**Савол:** – Унаштирилгандан кейин бизни эр ва хотин деб ҳисоблаш мумкинми?

**Жавоб:** – Унаштирув – бу жуфтларнинг келажак учун бир-бирларига ваъда бериши.

Никоҳ – бу ўша ваъданинг амалга ошишини қабул қилиш. Унаштирувдан кейин сўзингизни бузишингизда зарап йўқ. Шу сабабли, унаштириш эр-хотин бўлиш дегани эмас.

### АЁЛЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАҚИҚЛАР

**Савол:** – Устоз, сиз баъзи мавзуларни жуда яхши талқин қиласиз, хуроса чиқарасиз. Шунинг учун сизнинг хуросаларингиздан фойдаланаман ва уларни бошқаларга ўзимникудек тақдим этаман. Дўстларим бундан кўп фойда кўришади. Биз аёллар учун тақиқланган нарсаларнинг умумий рўйхатини бера оласизми? Бизга нималар тақиқланганини билиб олайлик ва шунга мувафиқ яшайлик (Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Онангиз касал эканлар, шифои комил берсин. Сиздан фарзанди борлиги учун онангиз жуда ҳам баҳтли инсон. Биз учун ҳам дуо қилинг. Устоз, рози бўлсин).

линг). Аллоҳ сиздан ҳам рози бўлсин. Онамни дуо қилинг. Раҳмат.

**Жавоб:** – Дарҳақиқат, бугунги кунда аёллар кўпроқ эътибор қаратиши керак бўлган тақиқлар ҳақида гапириш ўринли, деб ўйлайман. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам Аллоҳнинг ҳузурида қул қаторидалар. Агар муаммо эркакларга қараганда кўпроқ аёлларга тегишли бўлса, аёллар бунга эътибор беришлари керак бўлади. Баъзи ҳадисларда шунга ўхшаш огоҳлантиришлар мавжуд. Бу аёлларни дўзах оловидан огоҳлантирувчи умумий изоҳ бўлса керак.

Тақиқлаш ва гуноҳ ҳақида зикр қилинганда, шуни ҳеч қачон унутмаслик керакки, Аллоҳнинг эшиги барча гуноҳлардан кейин ҳам бандаси учун очик бўлади. Ҳеч қандай гуноҳ, унинг катталигидан қатъи назар, бандасини Аллоҳдан ажратади. Бир гуноҳдан кейин яна гуноҳ қилиш – банданинг ўзини Аллоҳдан узилган, уни эшигидан ҳайдалганман деб ўйлаши кабидир.

## 1. Аёллар ва эркаклар тақво асосида яшashi керак

Бунинг учун, биринчи навбатда, кўзни сақлаш лозим. Аллоҳ таоло «Нур» сурасининг 30-31 оятларида эркакларга ҳам, аёлларга ҳам кўзларини сақлашни буюрган. Чунки гуноҳкор бўлишда кўзнинг катта ҳиссаси бор. Шайтон одамларни чалғитишда кўзимиздан фойдаланади. Фарзандлари учун масъул бўлган ота-оналарга бу масалани кўриб чиқиш ий-

моний бурчдир. Шубҳасиз, кўзимизни хиралаштириш ёки мумкин бўлганни кўриб, мумкин бўлмагани кўрмайдиган қилиб олишимизнинг имкони йўқ. Кўришга мажбур бўлиб ёки ўз хоҳишимиз билан қарайдиганларимиз устида фикр юритишимиз керак. Кўзни чексиз кўриш эркинлигига бўлиши хато, фақат турмуш ўртоқлар ўртасида бир-бирига қараш эркинлиги бундан мустасно.

## 2. Эркак ва аёлларнинг зинога яқинлаштирадиган нарсалардан қочиши муҳим бўлган тақиқларданdir.

Бу ерда қаралиши керак бўлган нозик нуқта зинодан олдин зинога олиб борадиган нарсалардан возкечишдир. Зоро, зино нуқтасидан сўнг ундан қоча билиш муҳим, эҳтимол у даражасидан ошиб кетган бўлиши мумкин. Ислом томонидан мусулмонга берилган таълимда, зинодан олдин зинога олиб келадиган сабаблардан йироқлашиш мавжуд.

Хусусан, ота-оналар фарзандларини зинодан ва зинога даъват этишдан сақланишларига эътибор қаратишлари муҳим вазифадир. Барча турлари бўйича жинсий бузуклик деб аталадиган ҳар қандай нарса, зинога оид ушбу қоидага мувофиқ ҳал қилиниши керак. Зино билан боғлиқ бўлмаган хатти-ҳаракатлар, масалан, қўл билан бўшаниш кейинчалик зино учун замин яратишини билишимиз керак.

## 3. Аёлларнинг йўл қўядиган катта хатоларидан бири бу билатуриб ҳомилани туширишни исташи ва бунинг учун ношаръий ерларга мурожаат қилишидир.

4. Аёллар ўртасида касалликка айланган ўзини (кўз-кўз қилиб) кўрсатиш ҳам тақиқланган. Аёл ўз зеб-зийнати ва гўзаллигини эридан бошқасига кўрсатолмайди. Ҳеч қачон турмуш қуриши мумкин бўлган бирон-бир эркакка зийнатланган ҳолда кўриниши мумкин эмас. Кимга қанчалик кўриниши ва кўрсатиши мумкинлиги Қуръони каримда белгилаб берилган.

Ушбу мавзу аёллар кийимларини ҳам ўз ичига олган. Аёл яхши кийинишдан маҳрум қилинмади. Аёлга энг чиройли ва кўркам кўйлакни кийиш мутлақо тақиқланган эмас. Аёлнинг яхши кийиниши фитратидандир. Шариат эса – фитрат шариатидир. Аммо у аёлнинг гўзаллигини номаҳрам эркаклардан беркитишини истайди.

Узоқ тутиш доираси аёлнинг танаси баробарида, кийиб юрадиган кийимлари ва заргарлик буюмлари, шунингдек, унинг табиий гўзаллигини ҳам ўз ичига олади. Аёллар ҳижобли бўла туриб ўзини кўрсатадиган кийимлар кийишда давом этса, Ҳадиси шарифдаги «кийинган яланғочлар» тушунчаси рӯёбга чиқади. Бундан ташқари, аёллар атирупани ошириб юборади ва ўзларининг эрларидан бошқаларга ёқиш учун ҳам парфюмерия ишлатадилар, булар ҳам ҳадисдаги таърифга тушадиган ҳолатлардан.

5. Аёллар ва эркаклар аралаш муҳитдан фойдаланиши ҳам алоҳида бир тақиқ. Зарурат юзасидан аралаш муҳитда аёллар ўзларини ҳижоб билан ҳимоя қилишлари мумкин. Бироқ аёлларнинг иш жойлари

ва шунга ўхшаш муҳитда эркаклар билан ҳеч қандай заруратсиз ўзаро алоқада бўлишлари, аёлларни ҳам, эркакларни ҳам ўзларини ҳимоя қилишда қийналишига ва фитна бўронига дучор бўлишларига олиб келади. Таълимдан тортиб, кундалик уй ҳаётигача кўп соҳаларда куфрнинг турли хил тушунчаларини таҳлил қила олсак, нима зарару, нима фойдалигини янада яхшироқ тушуниб етардик.

6. Аёллар учун муаммо туғдирадиган яна бир тақиқ шундан иборатки, улар ўзаро гаплашаётганда рухсат этилган чегаралардан ошиб ўтадиган нарсалар ҳақида гапиради. Аёллар даврасида қолганинг гизда, сиз ҳамма нарса ҳақида гапиришингизнинг зарари жуда ҳам кўпдир. Эр-хотин орасидаги сирларнинг сақланмаслиги, бегона бир эркакни бошқа бир аёлга таърифлаб бериш каби ҳолатлардан келиб чиқадиган муаммолар мана шундай bemalollikdan юзага келади.

7. Ўзига сунъий йўл билан ҳам оро бериш катта муаммо ҳисобланади ва у ўз ичига турли хил тақиқларни олади. Аёлнинг инсон терисида муқим турадиган қилиб оро (ҳар хил татуаж, макияж, лабларни ботокслаш... ва ҳоказо) бериши, соchlарига ғайритабиий қўшимчалар киритиши, Аллоҳ яратган услубни ҳар қандай йўл билан ўзгартириши ва шу ҳолатида жамоат жойларида bemalol юриши турмуш ўртоғидан бошқа одамларга ўзини кўрсатишга киради.

8. Турмуш қуришга рухсат берилган эркак ва аёлнинг алоҳида уй ёки хонада ёлғиз қолиши ҳаром амаллардан бири ҳисобланади. Зинога даъват қилишни англатадиган танҳоликка эътибор бериш ва ундан эҳтиёт бўлиш жуда муҳимдир.

9. Хилватда қолишга ўхшаш яна бир муаммо – бу аёлларнинг узоқ масофага ёлғиз саёҳат ёки сафар қилишидир.

10. Аёлларнинг бегона эркак билан қўл бериб қўришиши ёки қўл сиқишиши ҳам тақиқланган.

11. Ҳовуз ёки шу каби жойлардан фойдаланишда эътиборсизлик ҳам хавфни келтириб чиқаради. Аслида аёл учун энг хавфсиз жой уйининг ўртасидир. Шу сабабли аёлга ҳатто масжидга бориб жамоатга қўшилиш ҳам буюрилмаган.

12. Аёлларнинг кийим ва турмуш тарзида ўзларини эркакларга ўхшатиши, эркакларнинг эса аёлларга ўхшashi Пайғамбаримиз (с.а.в.) тилларида лаънатланган ҳолатdir.

## АЁЛЛАР ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА ЗАРЛИ ҮЙИН ҲАҚИДА

**Савол:** – Устоз, аёлларнинг ҳунармандчилик қилиши гуноҳ, охиратда улар аёлларга бузиш учун берилади дейишади. Шу тўғрими? Ва болалар уй шароитида зар үйинини ўйнашлари тўғрими?

1. Аллоҳни зикр қилишдан тўсадиган, инсонийлик бурчимизни бажаришимизга монелик қиласидан ҳар қандай иш ҳаром бўлиши мумкин. Бундан ташқари, иш, санъат ёки севимли машғулот ҳаром ёки гуноҳ бўлиши учун, унинг ичida ҳаром нарса бўлиши керак.

Сиз эшитган ҳунармандчилик борасида айтилган гаплар нотўғри. Аксинча, аёллар қонунга хилоф иш ва хатти-ҳаракатлар билан шуғулланишдан кўра, эрларига ўзларининг аёллик маҳоратини ишга солиб хизмат қилишлари, уларга ёқишига ҳаракат қилишлари яхшироқдир.

2. Юқоридагиларга қўшимча сифатида айтиш жоизки, зар үйинида қиморга ўхшаш ҳолат мавжуд. Ютқазганни тўлов қилишга мажбур қиласидан ҳар қандай үйин мутлақо ҳаромдир.

Аллоҳ бизни иродасига мувофиқ яшашимизга имкон берсин!

## АЖРАШГАНДАН КЕЙИНГИ НИКОҲ

**Савол:** – Исломда ажрашгандан кейинги никоҳ қоидалари қандай ва нималардан иборат?

**Жавоб:** – Агар ажрашган аёлнинг ажрашиши учун никоҳга уч талоқ тушган бўлса, у уч ҳайз муддатида иdda сақлайди. Иdda тугашини кутгандан кейин бошқа эркакка турмушга чиқиши мумкин. Ушбу никоҳдан кейин, агар у эри билан тўшакда бирга бўлган бўлса ва иккинчи эри билан ажрашса, шунда у яна уч ҳайз муддатича иdda сақлайди, иддаси чиққач биринчи эри билан яна янгидан никоҳ қилиб, ҳаёт бошлиши мумкин.

## ЭРНИНГ ЗУЛМИГА САБР ҚИЛИШ

**Савол:** – Устоз, менинг бир холам бор, у 50 ёшга тўлган ва ҳали ҳам эридан калтак ейди. Ўғиллари онасини отаси калтаклагандага ҳимоя қилишга уринса ҳам уларга қўйинглар, аралашманглар, бу сизларнинг отангиз бўлади деб уларга тўсқинлик қиласди. У Аллоҳ учун узоқ йиллардан бери сабр қилиб келади. Сиздан бирорта тавсия беришингизни сўрайман, шундай ҳолатда холамга нима дейишимиш керак?

**Жавоб:** – Агар холангиз бунга Аллоҳ розилиги учун бардош берган бўлса, у жуда ҳам баҳтли аёл экан. У табрикланиши керак бўлган хоним. Аммо агар чидаб бўлмайдиган даражада қийноққа солинаётган бўлса, у давлат идораларига мурожаат қили-

ши ва ўзини ҳимоя остига олиши мумкин. Агар бундай ҳолатда бўлмаса, у чинакамига муваффақиятда экан. Фарзандларини бунга аралаштирмаслиги яна бир ёқимли фазилат. Холангиз кўп дуо қилсин. Эри учун ҳам, ўзи учун ҳам дуо қилиши керак. Аллоҳ ёрдам қилсин, биз ҳам унинг учун дуо қиламиз.

### ҚИЗ БОЛАНИНГ МАКТАБДА ЎҚИШИ

**Савол:** – 7-синфда ўқийдиган қизим бор. У давлат мактабига боради. 10 кундан бери бошига рўмол ётпиняпти, лекин мактаб бошланганда рўмолини ечиши керак. Айни пайтда хусусий мактабга ўқитиши учун имкониятимиз йўқ. Менга сизнинг маслаҳатингиз керак.

**Жавоб:** – Мусулмон қизнинг ҳайз кўришни бошлиши билан ундан бир тола соч ҳам кўринмаслиги керак. Балоғатга етиш белгиси кўринган, ҳайз кўрмаса ҳам, тана тузилиши жиҳатидан ёш қизга ўхшаб кўринса ҳам фитна чиқмаслиги учун уни рўмол ўраши шарт. Келинг, ушбу масала бўйича иккита фикрни кўрайлик.

Биринчидан, ўраниш уни фақат мато билан ўраб кўйиш эмас. Аёлнинг аёллигини қизиқиш доирасидан чиқариш – бу ўранишдир. Агар ўраниш (ҳижоб) нинг ўзи қизиқишга айланса, ўзгалар дикқатини тортса у исломий бўлиш чегарасидан чиқади. Шу боис бошни ёпишдан кўра, ўзимизни Аллоҳга бағишлишимиз, унинг кўрсатмаларига амал қилишимиз муҳимдир.

Иккинчидан, биз Аллоҳнинг буйруқлари ва тақиқларини юз фоиз самимий истак билан бажаришга мажбурмиз. Амал қилишда эса биз қўлимиздан келганига жавобгармиз.

Сабр қилинг, Аллоҳ сизга ёрдам беради.

### ЯШИРИН НИКОҲ МУМКИН ЭМАС

**Савол:** – Йигит ва қизлар ҳеч кимнинг рухсатисиз турмуш қуриши мумкинми? Исломда ўлчов қандай? Оила, қариндош ва қўшниларга билдиримай, фақат ўзлари ва гувоҳлар билса-чи? Бу шариатимизга зидми ёки тўғри ишми?

**Жавоб:** – Никоҳни никоҳ қилган энг муҳим нуқта – уни оммага билдириш, ошкор қилишдир. Одатда яширишга урунган, гувоҳлардан ҳам сир сақлаш хоҳланган никоҳ гарчи қўриниши жоиз бўлса-да, аммо қалб бундан қай даражада хотиржам тортишини, у кишининг иймон даражаси ҳал қиласи. Никоҳнинг асоси эълон қилишдир.

### ФАРЗАНДЛАРГА МЕРОС ТАҚСИМЛАШ

**Савол:** – Мерос ўғил ва қизлар ўтасида қандай тақсимланади? Ота улардан бирига бериб, бошқасига бермаса ҳам бўлаверадими?

**Жавоб:** – Агар ота соғлом ва ҳаёт пайтида бирор нарсани тақсим қилса, у хоҳлаганидек бўлинади. Агар фарзандларидан бирортасига зулм қилса, бунга ўзи жавоб беради, биз ҳеч нима дёёлмаймиз. Ота-

нинг вафотидан сўнг эса Қуръонда баён қилинган шаклда тақсимланади.

## УЙЛАНИШ МАҚСАДИДА ГАПЛАШИШ

**Савол:** – Аёл фақат турмуш қуриш мақсадида бегона бир эркак билан гаплашиши мумкинми?

**Жавоб:** – Мусулмон бир эркак ёки аёлнинг турмуш қуриш таклифи билан гаплашиши жоиздир. Турмуш қурмоқчи бўлганларнинг бир-бири билан қўришиб гаплашиши суннат амалдир.

Бироқ бунда баъзи шартлар бор:

А) Иккиси хилват бир жойда ёлғиз қолмаслиги керак. Зоро, хилватда ёлғиз қолиш никоҳдан аввал ҳаромдир. Улар билан бирга, албатта, учинчи шахс ҳам бўлиши лозим.

Б) Иккисининг ҳам нияти турмуш қуриш учун қўришиб, гаплашиш бўлиши шарт. Турмуш қуриш ниятини бошқа бир мақсадлар учун қўллаш ҳийла қилиш бўлади. Бу қатъиян жоиз эмас.

В) Кўришиб гаплашиб олиш вақти етарли, лекин чегараланган бўлиши лозим.

Г) Улар ўртасидаги суҳбат никоҳли кишилар гапига ўхшаб қолмаслиги керак

Д) Учрашув натижаларини ҳар икки тараф ҳам ҳиссиётга берилиб, нотўғри қарор чиқармаслиги

учун ўзларининг ишончли одамлари билан маслаҳат қилишлари керак бўлади.

## КИТОБ ТАВСИЯСИ

**Савол:** – Устоз, шу кунларда ширк ва муно-  
фиқлик жуда кенг ёйилди. Тўғри маълумот олиш  
учун қайси китобларни ўқишимиз, қайсиларидан  
узоқ туришимиз керак?

**Жавоб:** – Шундай бир ўлчовни қўллашингиз мумкин: бир асарнинг ёзилиш муддати сизга яқин бўлгани сари, унинг зарап бериш эҳтимоли ҳам ортади. Аммо бу эски бўлган ҳамма нарсанинг хатосиз бўлиши ва янги бўлган ҳар нарсада албатта хато бўлишини билдиrmайди. Бизнинг ўқийдиган асарларимиз қўйидаги ўлчовларга мос келиши керак:

- ◆ Хаддан оширадиган бўлмаслиги, инсонларни куфрга олиб борадиган эмас, уларни нажот топишлари учун ёрдамчи бўладиган ҳолда ёзилган бўлиши керак.
- ◆ Қуръон ва суннат ҳукмлари устун қўйилиши шарт. Улардан устоз, шайх ва олимлар фикри устун қўйилмаслиги керак.
- ◆ Мавзу биз тушунадиган даражада ёзилган бўлиши лозим. Уламолар учун мўлжаллаб ёзилган китобларни ўқиш, қош қўяман деб кўз чиқариши мумкин.

- ◆ Унда бутун умматга мүлжалланган мавзуулар бўлиши керак. Маҳаллий ва сегментга тегишли бўлган масалалар устун бўлмаслиги керак.
- ◆ Бу охиратни эслатиб, ибодат, зикр, тафаккурга рағбатлантириши керак.

Аллоҳдан бизни ўқишимизга ва ўқиганларимизга амал қилишимизга имкон беришини сўраймиз.

## НИКОҲДАГИ МАҲФИЙ МАҚСАДЛАР

**Савол:** – Айни дамда бир аёл билан расмий ва диний никоҳда турмуш қуриб, бошқа бир аёл билан эса фақат имом никоҳининг ўзини ўқитиб олиб, зино қилганим йўқ дея ўзини ўзи ишонтириб юриши жоизми? Бу никоҳ никоҳ ҳисобланадими?

**Жавоб:** – Биз банда сифатида амалларимизнинг ташқи кўринишига қараймиз. Агар бу динимиз бизга буюрган қоидаларга тўғри келадиган бўлса, тўғри деб биламиз. Бунга бўйсунмаганларни эътиборсиз қолдиралиб. Эркак ва аёл имом никоҳини ўқитиб, турмуш қурганда, уларнинг бирга бўлишининг зарари йўқ. Бироқ бу никоҳ гувоҳлар иштирокида бўлиши керак. Банданинг қалbidаги нотўғри ишлари у билан Роббиси ўртасида қолади. Аёлга уйланишда сиз айтиётган муҳитнинг борлиги ёки йўқлиги натижани ўзгартирмайди. Никоҳдаги шартлар топилса кифоя қиласи.

## МАҲР УЧУН ЗАКОТ

**Савол:** – Агар белгиланган маҳр ҳали олинмаган бўлса, унинг устидан закот бериш керакми?

**Жавоб:** – Бундай маҳрнинг ҳолатига қаралади: агар у ҳар қандай вақтда берилиши мумкин бўлган вазиятда бўлса, яъни қандайдир омонатда турган бўлса, бу айни дамда пул эканлигини англаради ва закотини берамиз. Агар уни олиш учун бундай кафолат бўлмаса, сўралгандан кейин маълум вақт ўтгач олиш мумкин бўладиган пул бўлса, закотни кечикиришнинг зарари йўқ. Албатта, агар у нисобга етган мулк бўлса.

## НИКОҲ ЁШИ, ТУРМУШ ҚУРАДИГАН ҚИЗ ҲАҚИДА

**Савол:** – Устоз, мен сизнинг никоҳ ҳақида ги маърузангизни эшийтдим. Тушунишимча, никоҳ ёши – бу эҳтиёжни сезадиган ёш. Мен бундай эҳтиёжни ўзимда ҳис қиляпман ва мен Самсундаги диний маданият ва ахлоқ ўқитиш бўлимининг 20 ёшли талабасиман. Ҳеч қаерда ишламайман. Агар мен уйланмоқчиман десам, албатта, оилам ва атрофимдагилар тўғри тушиунмайди, эҳтимол мени масхара ҳам қилишар, қолаверса, ҳеч бир қизнинг отаси қизини ўқишини битирмаган бир талабага бермайди. Агар қизини берадиган бирор киши топилса ҳам мактабни тугатмасдан ва ишга жойлашмасдан туриб, биз хоҳлаган хусусиятларга эга қизни

билмайман, лекин Яратган сиз учун албатта кимни-дир яратган.

◆ Янада чуқурроқ ва илм билан яхшилаб үйлаб күринг.

◆ Ота-онангизни юзига оёқ қўймасдан олдин бу борада жиддийлигингизни уларга кўрсатинг. Агар уларга бу иш насиб қилмаса, Роббингиз бирор мўмин қулини юборади ва сизни уйлантиради, ҳеч хототир олманг. Роббингизга ўзингиздан кўпроқ ишонинг. Ундан сўранг ва Унга ишонинг. Диндор бўлиш буни талаб қиласди.

### НИКОҲНИ КЕЧИКТИРИШ ТЎҒРИ ЭМАС

**Савол:** – Менга уйланмоқчи бўлган бир йигит бор, улар уйимиизга оиласи билан келиб, аҳдлашиб қўяйлик дейишди, аммо ўқишим тугашига уч йил бор. Шу вақт ичida учрашишимиз тўғри бўладими? Мен Аллоҳнинг розилигидан ташқари ҳеч нарса қилишни хоҳламайман.

**Жавоб:** – Ўқиш ёки шунга ўхшаш сабабларни рўкач қилиб никоҳни кечиктириш тўғри иш эмас. Никоҳ ҳаёт масаласи эканини билишингиз керак. Ҳар эҳтимолга қарши, уч йил давомида учрашувингизни қуидагича белгилашимиз мумкин:

А) Унаштирув. Бу никоҳ бўлгунга қадар зарурат туғилганда учрашиш мумкин бўлган давр. Бироқ бу

учрашув ҳаддан ошиш даражасига етмаслиги керак. Мувозанатли сұхбат фойдали бўлади. Учрашув, шунингдек, фикҳ қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Хилватдан қатъиян қочиш керак. Бир йилда уч-тўрт марта учрашиш мумкин.

Б) Уч йиллик давр ичида бирмунча вақт ўтгач турмуш қуриш мажбурияти бўлиши одатий ҳолдир. Уч йил никоҳсиз яшаш тўғри эмас. Бундай шароитда тўй пайтида қилинадиган никоҳ никоҳни маъносиз қиласди.

Хулоса қилиб айтганда, сиз никоҳингизни биринчи ўринга қўйишингиз керак. Бу энг хавфсиз ва тўғри йўл. Аллоҳ муборак қилсин !

## РЎМОЛ БИЛАН БОШЛАНГАН ТАШВИШЛИ ДАВР

**Савол:** – 6 ойдан бери рўмол ўрайман. Отам мени қўришни истамайди. Биласизми, ҳар бир оиласда ота-онани хафа қиласидиган бир бола бўлади, бизни оиласда бу мен эдим, нима қилсан ҳам фойдасиз, нима десам ҳам бефойда.

◆ Куръон оялларига қарши гапиришганда улар янада гуноҳкор бўлишияпти. Улар буни қабул қила олмади, тушунишимча, опа-сингилларим ҳам буни ҳурмат қилмади. Тўғри, улар ҳам Аллоҳдан қўрқади, Куръонни қабул қиласди, лекин ичиш ва қимор каби гуноҳларга ҳам яқин бўлаверишади. Мен у оиласдан эмасдек, бегонадекман.

◆ Уларга бўлган муҳаббатим шу қадар сусайганки, шундай бўлса-да, Аллоҳ учун ўзимни яхши тутишига ҳаракат қиласман. Агар ўзим қўнғироқ қилмасам, менга ҳеч ким қўнғироқ қилмайди. Менга шундай нарсаларни айтишади-ки... худди мен ўлгандек телефонда йиғлайдилар. Ота-онам жуда ҳам хафа бўлишияпти экан.

◆ Албатта, булар ҳақида эшиитганимдан сўнг жуда ҳафа бўламан. Икки ўртада хўжайним билан муносабатимиз ёмон бўлиб боряпти. Ажрашиб кетишимизга оз қолди Хўжайним ҳам шифокор. Икки қизимиз бор. Оиламдагилар рўмолимни хўжайним орқали ҳам ечтиришга уринди. Хўжайним оилам билан ўртамизга тушмади, лекин менинг рўмол ўрашимни исташини ҳам айтмади. У индамади...

◆ Онам ҳижоб ва ҳаждан ташқари Исломдаги ҳамма амални бажаради. У ҳижобга киришини жоҳилият давридаги иш деб ўйлади. Бир куни қаттиқ тушкунликка тушганимда, дуоларимда: «Аллоҳум, мен сенинг динингни ҳимоя қилдим, сен ҳам динингни ҳимоя қил», дедим.

◆ Орадан бир неча кун ўтгач, онам ошхонадаги пештахтадан йиқилиб тушди, танасида, бошида синмаган суяги қолмаган. У ҳафа бўлганда қон босими кўтарилади ва мен сени ҳеч қачон бундай ҳолатда кўрмай, дейди.

◆ Онам апрель ойи охирда келади (чет элда шифокорман, ҳаммадан узоқдаман, рўмолдаман ва

ёлғизман), аллақачон стрессга тушяпман. У келганида мен берет-шапка киярканман. Жуда چарчадим. Оила анъаналарига риоя қилинглар дейишади, бу ҳолда қандай риоя қилиш мүмкін?!

♦ Мен уларни үзим хоҳламаган ҳолда шунчалик хафа қилғанимдан сиқилиб: «Аллоҳум, агар үлишим яхшироқ бўлса, үлимимга ижозат бер», деб дуо қилдим, ваҳоланки, мен атиги 33 ёшдаман. Хўжайиним мени оилас билан кўришишимни истамаяпти, чунки улар билан кўришганимдан кейин бизнинг уйда тинчлик йўқоляпти. Хўжайиним ҳам мендан ажрашиши нуқтасига келди. Эркаклар ҳеч қандай муаммони хоҳламайди ва у менга, оилас Трабзонга келганида, рўмолингни еч, улар атиги 10 кунга келади деди. Улар буни ҳеч қачон қабул қила олмайди, отанг 67 ёшда, вафот этишса сен хафа бўлиб, үзингни айбдор ҳис қиласан ва виждон азобида яшайсан, деди. Ислом олимлари билан маслаҳатлашдим ва эримга қулоқ солмадим. Эрим уни гапига қулоқ солмаганим учун мени кечирмади.

♦ Опаларимнинг бири фармацевт, иккинчиси шифокор. Улар ҳатто: «Эринг бизни сендан кўра кўпроқ қадрлайди. Барчамиз үзимизни ўртага кўйдик, сен эса биздан рўмолни афзал кўрдинг, биз сени ибодат қилишингга тўсқинлик қилмадик, биз ҳам мусулмонмиз, Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмадик,» дейишади. Юрагимдан томирларимга оқиб тушаётган қон бутун вужудимни вулқондан отилиб чиқаётган чўғ каби куйдириб юборади.

ёлғизман), аллақачон стрессга түшяпман. У келганида мен берет-шапка киярканман. Жуда чарчадим. Оила аңаналарига риоя қилинглар дейишиади, бу ҳолда қандай риоя қилиш мүмкін?!

◆ Мен уларни үзим хоҳламаган ҳолда шунчалик хафа қилганимдан сиқилиб: «Аллоҳум, агар ўлишим яхшироқ бўлса, ўлимимга ижозат бер», деб дуо қилдим, ваҳоланки, мен атиги 33 ёшдаман. Хўжайиним мени оилас билан кўришишимни истамаяпти, чунки улар билан кўришганимдан кейин бизнинг уйда тинчлик йўқоляпти. Хўжайиним ҳам мендан ажрашиши нуқтасига келди. Эркаклар ҳеч қандай муаммони хоҳламайди ва у менга, оилас Трабзонга келганида, рўмолингни еч, улар атиги 10 кунга келади деди. Улар буни ҳеч қачон қабул қила олмайди, отанг 67 ёшда, вафот этишса сен хафа бўлиб, ўзингни айбдор ҳис қиласан ва виждан азобида яшайсан, деди. Ислом олимлари билан маслаҳатлашдим ва эримга қулоқ солмадим. Эрим уни гапига қулоқ солмаганим учун мени кечирмади.

◆ Опаларимнинг бири фармацевт, иккинчиси шифокор. Улар ҳатто: «Эринг бизни сендан кўра кўпроқ қадрлайди. Барчамиз үзимизни ўртага қўйдик, сен эса биздан рўмолни афзал кўрдинг, биз сени ибодат қилишингга тўсқинлик қилмадик, биз ҳам мусулмонмиз, Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмадик,» дейишиди. Юрагимдан томирларимга оқиб тушаётган қон бутун вужудимни вулқондан отилиб чиқаётган чўғ каби куйдириб юборади.

Кошки мен қуруқ қотган нон есам эди, оиласын шунчалик хафа қилиш ўрнига! Бу фатво қаердан чиқди, мен тушунмаяпман. Онам ва отамдан кўра қадрлироқ ким бор мен учун? Пул топишми ёки шифокор бўлиши? 6 ойдан бери азоб чекаётган бўлсам ҳам кўнглимнинг тубида шундай баҳт ва хотиржамлик бор-ки... Фитратимнинг талабларини бажардим деб ҳис қиляпман. Ҳар йили ёзда оиласын ёнига борардик. Улар яна келишимизни айтишияпти. Эрим улар сени нимани ёқтиришинги ўйламайди, фақат ўзлари хоҳлаганча бўлишини истаб, сени хафа қилади деб уларга қўнғироқ қилишимни хоҳламаяпти.

◆ Онам келса уни хафа қилиб қўяманми деб жудаям ташвишдаман. У кишига мен рўмолимни ўлсан ҳам ечмайман, ечади деб умид қилманг, мен Куръонда ёзилганларни ҳаётимга тўлиқ татбиқ этаман, деган гапларни айтдим. Лекин ҳеч бир гапим таъсир қилмади. Энди нима бўлади?

**Жавоб:** – Мусулмон бўлиш таслим бўлиб ҳузурга эришиш эмас. Аксинча, Ислом дини – синов дини, сиз унда яшаб турли синовларга дуч келишингиз мумкин. Биз мусулмон сифатида буни яхши англashingиз керак. Агар Аллоҳ бандаларини синовдан ўтказмоқчи бўлса, ташқи кучлар – қўшинлар билан ҳужум қилиши ёки шахсий ҳаётимизда турли воқеа ва ҳодисалар воситасида имтиҳондан ўтказиши мумкин. Мусулмоннинг яшаш муҳити, қариндошлири, ота-оналари, фарзандлари ва иши синов воси-

таси бўлиши мумкин. Тарихда бунга ёрқин мисоллар жуда кўп.

Ушбу имтиҳон бизга ёқди, фалон нарса билан мени синаб кўргин деб айта олмаймиз! Аллоҳга иймон келтирмоқ, Ундан келадиган ва Унга қайтадиган ҳамма нарсага қаноат қилишдир.

Сиз бошдан кечираётган муаммоларни фақат сизда бўлаётгандек кўрманг. Деярли ҳар бир мусулмонда шунга ўхшаш муаммолар бўлган, бўляпти ҳам, фақат сабр қилганлар ютади, сабр қила олмаганлар эса ютқазади. Мўмин – Аллоҳ билан бирга бўлиш учун ёлғиз қолишга ҳам тайёр бўлган одамдир. Ёлғиз бўлишга тайёр бўлмаган киши, ҳатто, оломон орасида ҳам ҳаловат топмайди. Албатта, сиз бунга қаршилик қиласиз. Аммо сиз инсоний фазилатларингизга путур етказмасдан қаршилик кўрсатасиз. Сиз фарзанд бўлган муҳитда, фарзандлигингиzin йўқотмасдан, турмуш ўртоқ бўлган муҳитда эса обруингизга путур етказмасдан, муҳитга ҳикмат билан қарши турасиз. Маданиятли бўлиш, улуғвор кўриниш, мақсадга эришиш мана шуларни англатади.

Қолаверса, сизга энг муҳим маслаҳатимиз – дардларингиз билан ёлғиз қолманг. Атрофингида сизнинг ҳақлигингиzin ишонадиган одамлар бўлиши керак. Атроф-муҳит сиз учун оғзаки ёки ёзма алоқа имкониятлари билан яхши ёрдам бўлади.

Аллоҳга очилишни унутманг. Дуоларнинг баҳти онларини бошдан кечиринг. Ўзингизни хотиржам

бўлганингизни ва муаммоларингизни яхши кўриб қолишингизни кўрасиз. Сабр қилинг, келажакка назар солинг, ёнингиздагиларга қараб ўзингизни кўп сиқманг. Аллоҳга омонат бўлинг.

## ИҚТИСОДИЙ САБАБЛАР / УНИВЕРСИТЕТДАГИ ЖУФТЛИККА НОМЗОД АЁЛ ВА ОТА-ОНАНИНГ КҮНГЛИ

**Савол:** – Устоз, университетнинг битирувчи талабасиман. Насиб қилса, ўқишим июнь ойида тугайди, ижтимоий фанлар бўйича ўқитувчи бўлиш учун ўқияпман. Мен ҳозирда уйланишини ўйлаб юрганим бир аёл бор, у ҳақида оиласамга гап очдим ва оила қурмоқчи эканимни айтдим. Тахминан 4 ойдан бери оиласам бу масалани жиддий қабул қилмади ва мен билан бу ҳақида суҳбатлашмади. Аслида оиласам бундай феълли оила эмас, лекин Аллоҳ билади, биз сўнгги 3 йил ичида оғир синовларни ўтказяпмиз. Бизнинг моддий аҳволимиз жуда яхши эди, аммо ҳозирда ўта ёмон, отам сўнгги 5 йил ичида мендан катта 3 та акамни уйлантирди. Бундай оғир юк ва ишлизлик унинг белини букди.

Баъзан ишора қилиб: «Сени ҳам куттириб қўйяпмиз, бўлмаяпти, Аллоҳ бундан рози бўлмайди» деган гапларни гапиради, оғзимни очолмайман, қийин аҳволга тушиб қолдим, китобларингизни ўқийман, таҳлил қиласман, суҳбатларингизни тинглайман. Сизнинг ечимлар бўйича

таклифларингизни ҳатто оила даврасида ҳам тингладик, аммо чора кўролмаямиз. Яна битта масала бор: мен уйланмоқчи бўлган аёл социология бўлимининг охирги босқич талабаси, мен унга келажакда эркаклар билан аralаш муҳитда ишлашини истамаслигимни айтдим, тушунтиришлар бердим, у ҳозирда буни қабул қилди, маъқуллади, лекин у келажакда ўқиганининг роҳатини кўришини хоҳлаши мумкин, шунда мен уни қандай йўналтиришим керак?

**Жавоб:** – Энг аввало шуни билиб олайлик:

Ота-оналарнинг рози бўлгиси келмай, ёқтирамай қилинган никоҳ совуқ ва руҳсиздир. Худди уйда сувсиз яшашга ўхшайди. Нима қилиб бўлса ҳам бу ҳаётни уларнинг хурсандчилиги ва табассуми билан бошланг. Улар, шубҳасиз, сизни моддий қўллаб-қувватлай олмаётганидан қаттиқ эзилади. Бундай ҳолда келин бўлмиш қизимиз аралashiши керак.

Бу қадам шундай бўлади:

Агар бизнинг никоҳга бўлган нуқтаи назаримиз иффат учун курашнинг бир босқичи деб ҳисобланса, уйда дабдабозлик ўрнига самимий муҳитда камтарона ҳаёт бошлансин. Имкониятлар пайдо бўлганда эса хонадонни замонавийлаштиrsин. Агар ҳолат кўнгилдаги муҳаббат юзасидан бўлса, вайронা ҳам обод бўлади. Агар келин бўлмиш ушбу масалаларда ёнингизда тура олмаса, яъни унинг учун ҳашаматли ҳаёт сиздан кўра муҳимроқ бўлса, мен ҳам, ақл ҳам ҳеч нарса дея олмаймиз. Қисқаси, бу масалани

оилангиз эмас, балки турмуш ўртоғингиз ҳал қила-ди. Бўлажак турмуш ўртоғингиз «аёллик ва оналиқ» дан кўра муҳимроқ деб биладиган ҳар қандай иш сиз учун беҳуда сарф бўлади. Сиз бу борада жиддий мажбуриятларни қабул қилишингиз керак. Опа-син-гилларимиз касб эгаси бўлишни ошириб юборади. Ушбу масалаларни оила бошлиқлари иштирокида қайта-қайта муҳокама қилинг. Кўп ваъдалар берилмоқда, аммо ҳеч бири бажарилаётгани йўқ. Кейин йиллар давомида тугамайдиган муаммолар юзага келади.

Нима бўлишидан қатъи назар, агар сиз турмуш қуриш вақти келганига ишонсангиз, бу худди намоз вақтига ўхшайди. Кечиктирманг. Қарзга киринг, аммо кечикманг. Сизга Аллоҳдан муваффақиятлар тилайман. Сизлар бу умматнинг умидисиз, янги баракали авлодни тарбиялайсиз. Аллоҳдан қўрқадиган ва уйларга иймон ҳаяжони билан учадиган, шарафли келажакнинг пойдеворини қўясиз. Қўрқманг, эгилманг. Агар шайтоннинг минг бир ҳийла-найранглари бўлса, сизда Роббингиз бор. Уни маҳкам тутинг, давом этинг. Агар У тақдирингизга ёзган бўлса, уни ҳеч қандай қийинчилик бузолмайди. Тушкунликка тушманг, хафа бўлманг. Ота-онангизга муомалада ҳаддингиздан ошманг, уларнинг орзуларини бузманг.

Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин!

## АЖРАШИШ МОЖАРОЛАРИ

**Савол:** – Аёлим билан тортишиб қолдик. «Эркак бўлсанг жавобимни берасан!» деди. Икки фарзандимиз бор, билим даражаси паст ва динда анча хом, бундай ҳолатда мен нима қилишим керак?

**Жавоб:** – Эркак бўлинг ва ажрашманг. Зоро, аёлингиз сизни эркак номини оқламайдиган паст даражага туширишни хоҳлабди. Савиянгизни юқори тутинг. Эркак бўлинг, сабр ва матонат кўрсатинг, аммо тузоқقا тушманг. Аёлингизга у сўзни шайтон гапиртирибди. Жавобингиз шайтон хоҳлаганидек бўлса, натижада ким севинишини билишингиз керак. Болаларингизга ачинганингиздан эмас, эркак бўлганингиз учун тузоқقا тушманг. Оқибатда, ютуқ сизда бўлади. Аллоҳ оғият берсин.

## АЖРАШИШДАН АВВАЛ ЯНГИ НИКОҲ

**Савол:** – З йил турмуш қурган одамим билан ажрашдим, у ҳомиладор бўлганимда мени ташлаб кетди ва бугунги кунгача ўз зиммасидаги вазифаларини бажармаяпти. Мен ҳам ажрашиш учун ариза ёздим. Иш 1,5 йилдан бери давом этмоқда, ҳали тугамади. У ҳозирда бошқа бирор билан унаштирилган. Мени қизиқтирган жиҳати шундаки, диний никоҳим ҳали бекор қилинмаган. Чунки мен ҳам оила қурмоқчиман, мени ана шу нарса ҳавотирга соляпти. Унинг

оғзидан ажрашиш ҳақида сўз чиқмаган бўлса-да, лекин ҳамма буни билади.

**Жавоб:** – Турмуш ўртоғингиз бир марта бўлса ҳам сиздан ажрашганини айтиши керак. Уни қидириб топинг ёки ўрталарингизда бирор воситачи қўнғироқ қилиб бўлса ҳам ажрашганми ёки йўқлиги ҳақида сўрасин. Агар у ажрашганини айтса, бу гапдан уч ой ўтгач, бошқа бирорга турмушга чиқишингиз мумкин. Ёки «Мен у билан фалон вақтда ажрашганман» деб айтса, бу ҳам кифоя қиласди. Акс ҳолда, бу тайинсиз ҳолат сизни турмуш қуришингизга тўсқинлик қиласди. Турмушга чиқманг. Яна бироз сабр қилинг, ишни тугатинг ва шундан сўнг турмушга чиқинг. Аллоҳ осон қилсин.

### ШИМ ВА ЮБКА

**Савол:** – Мен 17 ёшдаман. Ўтган ҳафта ёпиндим. Аммо менда муаммо бор, юбка кийишни ёқтирмайман, чунки бемалол бўлолмайман. Кенг шим устидан, тиззадан 5-б сантиметр юқорироқдан кўйлак кийиш тўғри бўладими? Менинг атрофимда ёпинганлар деярли йўқ, агар менга шу масалада ёрдам берсангиз жуда хурсанд бўлардим.

**Жавоб:** – Муаммога фақат шим / юбка сифатида қарамаслигингиз керак. Унга ҳижоб сифатида қарашга ҳаракат қилинг. Шим ёки юбка, агар иккаласи ҳам ҳижоб бўла олса қимматлидир. Агар у сизга ёқадиган кийим бўлса ёки ташқаридан қараганда

одамлар уни чиройли, жуда күркем деб билишади деган холосага келинса, бу түғри эмас. Үзингизни бутунлай сиқиб қўйманг. Ҳозирча шундай давом этинг, умид қиласманки, келажакда сиз янада кенгроқ ўйлайсиз ва кийинасиз.

## ҲАДДАН ОШИШ МУАММО КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ

**Савол:** – Устоз, мен илгари диний мажбуриятларимни бажаролмас эдим. Турмуш ўртоғим билан диний тўй ўтказдик, расмий тўй учун тўйхона ижарага олдик, иншааллоҳ, бир неча ойдан кейин турмуш қурамиз. Сўнгги икки ой ичida бир нарса юз берди ва мен тасаввуфга йўналдим, намоз ўқий бошладим, ўлимдан кейинги ҳаётдан жуда қўрқяпман, гуноҳ қилмасликка ҳаракат қиляпман. Бунинг учун ҳатто ташқарига чиқишини ҳам хоҳламайман, лекин турмуш ўртоғим унинг ўртоғи ва севгилиси билан кўришишни хоҳляяпти... У сен ҳам борасан деяпти, мен эса бормоқчи эмасман. Сиз ҳам ундаи муҳитда бўлмаслигиниз керак десам, тортишиб қоляпмиз. У «Сен динни бўрттириб юборяпсан деяпти, оиласмадагилар ҳам бунчалик қилиш бўлмайди, ким ҳам бунақа қиларди», дейишяпти, лекин мен аёлларнинг зарурат бўлмаса-да ташқарига чиқавериши тўғри эмас деб биламан. Мен ҳозир ўзимдан шубҳа қила бошладим, ҳақиқатан ҳам ошириб юбормаяпманми, хўжайинимни яхши қўраман, аммо энди дунёдан завқланмай қўйганман, у билан расмий никоҳдан ўтишга қўрқяпман.

**Жавоб:** – Бизнинг динимиз ҳаддан ошишни қабул қилмайдиган дин. Хўш, ҳаддан ошиш нима? Ҳаддан ошиш – бу бизга ибрат ва етакчимиз бўлган раҳбаримиз, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меъёrlаридан ташқарида қилинган ишдир.

Биз кундалик ҳаётимизда ҳаром бўлмаган, соғлигимиз ва ҳузуримиз учун зарур бўлган нарсаларни қиласми. Биз фарз намозларини ҳам ўқиймиз. Шунингдек, кундалик ҳаётимизни бузмайдиган нафл ибодатларни ҳам қиласми. Шундай қилиб, биз мувознатли ва тинч ҳаёт кечирамиз.

Сизнинг гапларингизга келсак, менимча, тасаввуфга ҳаддан ташқари кўп берилиш тўғри эмас. Чунки тасаввуф дунёвийликка қарши дорига ўхшайди, ҳаддан ташқари ишлатилса, унинг ёмон таъсири бўлиши мумкин. Мўтадил бўлиш керак. Албатта, турмуш ўртоғингизнинг муносабати ҳам бошқа тарафдан қараганда, ошириб юбориш ёки бўшашгандикдир, бу тубдан нотўғри.

Яна бир нозик нуқта бор: никоҳни расмий ёки норасмий деб ажратиш тўғри эмас, чунки нима бўлганда ҳам сиз унинг хотинисиз. Вазиятингиздаги ҳаддан ошилган ҳолатни қайта қуриб чиқинг. Ҳаётдан бутунлай узилиб қолмасдан, ўзингизни тутиб олинг. Турмуш ўртоғингизнинг йўли ҳам нотўғридир.

Агар лозим бўлса, сиз йўлнинг бошидаёқ ажрашишга қарор қилишингиз керак. Ҳаётда бундай

кескинликлар билан яшамаслик зарур. Сиз күпроқ мувозанатли бўлишга ҳаракат қилинг. Аллоҳ ёрдам-чингиз бўлсин.

## РАЖЪИЙ ТАЛОҚ

**Савол:** – Устоз, тұғри, тағсир китобларимиз бор, лекин талоқ борасида савол туғдирган баъзи масалалар ҳам йўқ эмас. Бир киши аёлидан бир талоқ бериб ажрашса, ўша аснода қайтиб олса ва бу воқеадан беш йил ўтгач, яна бир талоқ бериб ажрашса, шунда икки талоқ бўладими? Ражъий ва боин талоқ ҳақида маълумот берасизми?

**Жавоб:** – Никоҳ шартнома дегани. Бирлашиш ҳам, ажрашиш ҳам ушбу шартномага асосланади. Никоҳ шартномаси икки кишининг бирга яшашини белгилайди. Ажрашиш содир бўлганда, бу шартнома ушбу ажралишни ўз зиммасига олади. Никоҳ шартномасида учта тугун мавжуд. Ажралишларнинг ҳар бири ушбу тугунлардан бирини ечади. Ўша тугунлардан бири ажралиш содир бўлганда очилган. Беш эмас, балки эллик йилдан ортиқ вақтда ҳам бу никоҳ икки тугунлидир. Чунки никоҳ шартномани акс эттиради. Шартнома эса олдиндан тузиб бўлинган.

♦ Ражъий талоқ қолган икки тугун орқали никоҳни давом эттиришга рози бўлишни англатади. Аммо бу икки тугун ҳам ҳалолликни таъминлаш жиҳатидан учта тугунга ўхшаш кучга эгадир. Агар яна бир талоқ юз берса, вазият барибир ўзгармайди. Аҳд-

нинг барча учта тугуни учинчи талоқ билан бекор қилингани сабабли, сиз билганингиздек, бошқа шахс билан тузилган шартномадан кейин ва фақат ушбу шартнома тегишли равишда бекор қилингандан сўнг янги шартнома имконияти пайдо бўлади: бу нолдан бошланган яп-янги шартнома, эскиси билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

◆ Агар эркак биринчи тугунни ечгандан кейин, қолган иккита тугун билан қайтмоқчи бўлса, яъни оиласи билан яшашга қайтадиган бўлса, бу аёлнинг учта ҳайз даврига ва унга teng келадиган муддатгача (тажминан уч ой) олдин амалга оширилиши керак. Агар учта ҳайз муддати тугаганидан кейин эркак қайтиб яшамоқчи бўлса, қолган иккита тугун ўз-ўзидан ечилган бўлади, шунинг учун у фақат янги шартнома билан аёлни қайтиб олиши мумкин. Ва улар нолдан шартнома тузиш орқали яна турмуш қуриши мумкин. Бу масаланинг асл моҳиятидир.

## ШИФОКОР АЁЛГА УЙЛАНИШ

**Савол:** – Устоз, танишларим мени оила қуриш учун аёл билан таништиришни хоҳлашди. Аммо мен давлат муассасасида муҳандисман, ойлик даромадим 2000 турк лираси. Аёл эса шифокор бўлиб, у 6000-7000 турк лираси атрофида ойлик олади. Шунингдек, мен аёлнинг асосий вазифаси уй ҳаражатларини қилиб, таъминлаш эмас деган фикрда бўлганим сабабли, у билан учрашиши хоҳламадим. Қариндошларим туриб олишиди. Менга нима қилишни маслаҳат берасиз?

**Жавоб:** – Аёллар ўз аёлликларини уйларида қи-  
лишлари шариатимизнинг асосий шартларидан  
биридир. Хотинлар хотин ва она бўлиб қолишлари  
керак. Бироқ тиббиёт бундан ташқарида. Чунки тиб-  
биёт инсоннинг энг зарурий эҳтиёжларидан бирини  
қондиради ва аёлларнинг эҳтиёжлари уларни қон-  
дириш қийинчилик туғдирадиган даражада шунча-  
лик кучлидир. Сизнинг шахсий ҳолатингиз учун ушбу  
учрашув кераксиз бўлиши мумкин, аммо аёл шифо-  
корлар бўлиши ва улар ўз ишлари билан шуғулла-  
ниши керак. Агар сиз ўз характеристингиздан келиб  
чиқиб, пул топадиган аёл билан яшашни ўзингизга  
муносиб топмасангиз, бунга ҳеч нима деёлмаймиз.  
Аммо аёл шифокор муҳим эҳтиёждир. Ўтириб, ҳаёт  
тарзи ва тамойилларини муҳокама қилиб, учрашув  
натижаларини муҳокама қилиш сиз учун фойдали  
бўлади деб ўйлаймиз.

## БИР УЙДА ИККИ ОИЛА ВА ОТА-ОНА РИЗОСИ

**Савол:** – Устоз, оила қурганимга 5 йил бўлди  
ва биз онам, отам, синглим ва акам билан яша-  
япмиз. Менинг ҳам икки қизим бор. Уйимизда  
ҳаммамизга етарли хоналар бўлишига қарамай,  
алоҳида уйга чиқишини истайман (оиласда кичик  
муаммолар мавжуд: келин ва қайнона муносабатлари). Уйимни ажратишум керакми (агар  
ўйласам, онам ҳеч рози бўлмайди), бу мен учун  
фитна эмасми? Шундай шароитда мен қандай  
йўл тутишим керак?

**Жавоб:** – Агар сиз яшайдиган уйда сақланиб бўлмайдиган ҳаром бўлса, дарҳол ҳеч кимдан сўрамасдан чиқиб кетишингиз керак. Бундан ташқари, агар сиз ота-онангизнинг розилигисиз кетсангиз, сиздан барака йўқолиши мумкин. Илтимос, уларнинг розилиги билан кетинг. Масалан, жуда яқин жойга кўчиб ўтинг, уларнинг хизматларини давом эттиринг ва ишонтиринг. Ишонтириш жараёнини аста-секин олиб боринг. Аммо нима қилсангиз ҳам, уларнинг розилигини олинг, аксинча бўлса, сиздан барака ва тинчлик йўқолади. Аллоҳ сабр берсин.

### ТЕЛЕВИЗОР БИЛАН КУРАШИШ

**Савол:** – Биз телевизорни уйимиздан йўқотдик. Ва уни бошқа киритмасликка қарор қилдик. Болаларимни энди қандай қилиб банд қилишни билмаяпман. Менга нима маслаҳат берасиз?

**Жавоб:** – Уни буткул йўқ қилишдан кўра, масалан, ҳафтада бир кун, сўнгра икки кун, ундан сўнг уч кун – болаларни ундан босқичма-босқич зериктириш фойдалироқ бўлади. Узлуксиз китоб ўқиш сиз учун етарли эмас. Сийлаи раҳм учун бир кунни ажратинг.

- ◆ Уйингизда компьютер бўлса, сиз ва фарзандларингиз ундан назорат остида фойдаланишингиз мумкин.

◆ Агар турмуш ўртоғингиз ушбу масалани тушунса, бу сиз учун жуда фойдали бўлади. Чунки сиз унинг учун мантиқсиз бўлган нарсани қила олмайсиз.

◆ Агар қишлоғингиз сизга яқин атрофда бўлса, ўша ерга, бўлмаса дам олиш кунларингизни турли вақтларга ажратиб, Истанбул ёки шунга ўхшаш узоқ жойларга бир ёки икки кунлик саёҳат қилинг. Фарзандларингизнинг орзулари сиз билан бирга амалга ошсин.

◆ Ва, энг муҳими, болаларингизнинг мактабдан ташқари вақтини атрофингиздаги худди сизга ўхшаган икки ёки учта оила билан бирга тўлдиринг.

◆ Ўйингизга ҳар олти ойда бир ўзгартириш киритинг. Яшаш ва ётоқ тартиби ўзгарганлиги боис уй болалар кўзи ва наздида янгиланади ва жонланади. Ўйингизга камхаражат бўлган меҳмонлар, маҳаллангиз имоми ва шу каби намуна бўла оладиган кишиларни чақиринг. Узоқ давом этмайдиган ўтиришлар ташкил қилинг. Унда бир соатдан кўп ўтириш нотўғри. Бироқ шаҳар ташқарисидан келганлар бир соатдан кўпроқ ўтириши мумкин.

◆ Болалар, албатта, ташқаридан келган меҳмонлар билан ўтиришлари керак. Ўғлингиз эркаклар, қизингиз эса аёллар орасида ўтирсин. Ўйингизга узоқда бўлса ҳам яхши одамларни таклиф қилинг. Масалан, Қуръон курсидан икки талабани уйингизга таклиф қилишингиз мумкин.

◆ Вақти-вақти билан фарзандларингизни турли жойларга ётиб қолишга меҳмонга юборинг. У ерда тунаб қолишин. Қайтиб келганларида улар сиз ва онасини қаттиқ қучоқлаётганини кўрасиз. Бошқаларнинг фарзандларини ҳам қабул қилинг, аммо ҳар қандай оиланинг фарзандини эмас. Ҳаром-ҳалони биладиганларни қидириб топинг. «Ҳозирда бундай оила йўқ!» деманг. Мана сиз борсиз-ку!

◆ Уйда жамоат билан намоз ўқинг. Ўғлингиз вақти-вақти билан имом бўлсин, сиз муаззин бўласиз. Агар ўғлингиз имомликка ярайдиган ҳолатда бўлмаса, намозингизни ўзингиз бошқатдан ўқиб олаверасиз.

◆ Уйингизда турли вақтларда турли хил зиёфатлар уюштириб туринг, масалан, турмуш ўртоғингиз болалар яхши кўрадиган таомни тайёрлашга ҳозирлик кўради ва: «Бугун кечқурун мана бу овқатни тайёрлаб, сизлар учун зиёфат қилиб бераман», деб айтади.

◆ Сиз эса болаларингиз билан бозорга бориб, мева ёки керакли нарсалардан сотиб олинг. Кундалик ҳаётингиздаги оддий зерикарли таомланишни шундай йўллар билан қувончга айлантиринг. Сўнгра оила билан биргаликда, дастурхон атрофида Аллоҳга ҳаммангиз ҳамд айтинг. У сизга берган ризқ учун ҳам, сизни бир дастурхон устида баҳтли оиласалардан бири қилиб қўйгани учун ҳам шукр этиб, ҳамд айтинг. Шундай ҳаёт кечиришни одатга айлантиринг.

- ◆ Масалан, аёлингиз оддий макарон тайёрлаганида ҳам «биринчи макарон зиёфати, ўн олтинчи макарон зиёфати» каби эсда қоларли номларни ихтиро қилиб, хурсандчилик билан таомланинг. Кейин сиз ва турмуш ўртоғингиз бу фоний дунёдан охиратга ўтганда ҳам, фарзандларингиз фарзандлари билан ўтирганда, сизни раҳм-шафқат билан эслайди ва: «Бизнинг ота-онамиз бизга ҳар бир таомни мақтаб, зиёфатдек ейишни ва у ризқ учун Яратганга ҳамд айтишни ўргатишган, деб элашади. Ва фарзандларига ҳам шундай таълим беришади».
- ◆ Шунда бу зиёфатлар қабр ҳаётингизда ҳам, жаннатдаги зиёфатларга етгунингизга қадар давом этганини кўрасиз.
- ◆ Азиз биродарим, мана шу – дунёдир. Бу худди баҳор ёмғирига ўхшайди. Табассумлар, зиёфатлар, зиёратлар дегунимизча келади-ю, кетади. Уйларимизни зиндонга айлантиришимизга ҳожат йўқ. Биз ўз фарзандларимизни бошқаларнинг неъматларига ҳасад қилишларига сабаб бўлмасдан ва неъматларга сиғинмасдан, мўтадил йўлни қидириб топишимиз керак. Ахир бу дунё неча кундан иборат?

◆ Қиз болага уй бекаси бўлиш билан боғлиқ касб ва юмушларни ўргатинг. Унинг истеъододи қай тарафга йўналганини кашф этишга ҳаракат қилинг: тикувчилик, пишириш ва шунга ўхшаш нарсаларни тайёрлаш қобилиятини оширинг. Бола сиз кузатадиган спорт марказига бориши мумкин. Уни футбол, бокс

ва яланғоч спортдан бошқа спорт турига беринг. Сиз уйда болаларнинг чиройли ёзиш қобилияtlарини синаб күришингиз мумкин.

- ◆ Ва ҳар куни бир вақтда Қуръоннинг ҳеч бўлмаганда бир варағини ўқинг. Фақат бир варақ, лекин ҳар куни. Вақти-вақти билан сиз ўқиётган бўлимнинг таржимасини ўқинг. Дуо қилишни унутманг. Шоир айтганидек, қўллар ёрдамга келгунига қадар дуо қилинг. Турмуш ўртоғингиз билан ҳеч қачон тортишманг. Сиз тортишадиган кун барча идишлар синиши мумкин.

- ◆ Кўрасиз, осмонга етган бахтга эришасиз. Сизнинг уйингиз жаннат эканлигини билиб оласиз ва худди Иброҳим алайҳиссалом олов ичида хавфсиз бўлганидек, фасод ичидаги бир жамиятда раҳмшафқат топасиз. Қийинчиликлар сизни йиқитмайди, қашшоқликдан қўрқмайсиз.

- ◆ Турмуш ўртоғингиз билан бир-бирингизни эр ва хотин сифатида кўрманг. Бир-бирингизни жаннатга бўлган бир виза сифатида кўринг. Хатоларни йиғиб юришга мойил бўлманг. Аллоҳ сизни кечириб юбориши учун сиз ҳам кечириб юборинг. Бир-бирингизнинг оиласигизга ниҳоятда ҳурматли бўлинг.

- ◆ Ҳасад ва ёмон кўзга эътибор беринг. Чунки сиз бу ҳолатда бўлганингизда, ҳатто шайтонни ҳам ақлдан оздирасиз. Ўзингиз, наслингиз, умматимиз ва биродарларингиз учун дуода бўлинг.

## УНАШТИРУВ ВА НИКОҲНИ БИРЛАШТИРИШ

**Савол:** – Устоз, унаштирилганимга 4 ой бўлди. Насиб қилса, ёзда уйланаман. Менинг келин билан ҳозир никоҳланишим қанчалик тўғри ёки нотўғри бўлади? Буни кенгроқ тушунтириб берсангиз хурсанд бўламан. Иккаламиз ҳам никоҳланишини хоҳлаймиз. Динимизда эътиroz борми бунга?

**Жавоб:** – Никоҳланиш учун вақт чегараси йўқ. Никоҳ аниқдир – мавжуд ёки йўқ. Ҳеч қандай юзаки ёки вақтинчалик никоҳ бўлмайди. Агар сиз ушбу никоҳдан кейин келин билан гўшангага кириш ҳуқуқига эга бўламан деб ўйласангиз ва тўйдан олдин никоҳни такрорлашингизга тўғри келмаса, у ҳолда никоҳланинг. Акс ҳолда, қилаётган ишингиз нотўғри бўлиб қолади.

## ОТА-ОНА РОЗИЛИГИ БИЛАН ТУРМУШ ҚУРИШ

**Савол:** – Ҳарбий хизматга кетишимидан олдин унаштирилганман, иншааллоҳ тез орада тўйим бўлади. Аммо кунлар тўйга яқинлашган сари менда нотинчлик бошланди. Икки ўртада қолиб кетяпман, устоз. Икки томоннинг ҳам кўнглини олиш жуда қийин бўляпти. Шу боис тушкунликка тушиб қолдим. Ота-онам ўзлари билан бирга бўлишимизни хоҳлашади. Мен ҳозир

жуда ёмон аҳволдаман. Икки ўт орасида қолишини хоҳламайман. Мен на ота-онамни хафа қилишни хоҳлайман, на бошқа томонни. Қандай йўл тутишим керак?

**Жавоб:** – Ота-онангиз қатъий норози бўлса, уларга қарши чиқишингиз мумкин эмас. Агар қарши борсангиз, тинчлик ва қувончингизни йўқотасиз. Биринчидан, ота-онангиз билан ўтиринг, улар сиздан нимани хоҳлашларини икки қаторли аниқ гап билан тушуниб олинг.

Яъни сизни муросага келтира олмаётган нарса аниқ бўлсин. Буни қарши томонга ҳам айтинг. Вазиятни улар билан муҳокама қилинг. Аммо бу учрашувда, албатта, оила катталаридан бири бўлиши керак. Агар улардан бирортаси муроса қилса қандай яхши. Агар муроса қиласиган бўлса, сизнинг никоҳингиз ўлик туғилган гўдакдек бўлади. Ҳеч иккапланманг ва келинни ўз ҳолига қўйинг. Чунки бундай бошланган никоҳ кўп йил давом этмайди. Ҳа, бу оғрикли бўлади, лекин тинч ҳаёт кечиришингиз учун зарурдир. Ушбу жараённи икки ҳафта ичида тутатинг. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин.

## ТАЛОҚ НАТИЖАЛАРИ

**Савол:** – Устоз, мен тикувчилик цехида ишлайман, ўзимнинг уйим бор, ҳеч қандай ёмон одатим йўқ, ҳатто чекмайман ҳам. Уйдан ишга, ишдан уйга қайтаман. Мен таҳорату намози жойида бир инсонман, 1 йил олдин турмуш қурганман, никоҳланаётганда маҳрни 120 грамм олтин деб белгилаганмиз. 4 ярим ой бўлди. Хотинимнинг менга нисбатан ўзини тутиши ва қиликлари ҳам ўзгарган, ҳар доим онасининг олдига бориши хоҳлайди.

Мен билан нуқул жанжаллашади, қулоқ солмаяти. Ишли бўлганим сабабли ҳар доим ҳам унинг олдига, яъни онасиникига боролмаяпман, ишда жуда чарчайман. У эса мени тушунмайди. Дам олиш куни оиласиникига борамиз, у эса дарров қолишни хоҳлайди. Ўша ерда ҳам тортишиб қоламиз. Турмуш қуришим мен учун бир бало бўлди. Уйимиз доимо нотинч. Унинг фикри-зикри онаси ва отасида. Менга ҳеч қачон қулоқ солмайди. Ҳар доим айтгани бўлишини хоҳлайди, агар айтгани бўлмаса, мен билан аразлаб гаплашмайди.

Қарзимиз борлиги туфайли оилам билан яна бир йил бирга бўламиз. Хотинимнинг отаси ва онаси, биз билан гаплашмай, тингламай жанжал кўтариб, бақир-чақир қилиб, хотинимни олиб кетди. Устоз, улар кетаётганда хотиним мен маҳр сифатида берган билакузукларни «Мен уларни хоҳламайман» деб улоқтириб юборди.

Мен билан бирга туролмас экансан, нега турмуш қурдинг деб ғазабландим. Улар менга катта моддий зарар етказди. Энди эса у ажрашиш учун ариза ёзмоқчи экан. Устоз, 120 грамм олтин турк лирасида 60 000 га яқин бўлади. Мен зарар, қарзда бўлганимда, у учун бу маҳр ҳалолми? Нима қилишим керак?

**Жавоб:** – Биз никоҳ синовини оддий деб билмаймиз. Сиз бу борада биринчи эмассиз. Кўп никоҳлар айни шу тарзда тугаяпти. Сиз қуидаги тартибга амал қилишингиз мумкин:

А) Агар айтганларингиз рост бўлса (турмуш ўртоғингизни ҳам тингламай туриб ҳақиқатни айтяпсиз деб ҳисоблашимиз тўғри эмас), хотинингиз сизни эркак сифатида ёқтиргмагандир. Ота-онаси, озиқ-овқат, ейиш-ичиш, балки бир баҳонадир. Бошқа чора йўқ, бундай никоҳ кўп йил давом этмайди. Агар турмуш ўртоғингизнинг ёши йигирмага тўлмаган бўлса, бу бир болалиқдир, дейиш мумкин. Сиз буни насиҳат билан тузатишиңгиз мумкин. Аммо унинг ота-онаси рағбатлантираётган бўлса, анча қийин иш. Сиз ажрашишга рози бўласиз. Қўйиб беринг, ажрим тўғрисидаги аризани у берсин, шунда сиз судга нафақа жазосини тўламайсиз.

Б) Ажрашиш каби жиддий масалаларда моддий зарар ҳақида ўйланилмайди. Сизники ҳам бир болалик. Сиз ҳаётингиздан энг оғир зарбалардан бирини бошингиздан ўтказяпсиз ва шунча миқдордаги пул ҳақида ўйляяпсиз.

Сизга шуни айтай: тинчгина ухлаб үтказган бир кечалик уйқу олтмиш миллиард доллардан күра қийматлироқ бўлади.

В) Келажакда пушаймон бўлмаслик учун лозим даражада маслаҳатлашинг. Уни ва ўзингизни оила бошлиқларини ўртага қўйинг. Агар сизнинг ақли расо оила бошлиқларингиз ушбу турмуш давом этмаслигини айтса, ҳеч иккиланманг. Ажрашиб, яна турмуш қуришга ҳаракат қилинг. Ҳеч қачон ёлғиз қолманг. Эркак киши ажрашиб ёлғиз қолиши хавфлидир.

Г) Никоҳ борлиги учун маҳр аёлнинг ҳаққидир. Агар у билагузукларни, яъни маҳрни сиз мажбур қилмасдан қайтариб берган бўлса, демак, улар ҳам сизники. Сиз уни қайтаришингиз шарт эмас. Ўзингизнинг ёшингизни ёзмаганингиз учун мен чекланганроқ жавоб беришга мажбурман. Сабрли бўлинг. Аллоҳдан қўрқинг ва маслаҳатлашмасдан шошилинч қарор қабул қилманг. Бирор аёлнинг ҳуқуқини бузманг, сиздан кетса кетсин, лекин ҳеч кимнинг ҳаққи сизда қолмасин.

Ва, албатта, бир кун ҳам кечиктирмасдан маслаҳатлашинг, қалбингиз қачон таскин топса, шунда ҳал қилинг. Кейин йўлингизни давом этинг. Ва ҳеч қачон соғлиғингизни, ифратингизни, ор-номусингизни, эркаклигингизни пул билан ўлчаманг.

## ТУРМУШ ҚУРИШ ВА ИСТИХОРА

**Савол:** – Турмуш қуриш учун ҳаракат қиляпман. Бир неча бор истиҳора қилдим, чиқмаяпти. Менда бирор камчилик борми, нима деб ўйлайсиз?

**Жавоб:** – Азиз биродарим, истиҳора – бу шубҳасиз суннат. Аммо унинг тушга алоқаси йўқ, саҳобалар – Аллоҳ улардан рози бўлсин – тушга суюнмаганлар. Истиҳора дегани икки ракат намоздан кейин дуо қилиш ва икки-уч кун ичида қалбингизга тушадиган аломатларга эътибор бериш. Сиз ўзингизча ётиб-туриб, унга истиҳора номини бергансиз. Сиз қилишингиз керак бўлган биринчи нарса – маслаҳатлашинг. Яъни у сизни, сиз эса уни ахтариб топишингиз керак, шунда иккалангиз ҳам истиҳора қилардингиз. Агар сиз уч кундан кейин бундай никоҳ сизни баҳтли қилишига ишонсангиз, ушбу истиҳоранинг натижаси хайрли бўлади деганидир. Бундан буёғига шундай қилинг.

◆ Азиз биродарим, бир марта синааб қуриш – бу бутун бошли ҳаёт дегани эмас. Ҳатто икки, ўн, йи-гирма марта синааб қуришингиз мумкин, ҳар бир ушлаганингиз олтин бўлмайди-ку! Албатта, изланишда давом этинг. Қайта уриниб қўринг. Ҳаёт ташвишлардан тезда тўйиб кетадиган ва қўрқадиганлар яшай оладиган даражада осон эмас. Сабр қилинг ва тушкунликка тушманг.

## ҚИЗ БОЛА ВА ИБОДАТ

**Савол:** – Қиз бола учун неча ёшдан намоз үқиш шарт?

**Жавоб:** – Гүдаклигиданоқ үргатишимиз керак. Аммо ҳайз күриш вақтидан бошлаб фарз бўлади.

## БОЛА АСРАБ ОЛИШ МУАММОЛАРИ

**Савол:** – Мен давлат хизматчисиман. 10 йил олдин жияним оқ қон касаллигига чалинган ва мен болани қонуний равишда асраб олганман. Касалхона харажатларини биз тўладик, бир қисмини эса давлат берди. Айни пайтда бола менда, бу жоизми?

**Жавоб:** – Жиянингиз ҳеч қачон сизнинг фарзандингиз бўлиши мумкин эмас. Агар фарзандларингиз бўлса, улар ака-ука деб ҳисобланмайди. Агар бу ўғил бола бўлса, аёлингиз билан номаҳрамлик муаммоси пайдо бўлади. Шу билан бирга, қизларингиз бўлса, улар ҳам ундан эҳтиёт бўлишлари керак бўлади. Аммо сиз қилган яхшилик биизниллаҳ хайрлидир.

## БОЛА ҮЛИМИНИНГ ОҚИБАТИ

**Савол:** – 5 ой олдин З фарзандимдан айрилдим, сизнинг олдинги жавобингиз қалбимга анча таскин берди. Бироқ ён-атрофимдагилар фарзандларим мен, отаси ва шу каби 70 минг кишига шафоатчи бўлади деб айтишади. Бу ҳақиқатми? Мен илгари ҳам сўрагандим: улар ҳар доим гўдак ҳолларида бўлишади, тўғрими?

**Жавоб:** – Фақат шуни билинг ва унга ишонинг: иншааллоҳ улар сизга етишади ва жаннатда бирга бўласизлар, бошқа нарсаларни ўйламанг.

## ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЙ?

**Савол:** – Биз қайнонам ва овсинум билан битта бинода яшаймиз ва даромадимиз ўртада (шериклик тақсимланади.) Шунинг учун ҳар ким бир-бирининг уйига бемалол кириб, чиқиб кетаверади. Қайнонам бу йил ҳажга борди, қайтиб келганида эса жуда ёмон бўлди. У ҳеч кимни хоҳламаётганини, ҳамма ўз уйида ўтириши кераклигини, ҳатто, уларни уйга киритишни ҳам хоҳламаслигини айтди. Бир ой ўтгач, қайнотам ётмоҳонасидан банд, яъни иссиқ-совуқ қилинган тугун топди ва уларни домлага олиб борди. Домла у барчамизнинг номимизга ёмон нијатда, хонадонимиз хароб бўлиши, моддий қийналиш ва нотинчлик бўлиши учун қилинганини айтибди.

◆ Бандни сиркали сувга солиб қўйдик ва ке-  
йин денгизга ташладик. Ўша куни қайнонам,  
қайинсинглим, овсиним ва қайнотам билан ора-  
мизга совуқчилик тушди. Улар мени умуман хоҳла-  
майдилар, ёнларига ҳам киритмайдилар, гаплаш-  
майдилар. Улар ҳатто юзимга ҳам қарамайдилар.  
Негалигини билмайман. Одатда қайнонам мени  
хоҳламаслигини айтади, лекин эримга эса ўзи кел-  
маяпти дея шикоят қиласди. Нега бунақа бўлаёт-  
ганини ўзларидан сўрай дейман, кейин қайнонам  
билан юзма-юз келишни хоҳламай, воз кечаман.  
Мен аросатда қолдим, уларнинг қалби оғришини  
истамайман, лекин жуда баҳтсизман. Нима қили-  
шим керак? Бизга сехр қилинган бўлиши мумкин-  
ми? Буни қандай билишим мумкин?

**Жавоб:** – Турмуш қуриш – бу турли хил қийин-  
чиликларни ўз ичига олган бир ҳаётдир. Эҳтимол,  
туғишдан кўра қийинроқ бўлган нарса, бу уй аъзола-  
рининг бир-бирига нисбатан бағрикенглиги. Кетиш  
бу ечим эмас. Чунки қаерга борманг, шунга ўхшаган  
кимдир сизни топади. Икки ўлчовга эътибор бериб,  
ушбу офатдан қутуласиз.

◆ Биринчиси: уйингизда бу муаммо ҳақида аёл-  
лар қанча кам маълумотга эга бўлса, шунчалик  
тезроқ тузатилади. Ҳолатни биладиган ҳар қандай  
аёл тикланишни кечикирадиган бир тўсиқдир.

◆ Иккинчидан: томонлардан бири паст келиши  
керак. Сиз ўша уйда энг кўп азоб чекадиган тараф-

сиз. Агар сиз паст келишга муваффақ бўлсангиз, билвосита бўлса-да, сиздан кечирим сўрашларини тез орада гувоҳи бўласиз. Шунингдек, жуфтингизни эҳтиёжларини қондириш усулларидан унумли фойдаланинг. Сиздан бу жиҳатда ҳеч қандай айб топмаслиги керак. Агар сиз турмуш ўртоғингизни ота-онасига қарши қайрамасдан, шахсий ҳаётингизга аҳамият берсангиз, воқеа таъсиридан тезда халос бўласиз. Иложи бўлса, у билан ҳеч қачон бу масала-ни муҳокама қилманг, асло тортишманг.

Аллоҳ сабр берсин.

## АТИРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Савол:** – Устоз, атир, дезодорант, одеколон каби косметик маҳсулотлар ҳаромми ёки улардан фойдаланишимиз мумкинми? Чунки кўпининг маркибида спирт мавжуд.

**Жавоб:** – Биринчидан, бу тиббий заарли ё зарарли эмаслигини билишимиз керак. Тиббиёт нуқтаи назаридан фойдаланиш заарли бўлган нарсанинг дин нуқтаи назаридан ҳам зарари бор. Агар эҳтиёж бўлса, спирти бор бўлган нарсалардан ҳам фойдаланишимиз мумкин. Спирти бор бўлган нарсаларни хушбўйланиш мақсадида атир ҳолида фойдаланишда кароҳиятли бўлиши мумкин. Эҳтиёт бўлиш тақвога мувофиқдир.

## ЧИРОЙЛИ МУОМАЛА

**Савол:** – Сиз бизга Исломда яхши муносабатда бўлиш одоблари ҳақида батафсил маълумот бера оласизми? Бу борада фарзандларимизни қандай тарбиялашимиз керак?

**Жавоб:** – Чиройли муомала ҳақида бир неча китоблар ёзилган. Уларнинг замонавий услубда ёзилганлари ҳам бор. Бу китобларнинг ҳаммасини ўқиш ўрнига, мен иккита жумла билан масалани қисқача баён эта оламан:

♦ Қаршингиздагига у сиз билан қандай муносабатда бўлишини истасангиз, сиз ҳам унга шундай муомалада бўлинг. Фарзандларингиз сизнинг ушбу характеристингизни билсинлар. Бу жуда оддий ва аниқ.

## ОҒИЗ ОРҚАЛИ ШАҲВАТНИ ҚОНДИРИШ

**Савол:** – Эрим мени оғиз орқали бирга бўлишга мажбур қилмоқда, деб айта оламан. Мен бу гуноҳ деб қўрқаман. Мен сўраб билайлик дедим, у ибодати исломияда йўқ, бу тақиқланган деди. Мен қараб кўрдим ва ибодати исломияга ўхшашиб китобларнинг иккитасида бу ҳақида тополмадим. Сизнинг сайтингизда қарши эмаслигинги ёзиланини айтишди.

**Жавоб:** – Сиз оғиз орқали нафсни қондириш деб атайдиган нарса, эркакнинг аёлнинг жинсий аъзола-

ри ва аёлнинг эркакнинг жинсий аъзоларини оғзига олишини хулоса қилиш мумкин бўлган муносабатларнинг номи бўлиши керак.

Илмиҳол, ибодати исломия, ҳатто, фикҳ китобларида ҳам ушбу мавзуни тополмайсиз. Дарҳақиқат, бу фикҳ китобларида батафсил баён қилинган мавзу сирасига кирмайди. Шу сабабли, бизнинг замонавий олимларимиз ҳам бу борада аниқ далиллар келтира олишмайди.

Лекин ушбу масалани қуидаги фикрларга эътибор қаратиш орқали таҳлил қилишимиз мумкин:

Биринчи нуқта: бу масаланинг тиббий томони. Хусусан, агар жинсий аъзолардан чиқадиган суюқликлар қарши томонга ёки ҳаттоки суюқлик эгасига қасаллик юқтириш эҳтимолини кўриб чиқсан, тиббий маълумотларга асосланган ҳукмга дуч келамиз. Ушбу қоидага биноан бундай нарсага йўл қўйилмайди. Одамларга заарли экани аниқ бўлган нарса динда жоиз эмас. Агар бундай қарор тиббий жиҳатдан қабул қилинмаган бўлса ёки у суюқликка тегмаслик ҳолатига қараб муҳокама қилинадиган бўлса, у ҳолда масала ўзгариши мумкин.

Иккинчи нуқта: завқ олишнинг бундай тури фитрий бўладими ёки йўқми? Хўш, бундай завқ табииими ёки йўқми? Агар бу табиий эмас деб қарор қилсан, иккита жиҳатни кўрамиз. Табиий бўлмаган нарсани ҳеч бўлмаганда кариҳ кўришдир. Бошқача

қилиб айтганда, бундай нарса фиқҳан макруҳдир. Бундан ташқари, табиий бўлмаган иш учун бундай ишни бажаришини кутаётган кишининг розилиги бўлиши керак. Турмуш ўртоқлардан бири буни бошқасига мажбур қиласидиган ҳолатда бўлмаслиги керак.

Учинчи нуқта: масаланинг фиқҳий томони. Ни-коҳда эр-хотин ўртасида муҳим бўлган нарса, уларнинг бир-бирининг танасидан ҳар томонлама завқланишидир. Насс билан ҳаром бўлган ректал жинсий алоқа ва ҳайз пайти – нифос кунларида аёл билан нормал алоқада бўлиш, ушбу масалалар қатъиян тақиқланган, ҳаромдир.

Оғиз орқали шаҳват қондириш ҳақида тўғридан-тўғри кўрсатма йўқ. Сиз аниқ бир маълумот топа олмаганингиз сабаби ҳам шу. Албатта, ахлоқий ва одатий нуқтаи назардан, ҳар қандай лаззат қабул қиласидиган амалиёт мавжуд. Хусусан, агар эр-хотинлардан бири бундан завқланмаса, кароҳият яна-да кучаяди.

Тўртинчи нуқта: бу нажосатга тегиш тарафидир. Манийни нажосат эмас деб ҳукм қилганларни ҳам ҳисобга олсак, жинсий аъзолардан чиқадиган суюқликлар орасида манийдан бошқа нажаслар ҳам бор. Хусусан, манийни оғизга тўкишни ўзи қаттиқ кароҳиятларни келтириб чиқаради.

## ЭРКАК ҲАМ АЁЛ ҲАМ БИЛИШИ УЧУН НУБУВВАТ ЧАШМАСИДАН

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни саҳобаларига шундай савол қилдилар: «Аёлларингиз ичиди аҳли жаннатлари ким, айтиб берайми?» Саҳобалар: «Ҳа, айтиб беринг, эй Расулуллоҳ!» – дедилар.

Расулимиз: «Истараси иссик, ёқимли, бола туғадиган, гуноҳ қилиб қўйганда эрининг қўлини ушлаб «Мени кечиринг» ёки «Нима қилсангиз ҳам майли, розиман» дейдиганлари» – дедилар.

«Китобу адаб ан-нисо» 9-ҳадис.

*Маърифий-бадиий нашр*

**НУРИДДИН ЙИЛДИЗ  
МАҲРАМ ЖАВОБЛАР**

Муҳаррир  
Исмат ХУДОЁР

Бадиий муҳаррир  
Дилфузा САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: AI № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 29.11.2021 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Босма табоғи 5,0. Шартли босма табоғи 8,4.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 197.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlodi@mail.ru

## **«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ МАТБАА-МАРКАЗИДА ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБЛАР**

**Муҳайё РИХСИБЕКОВА**

**«Медитация дарслари:**

**ўзликни англаш сари қадам»**

**Формати: 84x108 1/32**

**Ҳажми: 240 бет**

Медитация – инсонни аслиятга, ўз табиатига қайтарилиши. Саросимада қолган ақлни тинчлантиради, руҳан покланиш орқали маънан етукликка олиб боради. Айнан шунинг учун медитация амалиёти маънавий ва жисмоний соғломликка етиштирадиган энг түғри йўл ҳисобланади.

Мазкур китоб Наоми Озанец, Кацудзо Ниши, Анатолий Некрасовнинг медитация ҳақидаги амалий машғулот маърузалари асосида тайёрланди. Унда медитация орқали саломатликни тиклаш ва мустаҳкамлаш усуллари таклиф этилади, шунингдек, ўзликни англаш, борлиқ билан бир бутунликда эканимизни ҳис этишда медитациянинг роли содда қилиб тушунтирилади.

**Суннат МУСАМЕДОВ**

**«Феноменал хотира:**

**хотирани мустаҳкамлашнинг 70 усули»**

**Формати: 84x108 1/32**

**Ҳажми: 176 бет**

Феноменал хотира – мустаҳкам ва кучли хотира бўлиб, у муентазам ташқи ва ички таъсирлар натижасида мияни парвариш қилиш, озиқлантириш, узоқ вақт муваммосиз ишлаши учун шароит яратиб беришга эҳти-

ёж сезади. Мазкур китоб мустаҳкам хотираға эга бўлган алломалар ҳаёти ва фаолиятини кузатиш асносида ёзилган. Мутолаа жараёнида тавсияларга амал қилиш ва машқларни тўғри бажариш билан ҳар бир ўқувчи ўз хотираси ва мия фаолияти учун bemisл хизмат кўрсатади.

Мактаб ўқувчилари, айниқса, абитуриент ва талабалар ушбу китобдан жуда қимматли маълумотлар ҳамда тавсиялар олишлари мумкин.

**Хадича Кубро ТОНГАР**  
**«Бақирмайдиган оналар»**  
**Формати: 84x108 1/32**  
**Ҳажми: 240 б**

Фарзандингизни ҳурмат қиласизми? Албатта, яхши кўрасизми деб сўрамоқчи эмасмиз, чунки миллати, ирқи, динидан қатъи назар она мақомидаги зот борки, фарзандини ўз жонидан бир неча карра ортиқ севиши, шубҳасиз! Аммо Яратгандан беғубор бир омонат, гўзал ҳадя бўлмиш боламизга муносаб муносабат кўрсатиш, фарзанд тарбиясида тўғри йўлни танлай олиш, унинг шахсини қадрлаш ҳар доим, ҳар биримизнинг қўлимиздан келавермаслиги рост.

Қўлингиздаги мазкур китобни нафақат фарзанд ўстираётган оналар, балки турмуш остонасидаги қизлар ҳам ўқиб ибрат олишларини тавсия қиласиз. Муаллиф болаларга «бизники» деб қараш нотўғри экани, аксинча, биз бор-йўғи Эгасининг олдидаги бир омонатчи эканлигимизни эслатиб, фарзанд тарбияси борасидаги фикрларимизни мутлақо ўзгартиради, хатоларимизга ойна тутади.

**Эрих ФРОММ**

**«Озодликдан қочиш»**

**Формати: 84x108 1/32**

**Ҳажми: 352 бет**

Озодлик аслида нимани англатади?

Унга етишиш кимлар учундир эзгу орзу бўлса, айримлар учун эса таҳдид кабими?

«Озодликдан қочиш» асари таҳлилиниң кўрсатишича, ҳозирги инсон ҳали ҳамон ташвишлар исканжасида: у турли диктаторларга ўз озодлигини беришга ёки уни бутунлай йўқотишга, эркин инсонга айланишга эмас, балки машинанинг кичик мурватчаси бўлишга мояйлдир. Биз ёлғизлик ва кучсизликдан халос бўлишда ўз шахсимиздан воз кечишга ёки хулқ-атворнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган андозалари остига беркинишга тайёр эканлигимизни намоён қиласиз.

Биз ҳис-туйғуларимизга кўра яшасак – озодмиз, маълум қолип доирасида, ақл билан иш тутар эканмиз – озодликдан қочаётган бўласиз.

Бирор ишни ёки вазифани мажбур бўлиб эмас, чин дилдан, истак ва хоҳишга кўра бажариш – эришиладиган натижанинг нечоғлик юксак бўлишини таъминлайди. Демак, озодликнинг баҳоси – самараси ана шундай!

Мазкур асарда муаллиф инсон кўп ҳолатларда мустақил, ақлли, объектив бўлиш учун етарли даражада вояга етмаганини таъкидлайди.

Сиз-чи, бу борада қандай фикрдасиз?

**Кумар ГУПТА**

**«Бахтли бўлиш сирлари»**

**Формати: 84x108 1/32**

**Ҳажми: 176 бет**

Инсон борки, ҳаётда турли муаммолар билан юзлашади, баъзан улар қаршисида ожиз қолади. Шундай пайтда дардлашадиган, борингни тўкиб-соладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган ҳамдардга эҳтиёж сезасан. Бироқ дардингни жон-қулоғи билан тинглаб, сирларингни сақлайдиган, айниқса, тўғри маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатадиган дўстни топиш амри маҳол.

Дунёдаги энг кўп сотилган психологияк китобларнинг машҳур муаллифи Мринал Кумар Гуптанинг илк маротаба ўзбек тилига таржима қилинган «Бахтли бўлиш сирлари» китоби сиз учун сирдош ва яхши маслаҳатчи бўла олади.

Осон ва тушунарли тилда ёзилган, ҳаёт синовларидан ўтган ушбу маслаҳатлар тўпламини ўқишингизни тавсия қиласиз.

**«ОИЛАДА СЕВГИ СУҲБАТЛАРИ»**

**Нашрга тайёрловчилар:**

**Сабоҳат Бозорова, Муна Холмуродова**

**Формати: 84x108 1/32**

**Ҳажми: 128 бет**

Ҳаёт ичра оила ҳаётимиз ҳам ўтиб кетмоқда. Уни ҳузур-ҳаловатли, мазмунли, мароқли ўtkазиш ҳар отонанинг орзуси.

Бу эзгу ниятингиз амалга ошиши учун ушбу китобдан ҳар куни бор-йўғи 15 дақиқа оилангиз даврасида мутолаани йўлга қўйсангиз, бас.

Оилангиз СЕВГИ, МЕХР, САОДАТ шуълалари ила нурафшон бўлсин, азиз ўқувчи!

Нуридин Илдиз

ӘРКАК ВА ӘӘЛ  
МУНОСАБАТЛАРИ ҲАҚИДА

# Махрам жавоблар



Махрам жавоблари (юмші)

Narxi: 25 000,00



9 789943 208414

[www.book.uz](http://www.book.uz)